Аннотация: мақолада коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, унинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил этилиб, коррупциянинг олдини олиш амалиёти ва қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: коррупция, давлат хизмати, давлат хизматчиси, мансабдор шахс, қонунийлик, одоб-ахлоқ, жавобгарлик, манфаатлар тўқнашуви.

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич,

Заведующий кафедрой Академия Государственного
Управления при Президенте Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, доцент
E-mail: nasaf70@mail.ru

ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ КОРРУПЦИИ – АКТУАЛЬНАЯ ЗАДАЧА ГОСУДАРСТВА

Аннотация: в статье анализируются основные направления государственной политики в области борьбы с коррупцией, предпринимаемые меры для ее предотвращения, а также были разработаны предложения по совершенствованию практики и законодательства по предупреждению коррупции.

Ключевые слова: коррупция, государственная служба, государственный служащий, должностное лицо, законность, этика, ответственность, конфликт интересов.

Khayitov Khushvakt Saparbayevich,

Head of department of Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of science in law, associate professor
E-mail: nasaf70@mail.ru

ANTI-CORRUPTION MEASURES – ACTUAL TASK OF THE STATE

* Мақола ПЗ-20170926317 "Ўзбекистонда давлат хизмати тизимини ривожлантириш истиқболлари ҳамда давлат хизматчиларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш" мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида нашр этилган.

Annotation: The article analyzes the main directions of state policy in the field of combating corruption, measures taken to prevent it, as well as suggestions were developed to improve the practice and legislation to prevent corruption.

Key words: corruption, civil service, public servants, officials, legality, ethics, responsibility, conflict of interests.

For citation: Khayitov Khushvakt Saparbayevich. ANTI-CORRUPTION MEASURES – ACTUAL TASK OF THE STATE. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 18-25

Мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштириш либераллаштириш шароитида давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб мавқеини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этилиши давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада давлат ҳокимияти фаолиятининг самарасизлигига сабаб бўлади. Шунингдек, коррупциянинг ривожланиши давлат томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижаларига ўта салбий таъсир кўрсатади.

Шу боис, коррупцияга қарши курашиш мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "Жамият ривожига гов бўлаётган яна бир иллат - бу коррупция балосидир. Бундай хатарга қарши курашиш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим" [1], деб ҳақли таъкидлайдилар.

Шу мақсадда 2017 йил 2 февраль куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу қонуннинг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга хизмат қилди. Яна муҳим бўлган жиҳатларидан бири, мазкур қарор асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилиб, унинг низоми ва 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди ҳамда дастур доирасида муайян ишлар амалга оширилди [2].

Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатинининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, у давлат органлари томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни баргараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш каби чора-тадбирлар орқали амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, коррупцияга қарши чора-тадбирлар изчил кучайтирилиб борилмоқда. Хусусан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини самарали ижро этиш, коррупцияга қарши курашиш

тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2019 йил 27 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли вазифалар белгиланди [3]. Мазкур Фармон асосида коррупция қарши тизим янада такомиллаштирилди ва унинг олдига муҳим вазифалар белгилаб берилди. Унда қуйидаги устувор вазифалар назарда тутилди:

Биринчидан, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланди. Мазкур дастурнинг устувор йўналишлари этиб, қуйидагилар белгиланди:

I. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

IV. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик.

Иккинчидан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Эътиборлиси, комиссия раиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси тайинланиб, комиссиянинг сиёсий нуфузи янада оширилди.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия тузилиб, унинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Фармон асосида белгиланган эътиборга молик ишлардан бири шуки, келгусида коррупциянинг оқибатларидан кўра, унинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинисини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси этиб белгиланганлиги давлат органларининг барча бўғинларида ушбу йўналишдаги ишларнинг таъсирчанлигини ошириши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боришининг йўлга қўйилиши ҳамда 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш вазифасининг белгиланганлиги мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширмасдан қолмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, Фармонда коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш долзарб вазифа сифатида белгиланиб, мазкур йўналишда аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Коррупцияга қарши кураш, уни бартараф этиш кўп ҳолларда унга сабаб бўлувчи омилларни, ҳолатларни ва шарт-шароитларни аниқлашдан ва уларни бартараф этишдан, шунингдек, унга қарши комплекс курашдан иборат бўлади. Шу сабабли, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг кенг доираси белгиланган. Унга кўра, мазкур чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилувчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташқилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, бегаразлик, адолатлилик ва ҳолислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш [4].

Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши

мумкин. Шулардан кўриниб турибдики коррупциянинг олдини олишга доир чорат-тадбирга алоҳида эътибор қаратиллади. Халқимизда "Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши" деган мақол мавжуд. Яъни, коррупциянинг оғир оқибатларини бартараф этишга куч сарфлагандан кўра, унинг олдини олиш жамият ва давлат манфаатларига фойдали ҳисобланади.

Алоҳида қайд этиш лозимки, коррупциянинг олдини олишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам қонунчиликда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур иллатнинг олдини олишда фуқаролар ва давлат хизматчиларнинг ахлоқий қарашлари ва маънавий-руҳий муносабати ҳам муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари, уларнинг ахлоқий қараш ва қадриятлари уларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришда муҳим асос ҳисобланади. Мазкур хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида У.Таджихонов ва А.Саидовлар шундай фикр билдиради: "Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва ахлоқи орасидаги боғланишга эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан мансабдор шахсларда касбий ва сиёсий хислатлар билан бир қаторда ахлоқий фазилатларини ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир" [5].

Бу ҳақда Л.А.Муҳаммаджонова шундай фикр билдиради: "Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун қонунларга риоя этиш мажбуриятга эмас, фазилатга айланмоғи лозим. Бунинг учун одамларни демократияга ўргатиш зарур, токи киши шахсий жавобгарлик ҳиссини туйсин, ахлоқ меъёрларига риоя этиш унинг учун ички заруратга айлансин" [6]. Ушбу фикрда етарли асослар мавжуд. Чунки етарли ахлоқий фазилатга эга бўлмаган, қонунийликнинг заруратини англамаган шахсда қонунийликка риоя этиш сифатлари етарлича шаклланмайди. Немис файласуфи Ницше ахлоқийлик ҳақида шундай деган эди: "Ахлоқийлик аввал қатъи талаб шаклида кўйилади. Унга риоя қилиш шартлиги учун бўйсунга бошлайдилар. Бироз ўтгач бу ихтиёрий одатга айланади ва охири у инстинкт даражасида оддий ва табиий, одамга ҳузур берувчи фазилатга айланади" [7]. Афсуски, айрим ҳолларда давлат хизматчиларининг ахлоқий сифатлари ривожланмаганлиги сабабли улар фаолиятида турли қонунбузилишлар учраб туради. Бунинг олдини олишда ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия асосий ўринни эгаллайди.

Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи ҳам унинг давлат хизмати лавозимларини эгаллаши билан боғлиқ ҳисобланади. Умуман олганда, "Ахлоқ одамларни бирлаштиришга, жипслаштиришга, жамиятда барқарор ва адолатли муносабатларни таъминлашга қаратилган қадриятларда намён бўлади" [8].

Давлат бошқарув органлари томонидан давлат функция ва вазифаларини амалга ошириш жараёнида аҳолига турли хизматлар кўрсатилади. Мазкур давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ахлоқ инсоннинг шахсий қадрияти сифатида унинг фаолиятига кўчади ва уни натижага йўналтирувчи кучга айланади.

Давлат хизматчиси қонунларда белгиланган кўплаб ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Шунга мувофиқ, давлат хизматчиси муайян ахлоқий сифатларга эга бўлиши талаб этилади ҳамда давлат хизматида ахлоқий мажбуриятларни бажариш давлат хизматчиси фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу сабабли давлат хизмати одоби ўзининг ҳуқуқий асосларига эга.

Давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймастиклари керак. Манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳолисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Давлат хизматчиларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф қўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат хизматчилари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак эканлиги белгиланган. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт. Афсуски, амалиётда мазкур нормаларни ижро этишда бир қатор муаммолар кузатилади. Яъни, ҳамма давлат хизматчиси ҳам манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ўз раҳбарини хабардор қилмайди. Бизнингча бунга айрим хизматчилар манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ўзининг ёки ташкилот манфаатига зарар келтиради, деб ҳисоблаши асосий сабаб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси (Канада, Хорватия)сидан маълумки манфаатлар тўқнашуви алоҳида қонун асосида ҳуқуқий тартибга солинган ҳамда ҳар бир тармоқ қонунчилигида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича зарур чоралар белгиланган. Шу сабабли, манфаатлар тўқнашуви тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, мазкур салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш лозим. Аввало, давлат хизматчиларнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш лозим. Бундан ташқари, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ва маъмурий жавобгарликни янада кучайтириш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш лозим.

Дунё амалиётида давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқига риоя этиши устидан нафақат ички идоравий назорат балки ташқи назорат амалиёти ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, Жанубий Кореяда Кадрлар бошқаруви вазирлиги давлат хизматчиларининг меҳнат этикаси ва интизоми назорати масалалари билан шуғулланади [9].

Қозоғистон Республикасида эса 2002 йилдан буён Президент ҳузурида фаолият юритадиган Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Комиссия фаолият юритади. Шунингдек, давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид масалалар билан Давлат хизмати ва коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Агентлик ваколатли орган ҳисобланади [10]. Эътиборлиси, барча вилоят ва туман (шаҳар)ларда мазкур агентлик томонидан фаолияти мувофиқлаштирилдиган Этика комиссиялари фаолият юритади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик таҳлилидан маълумки, давлат хизматчисининг одоб-ахлоқи коррупцияга қарши курашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу боис қонунчиликда давлат бошқаруви соҳасида

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, унда давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш белгиланган. Бундан ташқари, давлат хизматчисининг қонунда белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш орқали унинг фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олди олинади [11].

Бизнингча, жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг барча шаклларига нисбатан муросасиз муносабат қарор топади. Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қарагиш лозим:

Биринчидан, давлат хизматчилари одоб-ахлоқига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни назарда тутиш жоиз. Шунингдек, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқига оид масалаларни кўриб чиқадиган махсус ваколатли органни белгилаш;

Иккинчидан, давлат хизматчиларининг айрим ноқонуний ҳаракатлари коррупция деб, ҳисобланмаса-да унда коррупциявий аломатлар мавжуд бўлади. Масалан, давлат хизматчиси учинчи шахс фойдасига ноқонуний қарор қабул қилиши мумкин. Шу сабабли қонунчиликда коррупциявий қилмишларнинг рўйхатини тўғридан-тўғри белгилаш;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлик учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш;

Тўртинчидан, мансабдор шахсларнинг қарор қабул қилишдаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунида маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топишнинг асоси сифатида мансабдор шахснинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатида маъмурий ҳужжат қабул қилишини белгилаш;

Бешинчидан, давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасаларида давлат хизматчилари одоб-ахлоқини ривожлантириш ва коррупциянинг олдини олишга оид махсус ўқув курслари ўқитилишини йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги ҳар бир давлат хизматчисининг ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан, ҳалол адо этиши, унинг олдини олиш бўйича профилактик чораларни кўришни талаб этади. Бу мамлакатимизда соғлом муҳит қарор топишига, ижтимоий-сиёсий барқарорлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь. (Mirziyoyev Sh.M. Ensuring the supremacy of law and human interests ? the guarantee of the country's development and prosperity. Speech at the ceremony dedicated to the 24th anniversary of the Constitution of the Republic of Uzbekistan);

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to implement the provisions of the Law of the Republic of Uzbekistan "On combating corruption" dated February 2, 2017);

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - www.lex.uz (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 27, 2019 "On measures of further improvement the system of combating corruption in the Republic of Uzbekistan");

4. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - www.lex.uz (Law of the Republic of Uzbekistan "On combating corruption");

5. Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. - Б. 19. (Tajikhanov U., Saidov A. Theory of legal culture. - Tashkent: 1998);

6. Муҳаммаджонова Л. А. Давлат хизматчиси этикаси ва имижиди. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Университет, 2017. - Б. 6. (Muhammadjonova L.A. Ethics and image of a public servant. - Tashkent: University, 2017. - P. 6.);

7. Ницше Ф. Сочинения в 2 т. т. 1. - М., Мысль, 1990. - С.735. (Wilhelm Nietzsche Compositions in 2 volumes, vol. 1. - M., 1990. - P.735.);

8. Алимардонов Т. Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. ? Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010. ? Б. 9. (Alimardonov T. The moral image of the leader. - T. 2010. - P. 9.);

9. Ким Пак Сок Давлат бошқарувида инсон ресурслари. 2018 йил нигоҳида. Ministry of Personnel Management. 2018. - Б. 3. (Kim Pak Sok Human Resources at Public Administration. Ministry of Personnel Management. 2018. - P. 3.);

10.<http://kyzmet.gov.kz>

11. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари, 2016 йил 2 март // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - www.lex.uz. (Model rules of ethical conduct for employees of government and local executive bodies. 2016. 2 march).

Нихолбек Ганиев,

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-4>

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: мақолада телекоммуникация хизматининг тушунчаси ва моҳиятини талқин этилади. Муаллиф телекоммуникация хизматлари хизмат кўрсатишининг бошқа турларидан мураккаб техник тусда эканлиги, уни амалга ошириш комплекслилик хусусиятига эгаллиги, хизматнинг мазкур тури объекти ва предмети аниқлаш уни ҳуқуқий тартибга солиш йўналишини белгилаб беришини очиқ беради. Шунингдек, мақолада телекоммуникация муносабатларининг турдош муносабатлар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: телекоммуникациялар, хизмат кўрсатиш, шартнома, ҳуқуқий тартибга солиш, юридик шахслар, алоқа хизмати, ҳуқуқий режим, телекоммуникациялар ҳуқуқ, турдош ҳуқуқ соҳалари.

Ганиев Нихолбек,

Независимый соискатель
Ташкентского государственного
юридического университета

РОЛЬ ТЕЛКОМУНИКАЦИОННЫХ УСЛУГ В СИСТЕМЕ ОКАЗАНИЯ УСЛУГ

Аннотация: в статье разъясняются понятие и характер телекоммуникационных услуг. Автор раскрывает, что телекоммуникационные услуги технически сложны по сравнению с другими видами услуг, имеют сложность их реализации, определяя объект, а субъект этого вида услуг определяет направление его правового регулирования. В статье также обсуждаются сходства и различия телекоммуникационных отношений с другими смежными отраслям права.

Ключевые слова: телекоммуникации, оказание услуг, договор, правовое регулирование, юридические лица, услуги связи, правовой режим, телекоммуникационное право, отрасли смежного права.

Niholbek Ganiyev,

Independent researcher of the
Tashkent State University of Law

THE ROLE OF TELCOMMUNICATION SERVICES IN THE SERVICE DELIVERY SYSTEM

Annotation: The article explains the concept and nature of telecommunications services. The author reveals that telecommunication services are technically complex from other types of services, have complexity of its implementation, defining the object and subject of this type of service determine the direction of its legal regulation. Also, the article discusses the similarities and differences of telecommunications relationships with related relationships.

Keywords: telecommunications, service provision, agreement, legal regulation, legal entities, network service, legal regime, telecommunication law, fields of neighbouring rights.

For citation: Niholbek Ganiyev. THE ROLE OF TELCOMMUNICATION SERVICES IN THE SERVICE DELIVERY SYSTEM. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 26-35

Хизмат кўрсатиш тизимида телекоммуникация хизматлари ўзига хос ўрин тутади. Телекоммуникация хизматлари фуқаролар ва жисмоний шахсларга ахборот алмашинув ва у билан ишлашнинг технологик жиҳатдан тез ва самарали усулини тақдим этиш орқали, ахборотни узатиш, олиш, қайта ишлаш ва жўнатишга доир эҳтиёжларни қаноатлантиради. Хизмат кўрсатишнинг анъанавий шакллари (алоқа, тиббиёт, таълим, маслаҳат ва шу кабилар)дан фарқ қилиб телекоммуникация хизматлари буюртмачи ва ижрочи жисмоний боғланиши (уларнинг ўзаро суҳбати, биргаликда ишлаши ёки муайян туташтирилган тармоқ орқали)га эмас, балки электромагнит майдонида ахборотларни узатиш хизмати кўрсатишни назарда тутади. Шу сабабли телекоммуникация хизматларини хизмат кўрсатиш тизимидаги ўрни масаласида муҳим жиҳат сифатида телекоммуникация тизимлари ва тармоқлари каби хизмат кўрсатиш воситалари ҳисобланади.

Юридик адабиётларда хизматларни турларга ажратиш борасида бир қатор классификациялар таклиф этилган. Жумладан, Н.С.Нарматов хизматларни Е.Г.Шаблованинг хизматларнинг шахсий ҳарактерга эга бўлган хизматлар ва шахсий ҳарактерга эга бўлмаган хизматларга бўлиш тўғрисидаги фикрларини давом эттириб, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган шахсий ҳарактердаги хизматларни қуйидаги турларга бўлади:

1. Телекоммуникация соҳасидаги хизматлар;
2. Тиббий хизматлар;
3. Жисмоний тарбия ва соғломлаштириш соҳасидаги хизматлар;
4. Маданий-маърифий соҳадаги хизматлар;
5. Сайёҳлик хизмати;
6. Санитария, соғломлаштиришга оид хизматлар;
7. Йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлар;
8. Меҳмонхона хизматлари;
9. Алоқа соҳасидаги хизматлар.

Шахсий ҳарактерга эга бўлмаган хизматларга эса Н.С.Нарматовнинг фикрича, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган қуйидаги хизматларни киритиш мумкин:

- биринчидан, мол-мулкни қўриқлаш бўйича хизматлар;
- иккинчидан, ветеринария хизмати;
- учинчидан, техник хизматлар;
- тўртинчидан, ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар;
- бешинчидан, банк омонати хизматлари;
- олтинчидан, диний хизматлар;
- еттинчидан, коммунал хизматлар[21].

Мазкур таснифда телекоммуникация хизмати шахсий ҳарактердаги хизмат сифатида келтирилган бўлиб, фикримизча, бу баҳслидир. Чунки, телекоммуникация хизмати шахсий тусга эга бўлмайди ва бир вақтнинг ўзида оммавий тарзда номуайян доирадаги фойдаланувчи доирасига кўрсатилиши

мумкин. Масалан, интернет хизмати ёки ижтимоий тармоқларнинг деярли барча турлари муайян компаниянинг абоненти бўлган барча учун очиқ ва бунинг учун тегишли ускуна (смартфон, андроид ёки шу кабилар)га эга бўлиш кифоя қилади. Қолаверса, хизматларни шахсий ва шахсий характердаги хизматларга бўлиш илмий ва амалий нуқтаи назарда тўғри эмасдай кўринади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хизмат кўрсатишда ижрочи буюртмачи билан келишилган фаолиятни унинг фойдасига олиб боради ва натижаси ҳам ижрочига қаратилади.

Хизматлар тизимида телекоммуникация хизматларини ноанъанавий хизматлар гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда мазкур гуруҳга алоқа хизматини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари ноанъанавий хизмат турларига замонавий техналарни билдиради: телекоммуникация ва алоқа хизмати йўли билан буюртмачи қабул қиладиган хизматларни киритиш мумкин. Масалан, банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматлар, клик хизмати ва шу кабилар.

Хизматлар тизимида телекоммуникация хизматларига моҳият ва мазмуни жиҳатидан энг яқини, бошқача айтганда турдоши бу – алоқа хизмати ҳисобланади. Телекоммуникация хизмати ва алоқаси хизматининг ўзаро нисбати борасида Р.Х.Хурсанов қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: телекоммуникация ва алоқа хизмати ўртасида яққол ва жиддий фарқ мавжуд бўлмаса-да, почта алоқасининг айрим элементларини телекоммуникация хизматига киритиш баҳсли. Бироқ замонавий электрон воситалар ва хизмат кўрсатишнинг техник даражаси ортиб бораётганлиги келажакда алоқа хизмати ва телекоммуникация хизматларининг бирлашиши ва ушбу хизмат кўрсатиш соҳасини "телекоммуникация ва алоқа хизматлари" деб юритилишига олиб келиши мумкин. Бинобарин, телеграф, телетайп каби ахборотни етказиш усуллари интернет, электрон почта, мобил телефон алоқаси каби воситаларнинг таъсирида муомалада кам қўлланилмоқда. Гарчи тадбиркорлик муомаласида факс, телетайп қўлланилиб келаётган бўлса-да, замонавий телекоммуникацион технологиялар аста-секин ушбу хизмат кўрсатиш турларини муомаладан сиқиб чиқариши мумкин. Бироқ, почта жўнатмалари, бандероллар, почта орқали совга юбориш ҳолатлари ўрнига телекоммуникация воситалари эмас, балки ташиш хизматининг янги йўналиши кириб келиши ва шу орқали почта алоқа хизматининг телекоммуникация хизматининг почта алоқа хизмати билан бирлашишига замин яратади[28].

Албатта, мазкур фикрларда муайян асос мавжуд ва уларга қўшилган ҳолда келажакда алоқа хизмати ва телекоммуникация хизматларининг бирлашиш ҳолати бўлиши мумкин. Бироқ алоқа хизматининг кўп турларига бўлган эҳтиёж (масалан, почта хизмати)га бўлган талаб йўқолиши ва охир-оқибат алоқанинг фақат телекоммуникациялар билан боғлиқ қисми сақланиб қолишини назарда тутиб ҳамда жамиятнинг техникавий ва технологик ривожланиш шиддатидан келиб чиқиб, келгусида телекоммуникация хизматлари терминида қўлланилиши мумкин. Шу боис ФКнинг 703-моддаси иккинчи қисмидаги "алоқа" сўзини "телекоммуникация" сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

Телекоммуникация хизматларини талқин этишда ахборот ҳуқуқий муносабатлари ва телекоммуникация ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро чегараларини аниқлаб олиш амалий ва назарий аҳамият касб этади. Мазкур масаланинг ечими, албатта, алоҳида мустақил тадқиқотларнинг предмети бўлиши мумкин, бироқ бу ҳолатда эътибор асосий йўналишларни белгилаш ва ушбу

масаланинг ечими бўлиши мумкин бўлган йўллارни аниқлаш ҳисобланади. Миллий ҳуқуқшунослик ахборот ва телекоммуникация муносабатларининг чегарасини ифода этмайди. Инфокоммуникация ёки ахборот-коммуникация тармоғи терминларнинг бир вақтда фойдаланилиб келинаётганлиги ушбу муаммоларни ҳал қилиш долзарблигини кўрсатади.

Телекоммуникация муносабатларини бошқа ҳуқуқий муносабатлардан амалий чегараланиши масаласи муҳим ўрин тутади. Бу ҳолатда ҳуқуқни қўллаш амалиёти муайян маиший ёки амалий функция ёки мол-мулкни тайинлашга оид алоҳида ҳолатлардан келиб чиқади. Масалан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида "алоқа линияси" тушунчаси имтиёзли солиқ объекти сифатида аниқлаштирилган. Айни пайтда кабель телевидениясининг бинолардаги ички тармоғига техник хизмат кўрсатиш бўйича фаолият лицензияланмаслиги, яъни телекоммуникация фаолиятига кирмаслиги белгиланган. Судлар томонидан телекоммуникация соҳасидаги муносабатлар бўйича кўрилган низоларнинг асосий қисми кўрсатилган хизматлар ҳаққи тўлманганлиги учун қарзни ундириш билан боғлиқ. Бу эса ҳозирги босқичда фан ва амалиёт телекоммуникация ва ахборот муносабатларининг ўзаро чегарасини белгилаш масаласи билан тўқнаш келишни бошлаганлигини ва уларнинг ечими борасида яқиний тўхтамга келинмаганлигини кўзатиш мумкин.

Бундай чегаралаш (ажратиш)нинг биринчи усули етарли даражада анъанавий кўринади ва бу тармоқ соҳаларининг предмети ва методи бўйича ажратиш ҳисобланади. Ахборот ҳуқуқининг предмети юридик адабиётларда етарли даражада ўрганилган ва мазкур муносабатларни бошқа ижтимоий муносабатларни фарқлаш имконини беради, албатта.

Таъкидлаш лозимки, предмет ва метод бир қатор муҳим асосларга кўра ҳуқуқ соҳаларини бир-биридан ажратишнинг ягона асоси ҳисобланмайди [25, 6]. Ахборот ҳуқуқининг предметини кўплаб муаллифлар ахборот (ахборотни излаш, олиш, ўтказиш, ишлаб чиқиш ва тарқатиш) билан боғлиқ комплекс муносабатлар[16, 7, 12, 30] сифатида талқин этишади. П.У.Кузнецованинг фикрича, ахборот ҳуқуқи предмети соҳасидаги комплекслилик ва тизимлилик, "кичик соҳавийлик (ахборот-ресурс ҳуқуқи, телекоммуникация ҳуқуқи, ахборот ҳимоя ҳуқуқи)"нинг шаклланиш хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир[17].

Телекоммуникация ҳуқуқини ягона блок сифатида расмийлаштириш имконияти масаласи илгари даврларда ҳам билдирилган. Бундай имкониятнинг юзага келиши "хусусий илмий тадқиқотлар, масалан, ҳуқуқий кибернетика" умумназарий билимларнинг ихтисослашуви процессида содир бўлишини ўз вақтида С.С.Алексеев башорат қилган эди[2]. А.Б.Венгеров қайд этишича, БАТ (бошқарувнинг автоматлаштирилган тизими)ни ҳуқуқий тартибга солиш биринчи навбатда ахборот оқимларини ташкил этишга йўналтирилган... Ахборот оқимларини ҳуқуқий тартибини белгилаш ўзида ЭҲМнинг реал вақт масштабидаги ва маълумотларни пакетли қайта ишлаш режимидаги ишини ҳисобга олган ҳолда маълумотни йиғиш ва узатишни тартибга солишни ҳам ифодалайди[8].

Узоқ йиллар мобайнида телекоммуникацияларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолар бошқарув соҳаси (Ю.А. Тихомиров[26]), тизим қурилишининг ҳуқуқий тартибга солиниши (В. Н. Монахов[20]), бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимида ахборотни қайта ишлаш (Е.А.Прянишников[22]) билан чекланиб қолган эди. Илмий ишланмаларда "телекоммуникация ҳуқуқи" термини ижтимоий

муносабатлар билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланилиб келинган. М.Ю.Батуринов телекоммуникация ҳуқуқини етарли даражада ривожланмаганлиги ва алоҳида мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида ажратиш ҳали барвақт эканлигини таъкидлайди[5]. Ижтимоий муносабатлар ривожланиши шароитида В.А.Копылов "телекоммуникация ҳуқуқи - ахборот ҳуқуқи деб номланганидан соҳанинг бир қисми" [16] эканлигини таъкидлайди. Айнан шунга ўхшаш фикрни С. Е. Чаннов[29] ҳам қўллаб-қувватлайди. А.А.Фатьянов ахборотни "уни қайта ишлаш ва қайд этишнинг технологик методлари билан" [27] боғланиши зарурлигини қайд этади, масалан, алоқа канали, телефон аппарати хотираси. Хорижий мамлакатларда бу борада амалга оширилган тадқиқотлардан Д.Кахирнинг[1] ишини ажратиш кўрсатиш мумкин. Ахборот ҳуқуқининг хусусий ва оммавий соҳаларини ажратиш орқали у телекоммуникациялар ва Интернет хизматларини ахборот ҳуқуқининг оммавий соҳаси таркибидаги алоқа хизматига киритади[15].

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда телекоммуникация ҳуқуқининг предмети соҳаси кенгайиб бормоқда. У алоҳида ҳуқуқий режим билан тавсифланади ва барча циклар: алоқа тармоғини лойиҳалашдан тортиб хизмат кўрсатишгача бўлган босқичлар мобайнида турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади[11]. Телекоммуникация ҳуқуқи предметининг яқуний соҳаларини мавжуд бўлмаган шароитда ахборот ва телекоммуникация муносабатларининг фарқини фақат предмет соҳасидан фойдаланган ҳолда ажратиш қисман амалга оширилиши мумкин.

Телекоммуникация муносабатлари трафик, тармоқдаги босим (юклама) сифатида ҳисобга олинган шахсизлантирилган ахборот (хабарларнинг барча массиви) бўйича шаклланади. Ахборот муносабатлари мазмуни бўйича объектни - бевосита ахборот (маълумот)ни ифодалайди. Телекоммуникация тармоқларида трафик ва ахборотни шакллар ва мазмун бўйича бўлинмаслиги ҳуқуқий тартибга солишда алоҳида муаммоларни юзага келтиради. Ахборот ва телекоммуникация муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш методларидан фойдаланиб ажратиш масаласини ўзига хос қизиқишни уйғотади. И.Л.Бачило ахборот ҳуқуқига нисбатан кўплаб методларини қайд этади ва уларни ахборот ҳуқуқидagi оммавий ва хусусий методларга бирлаштиради[7]. С.Е.Чанов "ахборот ҳуқуқининг методларини императив ва диспозитив"га бўлади" [30]. О.А.Городовнинг ахборот ҳуқуқи ўзининг специфик методларига эга эмас, деб ҳисоблайди ва икки асосий метода: субординация (импретив) ва координация (диспозитив)ни[13] таклиф этади. Ахборот ҳуқуқининг ўз методи мавжудлигини П.У.Кузнецов таъкидлайди ва ахборот ҳуқуқининг иккибўгинли режим методи амал қилишини билдиради[17].

Мазкур нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаган ҳолда ахборот муносабатларни телекоммуникация муносабатларидан ажратиш мумкин, деб ҳисоблаш мумкин. Ахборот ҳуқуқи методининг модели С.С.Алексеев томонидан тавсифланган қуйидаги фуқаролик ҳуқуқи методининг таркиби асосида ёритилиши мумкин: 1) тарафларнинг умумий ҳуқуқий ҳолатини ифодалайдиган ҳуқуқ субъектчилиги; 2) юридик фактлар; 3) ҳуқуқий муносабат мазмуни; 4) ҳуқуқий санкциялар[3]. Ахборот ҳуқуқининг мазкур модели қуйидагиларни қамраб олади: 1) ахборот интерфейси - ҳуқуқ субъектчилигининг элементи сифатида ахборот алмашинуви лаёқати; 2) асосий юридик факт сифатида ахборотга рухсат ва ундан фойдаланишнинг мумкинлиги; 3) ахборот алмашинуви - ахборот муносабати мазмунининг мажбурий белгиси сифатида ахборотни алмашинуви бўйича

субъектларнинг ҳаракати; 4) асосий (қўшимча) санкция варианты (муқобили) сифатида ошкоралик (ахборотнинг тарқатилиши) ёки уништиш (тарқатишнинг таъқиланиши) [9].

Бугунги кунда телекоммуникация ҳуқуқининг методини тадқиқ этиш ишлари бошланиш босқичида [10] ва кенг қўламда олиб борилмаяпти. Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган тадқиқотларда предмет соҳаси методнинг хусусиятларида ифодаланиши тўғрисидаги назарий қоидаларни текшириш тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган. Шунга қарамасдан аналогиядан фойдаланган ҳолад телекоммуникация ҳуқуқининг модел методини шакллантириш учун ушбу методнинг таркибийга қўйидагилар киритиш мумкин: 1) телекоммуникация интерфейси, субъектларнинг трафикни айирбошлаш учун тармоқлар, терминларнинг ягона тармоққа бирлаштириш лаёқати (ҳуқуқсубъектлиги элементи); 2) телекоммуникация тармоғининг очиқлиги (муомала лаёқати); 3) телекоммуникация тармоғига уланишнинг очиқлиги (юридик факт сифатида); 4) санкция - трафикнинг очиқлигини чеклаш ёки ундан фойдаланишнинг таъқиланганлиги.

Таъкидлаш лозимки, ахборот ва телекоммуникация муносабатларини фарқловчи яна бир мезон бу - ҳуқуқий режимдир. С.С.Алексеев ҳуқуқий режимни қўйидаги ифодалайди: ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамланган ва юридик воситалар мажмуи билан таъминланган айрим объектларнинг ижтимоий режими [2].

И.Л.Бачилов ҳуқуқий режимни умумий маънода "муайян предмет, муносабат ёки вазиятга нисбатан иштирокчилар томонидан ушбу предмет (объект ёки муайян вазият) бўйича риоя этилиши талаб этиладиган норматив ўрнатилган қоидалар" сифатида талқин этади. Унинг фикрича, "ҳуқуқий режим муайян предметнинг ҳуқуқий табиатини белгилаш имкони беради ва муайян вазиятда субъектларнинг ҳулқ атворига нисбатан талаблар ва тамойилларни ифодалайди" [7].

Ҳуқуқий режим ва фуқаролик муносабатларининг предмети ўртасидаги боғлиқлик Д.Н.Шмелева томонидан ҳам қайд этилади ва мазкур тушунчага қўйидаги таърифни таклиф этади: "ҳуқуқий режим -бу мол-мулкнинг юридик тавсифи, хусусан, қонун билан ўрнатилган ундан фойдаланиш тартиби, ушбу мол-мулкни тасарруф этишнинг йўл қўйиладиган усуллари ва унинг чегаралари, у ёки бу мол-мулк предмети бўлган ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидир" [32].

"Ҳуқуқий режим" категориясини аниқлашга нисбатан иккинчи ёндашув ушбу воқеъликни тартибга солувчилик ўрнига асосланади. О.А.Городовнинг фикрича, "ҳуқуқий режим" тушунчасида нима ифодаланиши борасида аниқ тасаввур мавжуд эмас, унинг ишлатилиши дастлабки маънода (лотинча *regimen*), яъни ўрнатилган тартиб маъносида англашилади [12]. Албатта, мазкур тушунча ўзининг тавсифида фуқаролик ҳуқуқи объектларига ҳуқуқий таъсир воситаларини ҳам қамраб олади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, А.В.Малько "ҳуқуқий режим - натижа эмас, балки тегишли мақсадларга эришиш учун зарур бўлган ҳуқуқий тартибга солишни амалга ошириш шартлари ва усуллари тизими, ҳуқуқ ҳаракатланишининг муайян "тартиботи"дир" [18], - деб таъкидлайди.

К.В.Шундиковнинг ўринли қайд этишича, "ҳуқуқий режим" категориясига нисбатан ёндашувларининг хилма-хиллиги махсус тушунчаларнинг шаклланиш босқичининг асоси бўлган ва ҳуқуқий шакллар ("ҳуқуқнинг функцияси", "ҳуқуқий

тартибга солиш", "ҳуқуқий тартибга солиш механизми", "ҳуқуқнинг ҳаракати механизми", "ҳуқуқдан мақсад", "ҳуқуқий восита") нинг инструментал тавсифини ифодалайдиган замонавий фуқаролик ҳуқуқининг шаклланиш босқичларини ифодалайди[33].

Мазкур ёндашув доирасида ҳуқуқий режимнинг қуйидаги белгиларини тавсифлаш мумкин: 1) қонунчиликда ўрнатилади ва давлат томонидан таъминланади; 2) ҳуқуқнинг у ёки бу субъекти ва объектининг вақт ва макон чегараларига ажратган ҳолда ижтимоий муносабатларнинг аниқ соҳаларни ўзига хос тарзда тартибга солиш мақсадини белгилайди; 3) юридик воситалардан ташкил топган ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида тартибини ифодалайди ва уларни уйғунлигини тавсифлайди; 4) ҳуқуқнинг алоҳида субъектлари манфаатларини қаноатлантириш учун мақбул ёки номақбулликнинг аниқ даражасини яратади[19].

"Ҳуқуқий режим"ни изоҳлашга нисбатан учинчи ёндашув тарафдорлари ҳуқуқий режимнинг объектлилиги ва функционал тавсифидан келиб чиқади. Э.Ф.Шамсумов ҳуқуқий режимни ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларида ёхуд ўзида манфаатдорликлар, нормативлар, кафолатлар, тақиқлар, чегаралар тизimini фактик амалга оширишни таъминлайдиган ўрнатилган механизмни ифодалайдиган муайян объектларга нисбатан жисмоний ва юридик шахслар фаолияти, ҳаракати ва хулқ-атворини қонунчилик даярасида тартибга солинишининг алоҳида тартиби сифатида таърифлайди[31].

В.Сенчишевнинг фикрича, ҳуқуқий режим- императив ва диспозитив номларда ифодатланган ва уларга асосланадиган субъектив ҳуқуқи ваколатларга, барча шахслар рия этишлари лозим бўлган имкониятлар, ваколатлар, тақиқлар ва чегарлар оид барча позитив қоидаларнинг мажмуидир[24].

Т.П.Подшиваловнинг фикрича, ҳуқуқий режим - бу комплекс ҳуқуқий воситаларда ифодаланган ва улар орқали муайян воқеликларга таъсир этиш имконияти мавжуд бўлган ҳуқуқни вужудга келиши ва бекор бўлиши, объектив реалликдаги воқеликлар (неъматлар, шахсларнинг хулқ-атвори)ни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг норматив белгиланган тартибидир[22].

Н.П.Азизовнинг фикрича, ҳуқуқий тартибот қонунийлик талабларини амалга ошириш асосида вужудга келган ижтимоий муносабатларнинг муайян ҳолатидир. Қонунийлик билан ҳуқуқий тартибот бир-бирдан фарқ қилади: қонунийликнинг мазмуни ҳуқуқий нормаларга қатъий ва оғишмай рия этишда ифодаланса, ҳуқуқий тартибот эса, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атвори, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқлишида ифодаланadi[14].

Умуман олганда, ҳуқуқий режим категорияси қонунчилик нормаларида ўрнатилган ҳуқуқ объектларининг статуси ва субъектларнинг мақомига оид қоидаларнинг мажмуидир. Ҳуқуқий режим муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни, ваколатларни, ҳаракатланиш чегаралари ва доирасини, кафолатлар, имтиёзлар, тақиқлар ва чекловларни ўзида ифодалайдиган воқеликдир.

Ахборотнинг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида белгиланган ва унинг икки асосий ҳолат билан тавсифлаш мумкин: барча учун очик ахборот ва олиниши чекланган ахборот. Телекоммуникация соҳасида ҳуқуқий режим кўпқиррали ва ўзида ҳуқуқий режимларнинг мажмуини ифода этади: радиотўлқин, рақамлаш, лицензиялаш ва хизмат кўрсатиш. Муайян

муносабатда юқорида санаб ўтилган ҳуқуқий режимлар белгиларидан биттасининг мавжудлиги муносабатнинг турини аниқлаш ва уларни фарқлаш имконини беради.

Шу жиҳатдан олганда, ахборот ва телекоммуникация муносабатларини фарқлаш вазифаси унинг предмети, методи, ҳуқуқий режими асосида амалга оширилиши мумкин. Предмет соҳасида ахборот муносабатларида асосий объект - ахборот, телекоммуникация муносабатларида - трафикни ажратиш имконияти тақдим этади. Ахборот ва телекоммуникация муносабатлари методининг модели белгиларнинг мажмуи бўйича уларни ажратиш мумкинлигини кўрсатади. Ҳуқуқий режимнинг шаклланиши ва қонунчиликнинг ривожланиши эса ушбу муносабатларни фарқлашда яна бир ёндашув - муносабатларнинг таркибий элементлари (субъект, мазмун, объект)дан фойдаланиш учун асос яратади.

Албатта, юқорида келтирилган ҳолатлар телекоммуникация муносабатларининг турдош соҳалар (алоқа, ахборот ва шу кабилар)дан фарқлаш ва унинг ўзига хос жиҳатларини белгилашда тугал имкониятни тақдим этмайди. Шу боис телекоммуникация хизматларини хизмат кўрсатишнинг бошқа турларидан фарқлаш, уларни хизмат кўрсатиш тизимида тутган ўрнини белгилашда турли мезонлар, асослар ва тартибларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, телекоммуникация хизматларининг объекти ахборот ва уни етказиб бериш билан боғлиқ бўлиб, бунда унинг натижаси муайян ахборот оқимини етказиб бериш, қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида мазкур ахборотни қабул қилиш ва узатишнинг моддий элгувчилари, тегишли техник ва технологик ускуналар ва қурилмалар билан боғлиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Cahir J. Understanding Information Laws: A Sociological Approach // The Journal of Information, Law and Technology (JILT) 2002 (3). URL:<http://elj.warwick.ac.uk/jilt/02-3/cahir.html> (доступ 12.12.2006).
2. Алексеев С. С. Общая теория проблем системы права. М., 2001. С. 48. (Alekseev S.S. General theory of problems of the system of law. Moscow, 2001. p. 48.)
3. Алексеев С. С. Предмет советского гражданского права и метод гражданско-правового регулирования / Антология уральской цивилистики. 1925-1989: Сборник статей. - М.: Статут, 2001. С. 12. (Alekseev S. S. the Subject of Soviet civil law and the method of civil law regulation / anthology of Ural civil law. 1925-1989: Collection of articles. - Moscow: The Statute, 2001. p. 12.)
4. Алексеев С. С. Общая теория права. - М.: Юрид. лит., 1981. С. 19. (Alekseev S.S. General theory of law. - М.: Yurid. lit., 1981. p. 19.)
5. Батурин Ю. М. Проблемы компьютерного права. М., 1991. С. 270. (Baturin Yu.M. problems of computer law. Moscow, 1991. p. 270.)
6. Бахрах Д.Н. Административное право России: учебник.- М., Эксмо. 2006. С. 26. (Bakhrakh D. N. Administrative law of Russia: textbook.- М., Eksmo. 2006. p. 26.)
7. Бачило И. Л. Информационное право: учебник для вузов. М., Высшее образование, Юрайт, 2009. С. 95-103. (Bachilo I.L. Informational law: the textbook for high schools. М., Higher education, yurayt, 2009. p. 95-103.)
8. Венгеров А.Б. Право и информация в условиях автоматизации управления (Теоретические вопросы). М.: Юрид. лит., 1978. С. 142. (Vengerov A.B. Law and information in the conditions of control automation (Theoretical questions). М.: Yurid. lit., 1978. p. 142.)
9. Волков Ю.В. К вопросу о методе информационного права // Российский юридический журнал, 2010. - №5. С.58-65. (Volkov Yu.V. To the question of the method of information law // Russian legal journal, 2010. - №. 5. p. 58-65.)

10. Волков Ю.В. О методах в телекоммуникационном праве / Общество в условиях финансового кризиса: экономика, политика, право / Материалы международной научно-практической конференции (г. Екатеринбург, 2009). Ч. 1. - Екатеринбург, Изд-во УИЭУиП, 2009. С. 70-74. (Volkov Yu.V. On methods in telecommunication law / Society in the conditions of financial crisis: Economics, politics, law / Proceedings of the international scientific and practical conference (Ekaterinburg, 2009). Part 1. - Ekaterinburg, Publishing house of the Institute, 2009. p. 70-74.)

11. Волков Ю.В. О предмете телекоммуникационного права / Правовые понятия и категории в контексте информационного права // Материалы теоретического семинара по информационному праву. - М., ИГиП РАН, 2006. С. 121-129. (Volkov Yu.V. On the subject of telecommunications law / Legal concepts and categories in the context of information law // Materials of the theoretical seminar on information law. - M., IGIP Russian Academy of Sciences, 2006. p. 121-129.)

12. Городов О. А. Интеллектуальная собственность: правовые аспекты коммерческого использования. - СПб., 2007. - 66 с. (Gorodov O.A. Intellectual property: legal aspects of commercial use. - SPb., 2007. - 66 p.)

13. Городов О. А. Информационное право. - М.: ТК Велби, Проспект, 2007. С. 21-22. (Gorodov O.A. Information law. - M.: TK Welby, Prospect, 2007. p. 21-22.)

14. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарелик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулъетеева бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. - Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. - 490 б. (Theory of state and law: Textbook / H.T.Odilqoriyev, I.T.Tultevaetc.; Under the editorship of Professor. H.T.Odilqoriyev. - Tashkent.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2009. - 490 p.)

15. Клементьев А. С. Телекоммуникационное обеспечение уголовного процесса: Автореф. дисс....кандид юрид. наук. Владимир, 2007. С. 8-9. (Klementyev A.S. Telecommunication support of the criminal process: abstract. Diss....Candide Jurid. sciences'. Vladimir, 2007. p. 8-9.)

16. Копылов В. А. Информационное право. М., 2002. С. 82. (Kopylov V. A. Information law. M., 2002. p. 82.)

17. Кузнецов П. У. Теоретические основания информационного права: Автореф. дисс. докт. юрид. наук. Екатеринбург. 2005. С.12-13, 38-39. (Kuznetsov P.U. Theoretical foundations of information law: abstract. Diss.... doctor. Ekaterinburg. 2005. p. 12-13, 38-39.)

18. Малько А. В. Стимулы и ограничения в праве. - М.: 2005. С. 206-207. (Malko A.V. Incentives and restrictions in law. - Moscow: 2005. p. 206-207.)

19. Матузов Н. И., Малько А. В. Правовые режимы: вопросы теории и практики // Правоведение. 1996. - № 1. С. 17-18. (Matuzov N.I., Malko A.V. Legal regimes: questions of theory and practice. Pravovedenie. 1996. - №.1. p. 17-18.)

20. Монахов В. Н. Правовое регулирование сбора и обработки информации о гражданах в буржуазных странах // Правоведение, 1982. № 6. С. 63 (Monakhov V. N. Legal regulation of collection and processing of information about citizens in bourgeois countries. Pravovedenie, 1982. №.6. p. 63)

21. Нарматов Н.С. Хизмат кўрсатиш соҳасида талбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. -Тошкент: 2009. -Б.30-33. (Narmatov N. S. Problems of civil and legal regulation of business activity in the service sector. - Tashkent: 2009. - p. 30-33.)

22. Подшивалов Т.П. Объект гражданских прав и правовой режим: проблема определения // Вестник ЮУрГУ. Серия "Право". 2013. т. 13, - № 3. - С. 50. (Podshivalov T.P. the Object of civil rights and the legal mode: the problem determination // Bulletin of South Ural State University. Series "Right". 2013. vol. 13, - № 3. - P. 50.)

23. Прянишников Е. А. К построению автоматизированной системы информации о законодательстве // Правоведение, 1985. № 3. С. 3. (Pryanishnikov E.A. Towards the construction of an automated system of information on legislation. Pravovedenie, 1985. № 3. p. 3.)

24. Сенчишев В. И. Государственное регулирование прав на недвижимость и сделок с ней // Журнал российского права. 1999. - № 12. - С. 114. (Senchishchev V.I. State regulation of rights to real estate and transactions with it // Journal of Russian law. 1999. - №12. - p. 114.)

25. Теория государства и права: Курс лекций / Под ред Н.И.Матузова и А.В. Малько.- М., Юрист 2006. С. 396. (Theory of state and law: a course of lectures / ed. by N.I.Matuzov and A.V.Malko.- M., Lawyer 2006. p. 396.)

26. Тихомиров Ю. А. Информация в государственном управлении // Правоведение, 1971. № 5. С. 19. (Tikhomirov Yu.A. Information in public administration // Pravovedenie, 1971. № 5. P. 19.)

-
-
27. Фатьянов А. А. К вопросу о формировании отрасли ?Информационное право? // Безопасность информационных технологий, 1998. № 3. С. 80-81. (Fatyanov A.A. On the formation of the industry "Information law" // Security of information technologies, 1998. № 3. p. 80-81.)
28. Хурсанов Р.Х. Телефон алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари: юрид. фан. номз. дис. - Тошкент: 2011. - 36-37 б. (Khursanov R. H. Features of legal regulation of the sphere of telephone services: PhD.- Tashkent: 2011. - 36-37 p.)
29. Чаннов С. Е. Информационное право России: Учебник для вузов. М., 2004. С. 15. (Channov S.E. Information law of Russia: Textbook for colleges. Moscow, 2004. p. 15.)
30. Чаннов С. Е. Информационное право. - М.: Юрайт-Издат 2006. С. 14-15. (Channov S.E. Information law. - M.: Yurayt-Izdat 2006. p. 14-15.)
31. Шамсумова Э.Ф. Правовые режимы (теоретический аспект): автореферат дис. ... канд. юрид. наук. - Екатеринбург, 2001. - 15 с. (Shamsumova E.F. Legal modes (theoretical aspect): author's abstract of dis. ... PhD. - Ekaterinburg, 2001. - 15 p.)
32. Шмелева Д. Н. Правовой режим сооружений обустройства месторождений нефти и газа: автореферат дис. ... канд. юрид. наук. - Тюмень: 2004. - 13 с. (Shmeleva D.N. Legal mode of oil and gas field development facilities: abstract of dis.... PhD of law. sciences'. - Tyumen: 2004. - 13 p.)
33. Шундииков К. В. Правовые механизмы: основы теории // Государство и право. 2006. - № 12. - С. 12. (32. Shundikov K. V. Legal mechanisms: fundamentals of theory. State and law. 2006. - №12. - P. 12.)
34. Юридическая энциклопедия / отв. ред. Б. Н. Топорнин. М., 2001. С. 812. (Legal encyclopedia / Under the editorship B.N.Topornin. Moscow., 2001 p. 812)
-

**12.00.07 СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР.
ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.
АДВОКАТУРА**

Давлетов Ўткирбек Матмуратович,

Миллий гвардия ҳарбий-техник
институтини докторанти, майор



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-5>

**ҲАРБИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР ВА НИЗОЛАР ЕЧИМИДА
КОЗИЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИ**

Аннотация: Мақолада Ислом даврида ҳарбий суд-ҳуқуқ соҳасида қўшинларда юзага келаётган ҳуқуқий масалаларни назорат қилиш ва низоларни бартараф этишда қози аскар, муфти аскар, нақиб, йаргучи амалидаги ҳарбийлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Таянч иборалар: Ҳарбий-ҳуқуқ, ҳарбий суд, адолат курсиси, фикҳ, шайх ул-ислом, қози аскар, муфти аскар, нақиб, йаргучи, сайёр қозилар, қатъий интизом ва ҳукм дафтари.

Давлетов Уткирбек Матмуратович,

Докторант Военно-технического института
Национальной гвардии Республики Узбекистан, майор

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ШАРИАТСКИХ СУДОВ (СУД КОЗИ) ПО
РАССМОТРЕНИЮ ВОЕННО-ПРАВОВЫХ ВОПРОСОВ И
СПОРОВ**

Аннотация: В статье рассматриваются особенности работы военного офицера, муфтия, солдата-зефира, который курирует правовые вопросы, возникающие в военных и правоохранительных армиях ислама.

Ключевые слова: Военное право, военный суд, юриспруденция, шейх уль-ислам, солдат кади, военный муфтий, дворянин, бригадир, путевой судья, строгие дисциплинарные и судебные решения.

Davletov Utkirbek Matmurovich,

Doctoral student at the National guard
Military Technical Institute, major

**JUDICIAL ACTIVITY IN THE CONSIDERATION OF MILITARY-
LEGAL ISSUES AND DISPUTES**

Annotation: The article discusses the features of the work of a military officer, mufti, marshmallow soldier, who oversees legal issues arising in the military and law enforcement armies of Islam.

Key words: Military law, military court, jurisprudence, Sheikh ul-Islam, Qadi soldier, military mufti, nobleman, foreman, travel judge, strict disciplinary and judicial decisions.

For citation: Davletov Utkirbek Matmurovich. JUDICIAL ACTIVITY IN THE CONSIDERATION OF MILITARY-LEGAL ISSUES AND DISPUTES. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 36-40

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал Правовых исследований // Journal of Law Research

Из далекой истории известно насколько важна роль строгой дисциплины в воинских частях в дальнейшем наращивании потенциала и обороноспособности Вооруженных сил нашей страны и предотвращении возможных негативных ситуаций. Ведь военная дисциплина - это возможность мыслить. Солдат с глубоким мышлением является сильным воином, который четко понимает, что защищает свою страну, государство, нацию и национальный язык. Человек, благословенный величием истории, может справиться и даже управлять невероятно быстрым развитием.

В военной сфере исламского периода такие обязанности выполнялись такими военнослужащими как военный кози, военный муфтий, накиб, ярлучи. Они разрешали правовые вопросы и устраняли возникающие в армии конфликты. В более поздние периоды прошлого века такой же порядок управления перешел в систему Вооруженных сил Европы и России. При этом они приняли форму терминов, которые применяются в настоящее время. Когда специалист представляет себе полторатысячелетнюю историю по данному вопросу, он неожиданно сталкивается с обстоятельствами, которые почти не изменились. Объясняя простыми словами, полтора тысячи лет назад военный суд, военная прокуратура и военный трибунал функционировали также как в нынешнее время, только с некоторыми незначительными различиями[1].

Эти термины заимствованы из иностранных слов. Среди них часто звучит слово трибунал. Многие утверждают, что "эти термины слова пришли к нам во второй половине XIX века с русской армией". Однако исследования представили нам другую картину.

Российская империя в целях установления своей законодательной системы предприняла ряд мер, направленных, прежде всего, на ослабление деятельности шариатских судов, имеющих достойное место в общественной жизни народа.

В частности, если до вторжения Российской империи судьи шариата (кози) назначались так называемым управляющим города - бегом, после вторжения судьи стали избираться элликбашами на выборной основе, при этом они не имели полномочий рассматривать все вопросы, внесен порядок, согласно которому граждане, несогласные с решениями шариатских судов, имели право обращаться в императорские суды, что привело к падению престижа шариатских судов[2].

Это означает, что судья шариата, который управлял правовой системой местного населения, был вынужден действовать в соответствии с политикой колониального правительства. Выборы на должность кози проводились элликбашами, избранными из числа жителей каждой махалли. Судья, прежде чем приступить к своим официальным обязанностям, утверждался военным губернатором. Как указано в приказе хокима города Ташкента, в случае не подтверждения военным губернатором кандидата судьи, собравшего больше голосов, проводились повторные выборы[3].

Шариатские судьи избирались сроком на три года, также избирались кандидаты для их замены в случае болезни судьи, отъезда на командировку и т.д.[4]

На должность судьи избирались граждане старше 25 лет, пользующиеся среди народа большим авторитетом, не подвергнутые более 7 суток ареста, штрафу более 30 сумов, а также, не находившиеся под следствием и не осужденные[5].

Были случаи, когда некоторые люди, не соответствующие требованиям закона хотели выдвинуть свою кандидатуру на кози и просили хокима назначить их на эту должность. Например, в выборах 1890 года правительственным судом Кукча Кози Абдумавлан был подвергнут штрафу в сумму 50 рублей по определенной причине, и поэтому, обращаясь к хокиму города сказал: "Я как судья не заплатил штраф за кражу, предательство или другие грехи" [6]. Одним словом, кози пытается оправдать себя для участия в выборах.

Выбор на должность кози был основан на помещении шариков (чек) в сундук. Человек, получивший большинство голосов за должность кози, определялся с помощью шариков (чем больше шариков, тем больше голосов). Шарик был черными и белыми. Белые шарик означали, что кандидат был избран на должность, а черные шары соответственно означали, что не избран. На выборах из каждого Пункта населения свои кандидатуры выдвигали представители, которые хорошо знали правила шариата, обладали обширными знаниями и пользовались почетом и уважением народа. Например, на выборах 1887 года выдвинули 7 представителей из Шайхантахурского района, 6 - из Бешегочского района, 5 - из Кукча, 4 - из Себзорского района. На выборах на должность судьи Шайхантахурского района Шариф Хаджи получил 77 голосов эликбаши от всего 97 голосов, а Адил Хаджи в Бешегоче получил 49 голосов эликбаши от всего 68 и был избран на должность кози. В Кукче Абдуллажанбой занимал должность кози, получив 63 голоса эликбаши от всего 77. Судьей Себзорского района был избран Мухиддинходжа из 4 кандидатов, который получил 69 голосов эликбаши от всего 77. [7]

Важные вопросы, собранные в местном (районном) суде, рассматривались Советом Кози. До проведения таких советов один судья голосованием всех судей избирался председателем, о чем извещали хокима Ташкента. К примеру, 6 октября 1888 года Одилходжа эшон Офокходжа эшон угли был избран на должность судьи (кози) Бешегочского района, и хоким города был извещен об этом.

При этом, слово "кози" в узбекском национальном Комусе определяется как: в переводе с арабского на турецкий язык означает "исполнитель", "человек, который судит".

"Кози" - это должностное лицо, который в нашей давней истории участвовал в качестве руководителя в процессе решения спорных социальных вопросов в обществе. Он принимал окончательное практическое решение.

В нашем обществе, его называют "судьей".

Колониальное правительство в целях укрепления своей власти уделяло особое внимание деятельности местной судебной системы. Поэтому хоким города обязательно должен был извещен о каждом случае. Совет судей (Совет кози) назывался выездными судьями, и их приговор и обращение к хокиму города имели большое значение в обществе.

В шариатских (местных) судах расследование проводилось с первого числа каждого месяца до 10 числа [8]. По-арабски этот процесс называется "Murofa'u", что означает "разрешение дела в суде". В последующих частях месяца провозглашались приговоры.

Кози не мог судить в случаях, если он был

1. сердитым (в гневе);
2. голодным;
3. жаждающим пить; а также

-
4. когда он хотел спать;
 5. когда он испытывал боль;
 6. во время езды на лошади;
 7. когда он ходил[9].

Это означает, что судьи не имели права выносить приговор в любое время, когда хотели. Потому что такого рода практика могла привести к вынесению несправедливых решений.

В учреждении кози, который был правоохранительным ведомством, действовали кози и кандидат, один помощник (аълам), два муфтий, а также несколько ученых со знанием шариата, которые назначались шариатским судом (они помогали делам муфтиев, например, заключали брак, призывали людей на правильный путь, призывали людей предостерегаться от грехов и т.д. При этом, об этом доложивалось городскому хокиму. Муфтии рассматривали возникающие среди народа споры на небольшом уровне, и проводили дознание и расследование. Они также ходили среди населения и решали дела по семейным, земельным, торговым вопросам. Когда количество заявлений увеличивалось, судьи иногда обращались к хокиму города с просьбой увеличить количество муфтиев[10].

Судьи помощников (аълам) и муфтиев назначали из числа своих родственников. Фактически это способствовало справедливости приговоров. Однако правительство издало распоряжение о запрете родственникам судьи работать в суде. После этого судьям пришлось изменить структуру шариатского суда (они больше не могли нанимать своих родственников).

В 1887 году Мулло Абдушукур был назначен помощником (аълам), а Ибрагим Махзум и Ахмедходжа были назначены муфтиями Себзорского района. Орифхужа Шарифхужа угли был назначен помощником (аълам), а Тохур охунд мулло Отажон угли и Нажмиддинхужа Катта хужа угли были назначены муфтиями Шайхонтохурского района. Мулло Рахмонберди был назначен помощником (аълам), а Мухаммад махзум ва Турди Мухаммад были назначены муфтиями Кукча. Аловуддинхон Эшон был назначен на пост помощника (аълам), а Абдусайдхон ва Шермухаммад были назначены муфтиями Бешегочского района[11].

Следует отметить, что судебные записные книжки играют важную роль в качестве источника, отражающего основную деятельность кози. Они отражали социально-правовые проблемы населения и охватывали все аспекты жизни общества. Например, время от времени объявлялись решения по земельным вопросам, семейным спорам, купле-продаже, заимствованию и т.д. Кроме того, шариатские суды были обязаны принимать решение о назначении мударри (учителей) и их мутавалли (учеников) в медресе и сообщать об этом городскому хокиму.

В конце девятнадцатого и начале двадцатого веков судебная власть (суд кози) в Ташкенте, хотя она находилась под влиянием правительства, не была дискредитирована в обществе. Несмотря на то, что колониальное правительство пыталось установить "справедливые приговоры" императорских судов и продемонстрировать их превосходство над местными судами, местная судебная система (суд кози) оставалась источником правовой базы для населения. После установления Советской власти местная судебная власть была полностью ликвидирована.

Трудно найти один источник, историческое или художественное произведение, в котором подробно изложен судебный процесс, существовавший в нашей стране в прошлом веке. Такого источника не существует. Небольшие фрагменты (детали)

этого процесса разбросаны по бесчисленным рядам древних рукописей. Четкая картина процесса, о которой мы говорим появится, только тогда, когда мы соберем все эти записи. Четкая картина процесса, о которой мы говорим появится, только тогда, когда мы соберем все эти записи. Сегодня мы коротко называем этот процесс судебным разбирательством.

На сегодняшний день мы не выпустили ни одного художественного или документального фильма, посвященного именно этой области. Только в некоторых фильмах появляются несколько мгновенных коротких кадров. Представления современного общества о прошлых судебных процессах формируются в соответствии с этими обстоятельством. В учебниках, преподаваемых в школах и вузах, этот процесс также недостаточно освещен. По тем же причинам возникают разные вопросы, когда речь идет об этой теме. Например, в чем разница между деятельностью судьи и кози?, был ли в прошлом судья (кози) защитником или прокурором?

Когда начинаем изучать прошлую юридическую науку и ее практическое применение, перед нами предстает ряд конкретных терминов, таких как фикх, шейх уль-ислам, военный судья, муфтий, военный муфтий, накиб, садр, судур (магистр), мухтасиб, полицейский отдел, офицер полиции (миршаб), тюремщик (ясавул), осужденный, заключенный, угнетенный, представитель (вакил), свидетель, подземелье (зиндон), тюрьма, приговор, йаргу, тархан, йаса[12].

С учетом вышеизложенного, можно отметить, что, Вооруженные Силы Республики Узбекистан имеют славную историю, которая полна примеров и насыщается на тысячи лет.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Абдусаттор Жуманазар. Ҳарбий кози // ЎзР Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Армияси журнали, №3 (18). 2019. - 39 б. (Abdusattar Jumanazar. Military judge // Uzbek Army Journal of the Ministry of Defense of Uzbekistan, №3 (18). 2019. - 39p.)
2. Добросмыслов А.Н. Ташкент в прошлом и настоящем. - Т.: 1912, ст. 107. (Dobrosmyslov A. N. Tashkent in the past and present. - T.: 1912, P. 107.)
3. ЎзР МДА 36-фонд, 1-рўйхат, 3106-иш, 6-варақ (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan 36-Foundation, 1-sheet, 3106-work, 6-sheet)
4. Ташкент шаҳар ҳокимининг 1889 йил 20 декабрдаги №121 сонли буйруғининг 225 бандида кўрсатилган. (It is indicated in paragraph 225 of the order of the governor of Tashkent City №121 dated December 20, 1889.)
5. ЎзР МДА 36-фонд, 1-рўйхат, 2707-иш, 17-варақ. (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan 36-Foundation, 1-sheet, 2707-work, 17-sheet)
6. ЎзР МДА. 36-фонд, 1-рўйхат, 3106-иш, 3-варақ. (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan 36-Foundation, 1-sheet, 3106-work, 3-sheet)
7. ЎзР МДА. 36-фонд, 1-рўйхат, 3106-иш, 38-41-48, 54-варақлар. (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan 36-Foundation, 1-sheet, 3106-work, 38-41-48, 54-sheets)
8. Туркистон вилоятининг газети, 1908, № 57. (Newspaper of the Turkistan region, 1908, № 57)
9. ЎзР МДА. 36-фонд, 1-рўйхат, 1656-иш, 14-варақ. (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan 36-Foundation, 1-sheet, 1656-work, 14-sheet)
10. ЎзР МДА. 36-фонд, 1-рўйхат, 2707-иш, 89-варақ. (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan 36-Foundation, 1-sheet, 2707-work, 89-sheet)
11. ЎзР МДА. 36-фонд, 2-рўйхат, 2707-иш, 67-варақ. (Central State Archive of the Republic of Uzbekistan 36-Foundation, 2-sheet, 2707-work, 67-sheet)
12. Абдусаттор Жуманазар. Ҳарбий кози // ЎзР Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Армияси журнали, №3 (18). 2019. - 39 б. (Abdusattar Jumanazar. Military judge // Uzbek Army Journal of the Ministry of Defense of Uzbekistan, №3 (18). 2019. - 39p.)

Дадашева Ақида Абдужаббаровна,

Президент хузуридаги давлат бошқарув Академияси
"Давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари"
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди
aqida777@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-6>

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Аннотация: Хорижий мамлакатлар тажрибасида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан ижтимоий назорат функциялари, ушбу органлар ваколатлари ва функцияларининг мазмуни ҳақида умумий тушунча мавжуд. Ижро ҳокимияти цивилизацияга мослашиш ва унинг давр талаблариги тез жавоб бериши, уларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилидан иборатдир.

Калит сўзлар: Маҳаллий давлат ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, вакилик органлар, хокимликлар, шаҳар халқ Кенгаш депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари.

Дадашева Ақида Абдужаббаровна,

Доцент кафедры "Правовые основы государственного
устройства и управления" Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан,
Кандидат юридических наук

РОЛЬ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО И ОБЩЕСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: Из опыта зарубежных стран складывается общее понимание функций общественного контроля за деятельностью местной исполнительной власти, содержания полномочий и функций этих органов. Исполнительная власть заключается в адаптации и реагировании на требования цивилизации и их сравнительно-правовой анализ.

Ключевые слова: местная исполнительная власть, общественный контроль, уполномоченные органы, зарубежный опыт, сравнительно-правовой анализ, местные органы власти.

Aqida Dadasheva Abdujabborovna,

Associate Professor of "Legal Foundations of State
devices and controls" Department of the State Academy
Management under the President of the Republic of
Uzbekistan, PhD in Law

THE ROLE OF LOCAL EXECUTIVE AUTHORITIES IN THE SYSTEM OF STATE AND PUBLIC ADMINISTRATION IN UZBEKISTAN

Annotation: In the experience of foreign countries, there is a general understanding of the functions of social control over the activities of local executive authorities, the content of the powers and functions of these bodies. The executive power consists in adaptation to the civilization and its rapid response to the demands of the period and their comparative-legal analysis.

Key words: local executive power, public control, authorized bodies, foreign experience, comparative legal analysis, local authorities.

For citation: Aqida Dadasheva Abdujabborovna. THE ROLE OF LOCAL EXECUTIVE AUTHORITIES IN THE SYSTEM OF STATE AND PUBLIC ADMINISTRATION IN UZBEKISTAN. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 41-51

Ривожланган демократик давлатлардан ҳисобланган АҚШ, Франция, Италия, Германия, Испания, Бразилия ва бошқа мамлакатларнинг тарихий ва замонавий шаклланиш жараёнларини ўрганганимизда бошқарувнинг ҳамма соҳалари ўзини-ўзи бошқариш тамойиллари асосида қурилган.

Албатта, бошқа давлатларнинг моделини кўчириб Ўзбекистон Республикасига татбиқ этиб бўлмайди. Бунинг учун энг аввало халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маънавий-маърифий дунёқараши уни қабул қилиш хусусиятларига эга бўлиши лозим. Бу масаланинг бир томонини очиб берса, иккинчидан Ўзбекистон халқининг миллий қадриятлари ҳисобланган урф-одат меъёрлари бунга йўл қўймайди. Шунинг учун, ҳар қайси давлатнинг ривожланиши унинг жамияти аъзоларининг хоҳиш-иродасига бўйсундирилган ҳолатда ўзига хос ва мос равишда шаклланиб боради. Бу эса, ҳар бир халққа инъом этилган маданий-маънавий, маърифий тафаккур деб аталади.

Тарихий жараёнлар босқичида ўтиб бораётган охириги икки йил давлатимизда кенг қўламли ислоҳатлар олиб бораётганлигини, ташқи экспрет сиёсатчилар ва мутахассислар томонидан қайд этилиб бормоқда. Президентимиз томонидан 22 декабр 2017 йилда Олий Мажлисга юборилган мурожатномаларида ғоянинг сиёсий ҳуқуқий нуқтаи назаридан, яъни "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётини умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари давомийлиги билан асослантирилса, бу жараёнларнинг амалга оширилишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимизнинг Бош қомуси муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунларга қадар Асосий қонунга мувофиқ 5000 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалга татбиқ этилмоқда.

Шу ўринда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини тубдан янгилаш мақсадлари кундан-кунга такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган экан, уни характерловчи ҳамма хусусиятлари талабга жавоб бериши керак. Шу туфайли, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир", деб кўрсатилган (7-модда). Давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши (11-модда) қоидаларига мос равишда, вакиллик ҳокимият органлари тизимидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими ажратилди. Кўп вақтлар маҳаллий вакиллик органлари тизими билан ўзини ўзи бошқариш

органлари тизими ягона тизим сифатида қаралган, яъни маҳаллий вакиллик органлари ўзини ўзи бошқариш тизимига киритиб келинган эди"[1]. Ҳатто, баъзи муаллифлар Конституция қабул қилиниб, маҳаллий вакиллик органлари тизими билан ўзини ўзи бошқариш органлари тизими бир бирдан ажратилгандан кейин ҳам, уларни ягона тизим деб қарашни давом эттирди. Тўғри, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита демократия кўринишларидандир. Лекин, у маҳаллий давлат вакиллик органлари тизимига кирмайди. Бу Конституция нормасида ҳам, махсус қонунларда ҳам ўз аксини топган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари бир тизимни ташкил қилган вақтда, улар ўртасидаги муносабат улар тизимининг ягоналигидан келиб чиққан бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида-алоҳида тизими вужудга келгач эса, муносабатлар янги шакл ва мазмунда вужудга келади. Бу эса ҳали ўрганилмаган. Муносабатларининг асосларини ўрганиш эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишни осонлаштирди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизими билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими бир бирдан ажратилса ҳам, улар бир бирдан бошқа-бошқа, муғлақ ажралган ҳолда фаолият кўрсатмайди. Уларнинг боғлиқ томонлари мавжуд. Маҳаллий давлат органлари ҳам, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилади, ўз фаолиятида аҳоли ташаббускорларига таянади, аҳолини ҳокимиятни амалга ошириш ишларига жалб қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро муносабатининг ҳуқуқий асоси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"[2] ги қонуннинг 4-моддасида ўз аксини топган.

Қонуннинг ушбу моддаси, "Ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари" деб номланиб, унга биноан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар.

Қонуннинг мазкур моддасида вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида сўз борса-да, модданинг ўзида фақат ҳокимлар ҳусусида сўз боради. Бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан муносабати фақат ҳокимлар билан ўрнатилади, деган сўз эмас. Вакиллик органлари билан ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида маълум муносабатлар мавжуд. Қонун мазмунига эътибор берилса, ҳокимлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг муносабати асосини ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш ривожлантиришга кўмаклашиши ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб туриши ташкил этади. Қонунда эса улар ўртасидаги муносабат алоҳида модда қилиб берилмаган.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муносабати фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вазифаларини бажариш жараёнида вужудга келади"[3].

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаларини мазмуни ва мақсадига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчидан, Фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини амалга оширишда кўмаклашиш.

Иккинчидан, Ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазифаларни ҳал этиш, сиёсий-мафкуравий, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш.

Учинчидан, Давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини ва ҳукумат ҳужжатларини, халқ депутатлари Кенгашлари ва хокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштириш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ва ҳуқуқлари ана шу вазифалардан келиб чиқади. Шу билан бирга улар ушбу вазифаларни бажаришда маҳаллий ҳокимият органлари билан узвий муносабатда бўлади. Вазифаларнинг тўла ва сифатли бажарилиши, айнан шу муносабатлар қай даражада ўрнатилганлигига боғлиқдир.

Бевосита қонун нормасида кўрсатилган вазифаларни бажаришдан келиб чиқадиган муносабатларни таҳлил қилишдан аввал, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш ва улар ишини юритишда маҳаллий давлат ҳокимияти (орган)нинг иштироки натижасида вужудга келадиган муносабатларни кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Зеро, ҳар қандай шакл ва турдаги муносабатларнинг вужудга келиши учун аввал шу муносабат иштирокчилари бўлиши зарур. Биз кўрсатаётган муносабатлар иштирокчилари эса, маҳаллий давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, ўзини ўзи бошқариш органларини вужудга келишида маҳаллий давлат органлари иштирок этади.

Ҳақиқатдан ҳам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан маҳаллий ҳокимият органларининг муносабатини, энг аввало, маҳаллий ҳокимият органларининг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил қилишда иштирокида кўришимиз мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий қоида бўйича тузилиб, тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг ташаббусига кўра, туман ёки шаҳар хокими ўзини ўзи бошқариш органлари тузишни белгилайди. Хоким бу ҳақда қарор қабул қилади. Унинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш тўғрисидаги қарори тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади. Кўриниб турибдики, ўзини ўзи бошқариш органларини тузишда фақат хокимлар эмас, балки тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ҳам иштирок этади.

Фуқаролар йиғини-коллегиял орган бўлиб, уни раис (оқсоқол) томонидан заруратга қараб, шунингдек, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг, туман, шаҳар хокимининг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан қақирилиши мумкин. Халқ депутатлари Кенгаши ёки хокимнинг фуқаролар йиғинини чақиртириш ташаббуси тегишли муносабатни вужудга келтиради. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига кўра, маҳаллий ҳокимият органлари фуқаролар йиғинини чақиртириш масаласини кўтариб чиқиш ҳуқуқига эга. Агар маҳаллий ҳокимият органлари шундай ташаббус билан чиқишса, фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)и албатта йиғин чақиради. Бу ерда ўзаро муносабат шунда кўринадики, йиғин ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда чақирилади. Бунда раис (оқсоқол) бу таклифни рад этиш ҳуқуқига эга эмас, ушбу масалани қонуний кўриб чиқиш даркор.

Тегишли ҳудудларда фуқаролар йиғинини ўтказиш имконияти бўлмас (бу аҳоли кўпчилигини йиғиш, жой масалалари билан боғлиқ), фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилиши қонуннинг 18-моддаси, 5-қисмида белгиланган. Йиғилишга ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳалардан фуқароларнинг намоёндалари вакил қилинишлари мумкин. Вакиллик нормалари эса тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими томонидан белгиланади.

Ҳар бир маҳалладан вакил сайлангандан сўнг, у қарор билан мустаҳкамлаб қўйилади. Вакиллар йиғилиши ваколатли бўлишида, уларнинг вакиллик нормаси аниқланиши катта аҳамиятга эга. Бу иш эса, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига берилган.

Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) маълум вақтларда заруратга қараб чақирилганда, ўзини ўзи бошқариш фаолияти фуқаролар йиғини раиси ва унинг Кенгаши томонидан амалга оширилади. Раис (оқсоқол) фуқаролар йиғини томонидан сайланади, лекин уни сайлаш туман ва шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Раисни сайлашда фуқаролар ҳамда ҳоким иштирок этади ва бу улар ўртасида маълум муносабатларни вужудга келтиради.

Ҳар қандай органнинг фаолият кўрсатишида моддий имкониятлар муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раис, масъул котиб, кенгаш девони ходимлари белгиланган миқдорда ҳақ олиб фаолият юритади. Ушбу масалада ҳам маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида муносабат вужудга келади. Ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий маблағларининг бир қисмини халқ депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратилган бюджет маблағлари ташкил этади.

Энди ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаларидан келиб чиқадиган муносабатларни таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади"[4], деб мустаҳкамланган. Ушбу моддага 2014 йил 16 апрелда қўшимча ва ўзгаришлар киритилинди. Бу моддани мазмунидан кўришиб турибдики, ўзини ўзи бошқариш институти бу фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида иштирок этишини таъминловчи муҳим воситадир.

Республиканинг куйи маъмурий-ҳудудий бўлинишларида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари тузилмаслиги шу жойларда авваллари давлат органлари бажариб келган вазифалар ўзини ўзи бошқариш органларига юкланиши, бу жойда ҳокимиятга тааллуқли баъзи масалалар ҳам шу органлар ихтиёрига ўтганлигини кўрсатади. Ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш билангина чекланмай, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга қўмаклашадилар ҳам. Буни турли органларга сайловларда, референдумларда иштирок этишида маҳаллий аҳамиятга молик турли тадбирларни ўтказишда маълум вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиш ҳуқуқига эга эканлигида кўрамиз.

"Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-хўжалик, маданий тадбирлар давлат органлари ва тегишли ҳудуддаги маҳаллий органлар томонидан амалга оширилади. Қуйи маъмурий-ҳудудий бўлинишларда бу вазифалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади ва бунда ўз-ўзидан тегишли муносабатлар вужудга келади"[5]. Ижтимоий-хўжалик, маданий тадбирларнинг маълум қисмини фуқаролар йиғини амалга оширса, маълум қисмини оқсоқол (раис), баъзи тадбирларни эса, улар биргаликда амалга оширади. Ана шу тадбирларни амалга ошириш жараёнида, албатта, маҳаллий ҳокимият органлари билан муносабатлар вужудга келади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзининг фаолият дастурини ҳамда ўз фаолияти учун зарур ҳужжатлар рўйхатини ўзи белгилайди ва тегишли ҳудудни ободонлаштириш ҳамда унинг санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режасини тасдиқлайди. Бунда улар ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиқади, маблағларнинг бир қисми эса, туман, шаҳар Кенгашлари томонидан ажратилган бюджет маблағларидан иборат бўлади. Ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш тадбирларини ўтказиш ҳам бюджетга бевосита боғлиқ. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) эса, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фуқароларнинг иштирок этишини ташкил қилади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудуди ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришда қатор тадбирларни амалга оширади. Жумладан, аҳоли ва турли шакллардаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг маблағларининг ихтиёрийлик асосида бирлаштириш чораларини кўриб, бу хусусда қарорлар қабул қилади. Раис (оқсоқол) ўз ҳудудидаги эгасиз мол-мулкни, шунингдек давлатга мерос тарзида ўтган мол-мулкни сақлаш ва тусарруф этиш чораларини кўради ҳамда қишлоқ жойларда деҳқон хўжалиklarининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади.

Ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар манфаати, ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш борасида бир қанча вазифалар берилган. Ушбу вазифалардан бири, раис (оқсоқол) қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти вакиллик ва бошқарув органларида, корхона, ташкилот ва муассасалар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишидир. Фуқаролар ўз ҳуқуқини яқка тартибда ҳимоя қилишдан кўра, ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида ҳимоя қилиши бу ишнинг натижаси яхши бўлишига кўпроқ имкон туғдиради. Ўзини ўзи бошқариш органларига турли давлат органларида фуқаролар вакили бўлиши ҳуқуқининг берилиши, фуқаролар ҳуқуқларининг тўла амалга ошиши борасидаги кучли кафолатларидандир.

Аҳолининг нормада турмуш кечиршини, соғлиғини таъминлаш, қадриятларини ҳурматлаш борасида маҳаллий давлат органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биргаликда кўплаб вазифаларни бажаради. Аҳоли пунктлари, сув таъминоти иншоотлари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилиш ишларига раис (оқсоқол) кўмаклашади. Раис солиқ, сугурта ва бошқа хилдаги тўловларни ўз вақтида тушишига кўмаклашиши билан маҳаллий бюджетнинг шаклланишига ҳисса қўшади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан раис жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат мудофааси ишларига ёрдам бериш борасида салмоқли

ишларни амалга оширади. Бу мақсадда улар тегишли ҳудудларда ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади. Зурур ҳолларда табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб қилади. Ўз ҳудудда жамоат тиртибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда тегишли органларга ёрдам беради. Айниқса, кейинги пайтда бу масалада маҳаллаларга катта умид боғланмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакат мудофааси билан боғлиқ вазифаларига, уларнинг ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақирилатганидан хабардор этишни ташкил этиш, аҳолини фуқаро мудофаасига боғлиқ тадбирлар ўтказишга жалб этиш киради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тегишли ҳудудда моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож аҳолига турли ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этади. Уларнинг бу борадаги вазифалари: давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш; вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши олдини олиш ишларини ташкил этиш; ота-онасиз қолган болаларни тегишли муассасаларга ёки ишга жойлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Раис (оқсоқол) ўз ҳудудда, турли оммавий ва маданий тадбирларни уюштириш билан давлат органларига ёрдам беради. Улар аҳоли ўртасида турли мавзуда маъруза ва суҳбатлар ташкил қилади, кино хизмати мунтазам бўлишига, китоб савдоси ривожланишига, газета ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади. Аҳоли оммавий дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун чора-тадбирлар кўради. Байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий-маданий тадбирларни ўтказишни ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғинининг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида тегишли органларга таклифлар киритади. Шунингдек, йиғин маъмурий-худудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартириш хусусида ҳам тегишли органларга таклифлар киритади. Бунда ҳам маҳаллий ҳокимият органи билан ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ўзаро муносабатлар яққол кўринади.

Баъзи соҳаларда назоратни амалга оширишга кўмаклашиши орқали ҳам, аҳоли қонун ва қарорлар бажариш ишларига жалб этилади. Масалан: фуқаролар йиғини кенгаши ўз ҳудудда умумий овқатланиш, бозорлар, савдо муассасалари ва шу каби тегишли қойдаларни бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилар экан, бу ишларга аҳолини кенг жалб қилади. Шу мақсадда ҳар хил комиссиялар тузилади.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудратини таъминловчи воситалардан бири бу аҳолидан тушадиган солиқлардир. Солиқ ва йиғимлар тури, миқдори тегишли давлат органлари томонидан белгиланади. Лекин солиқ ва тўловлар ўз вақтида тушишини таъминлашга ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни йиғин кенгаши кўмаклашади. Ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири, жамоат тартибини сақлашни таъминлаш жиноятчиликка қарши курашдир. Бу масала тегишли даражада ҳал қилинмай туриб, ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайти, бозор муносабатини ўрнатиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун бу ишга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёндашмоқда. Лекин бу масала шу даражада жиддийки, уни

фақат давлат органларига таяниб ҳал қилиш лозим. Бу ҳусусда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятдан кенг фойдаланилади, яъни қонунга асосан улар тегишли органларга жамоат тартибини сақлашда, жиноятчиликнинг илдини куриштишда кўмаклашадилар.

Маълумки, раис (оқсоқол) ўз худудиди вояга етмаганлар назоратини ташкил қилади. Улар бу борада ота-оналарнинг қарамогисиз қолган болаларни тегишли муассасаларга жойлаштиришга кўмаклашадилар. Буни бир томондан фуқароларга нисбатан кўрсак, иккинчи томондан давлат органларига нисбатан кўрамиз. Ана шу кўмаклашув жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида тегишли муносабатлар вужудга келади.

Раис (оқсоқол) баъзи ҳолларда қонун ва бошқа юқори давлат органлари ҳужжатларини ўзи бошқаради. Бунга мисол қилиб, ўзини ўзи бошқариш органларининг байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирларни ташкил қилиши, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ва бошқаларни айтишимиз мумкин. Бу ишларда ҳам маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида муносабатлар вужудга келади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жуда кўп масалаларда ҳокимият органларига таклифлар киритиши ҳуқуқи берилган бўлиб, бу ҳам ўз навбатида ўзаро муносабатлар тизимида маълум муносабатларни вужудга келтиради. Масалан, раис (оқсоқол) давлат органларига боқувчисидан айрилган оилалар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатдан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади. Бу таклифлар ҳокимият идораларида кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақидаги қонунчиликни ўрганиш, айрим чет мамлакатларнинг шу ҳусусдаги қонунларини кўриб чиқиш, бу масалани янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган баъзи фикрларни бериш имкониятини туғдирди.

Биринчидан, Маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида вужудга келадиган муносабатлари доирасига, мазмунига, ҳусусиятига бу органлар давлат органлари (вакиллик органлари) тизимидан ажратилганлиги бевосита таъсир қилади. Аввал айтганимиздек, бу органларнинг бир бирдан ажратилганлиги, давлат ҳокимияти органлари масъулиятини оширишга сабаб бўлганидек, мустақил тизимнинг вужудга келиши, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам масъулиятини оширади, улар мустақиллигининг кучайишига олиб келади. Фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органи сифатида эътироф этилиши, уларнинг тузилишида маҳаллалар таянч қилиб олиниши мустақиллик натижаси ва миллий қадриятларни тикланиши, деб тўла асос билан айтиш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш тизимининг бошқа мамлакатлардан яққол ажратиб турадиган ҳусусиятлар билан ташкил қилиниши ҳам Ўзбекистоннинг ўз мустақил йўли мавжудлигидан далолат беради. Ўзини ўзи бошқариш органлари қонунда ҳокимият органи деб эътироф этилмаса ҳам, уларнинг мавқеи, тутган ўрни, бажарадиган вазифаларига кўра бу органларни халқ ҳокимияти органи деб эътироф этиш мумкин. Бунда фақат уни давлат ҳокимияти органларидан фарқлаш зарур. Чунки аҳоли ўз ҳокимиятини шу органлар орқали ҳам амалга оширади, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти орқали ҳокимиятнинг икки шаклда бўлишини

кўрамыз. Биринчиси-давлат ҳоқимияти, уни давлат органлари амалга оширади (улар ишида ҳам фуқаролар иштирок этади), иккинчиси-халқ ҳоқимияти, ана шу халқ ҳоқимиятининг энг қуйи бўғини ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Иккинчидан, Маҳаллий ҳоқимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларда бир томондан, албатта, ўзини ўзи бошқариш органлари, иккинчи томондан эса, вакиллик ва ижро ҳоқимияти органи (биргаликда) ёки вакиллик органи ёхуд ижро ҳоқимияти органи (кўп ҳолларда ижро ҳоқимиятининг тармоқ идоралари) иштирок этади.

Учинчидан, Маҳаллий ҳоқимият органлари билан ўзини ўзи бошқариш органлари муносабати қонун нормаларида турли сўзлар орқали белгиланган. Ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари фаолиятига "қўмаклашади", "ёрдам беради", "жалб қилади", "уюштиради", "назорат қилади" деган сўзлар улар ўртасидаги муносабатларга асос бўлади. Ана шу сўзлар муносабатларнинг бир бутун тизимини вужудга келтиради ва уларнинг ҳар бири ҳар томонлама, чуқур илмий таҳлилга муҳтождир.

Қабул қилинган қонун амалиётда ўз ўрнига эга бўлиши учун яъни механизмга киришиб кетиши учун қонун кучга кирган захоти қонуни шарҳи ҳам берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Инсон юридик атамани тушуниши қийин лекин унга оддий раво сўз турқумида шаклланган иборалар билан тушунтириб берилса алҳақ инсон бунга аҳамият бериши аниқ. Бунда ушбу йўналишда илмий йўналишда иш олиб бораётган ҳуқуқшунос мутахассисларимизнинг хизматлари беқиёсдир.

"Истиқлол туфайли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса янгидан қаддини ростлаётган маҳаллаларимиз ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари бунёд этилди. Жамиятимизда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситаси сифатида шаклланиб бормоқдалар"[6].

Жойларда эса хокимликлар, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг бўлимлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, турли жамоат ташкилотлари ҳамкорликда аҳоли ўртасида улкан ижтимоий-маърифий ишларни олиб боришда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Қонун нуқтаи назаридан қаралганда маҳаллий органлар, янги қонун қабул қилинган эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ваколатларга эга бўлди. Энди энг муҳим вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратишдир.

Амалда жамоатчилик ўзини ўзи бошқаришнинг янги тизимини ўрнатиши миллий ўз ўзини англашга, ижтимоий фаолликнинг ўсишига, мустақиллик ва ташаббуснинг кенгайишига, давлатимизнинг бундан кейинги ривожланиши учун жавобгарлик хиссини оширишга ёрдам берди.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун Олий Мажлис қонунчилик палатасида 2017 йил 15 ноябрда қабул қилиниб, 2018 йил 29 мартда Сенатда мақулланди, шу йили 12 апрелда кучга кирди, ушбу қонундаги асосий мақсад фуқаролик жамияти институтларининг иштрокини кенгайтириш белгиланган бўлса, иккинчи томондан давлатда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол қатнашувчи сифатида имтиёз берилиши жуда ижобий натижа. Айнан ушбу қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари субъект сифатида қатнашиши ушбу органга нисбатан юклатилган маъсулият ва давлат олдида бурч, мажбуриятини кенгайганлиги далолатидир.

Бу - муҳим!, Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашмаслик ва бунинг учун тўсиқлар яратмаслик, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашшига йўл қўймаслик жамоатчилик назорати субъектларининг мажбуриятлари сирасига кирди.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-бирдан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустақкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бериш, уларнинг ҳақ ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишини кучайтиришдан иборат.

Биз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал қилиши учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг даромадларини шакллантирувчи манбаларни мунтазам кенгайтириб бериш зарур бўлади.

Жамоат идораси бўлмиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ресурсларини мустақкамлаш лозим. Бунинг учун ушбу органлар орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланаётган катта миқдордаги маблағлардан ташқари, тadbиркорликни фаол ривожлантириш, кичик корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотларини барпо этиш ҳисобидан тушадиган маблағни кўпайтиришни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш ва ҳимоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш зарур"[7].

Шундагина биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқликни ва адолатни таъминлай оламиз. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини янада такомиллаштириш давр талабидир ва ушбу қонун халқнинг манфатини тўлиқ ифода эта олиши даркор. Шу мақсадда яна қуйидаги таклифларни кўрсатиш ва амалда ўрганиб чиқиш ушбу органнинг жамиятда мавқеини оширишга, мустақиллигини мустақкамлашга ҳисса қўшади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органи фаоллари ҳудудда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлардан бохабар бўлиб борилиши ва уларда фаол иштирок этишлари даркор.

Инсон манфаатлари учун хизмат қиладиган ушбу қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар ҳаммага яъни фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қартилган экан унда адолатли, ҳамма учун тенг умуммажбурий тамойиллар асослантирилганлиги ва инсонга оддий ва равон тилда баён этилиши, тушунтирилиши даркор.

Хулоса сифатида эътироф этиш мумкинки, ўз бурчи ва маъсулиятдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон фуқароси жамиятга қўшадиган ўз хиссасини англаб етганлиги ва тушунча ҳосил қилсагина у фуқаролик жамиятини англаган бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Сиддиқов Р.Р. "Преставительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления". Ташкент, "Университет" 1993. год. (Siddikov R. R. "Representative bodies and direct democracy in the system of local self-government". Tashkent, "University" 1993. year.)
2. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлар тўплами, Тошкент, "Адолат", 1995 йил, 4-5- бет. (Law of the Republic of Uzbekistan" On local government". Collection of new laws of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, "Justice", 1995, page 4-5.)
3. Озод Хусанов. "Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият". - Тошкент, "Шарқ" 1996 йил . 64-65-бет. (Ozod Xusanov. "Independence and local government". - Tashkent, "East" 1996 . page 64-65.)
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 32-модда. "Ўзбекистон" -Т.:, 2018 йил. 8-бет. (Constitution Of The Republic Of Uzbekistan. Article 32. "Uzbekistan" - T.:, 2018 year. p8)
5. Озод Хусанов. "Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият". Тошкент, "Шарқ", 1996 йил 68-70-71-бет. (Ozod Xusanov. "Independence and local government". - Tashkent, "East" 1996 . page 68-70-71)
6. "Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари" Республика конференцияси материаллари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997 йил, 20-21- бет. (Materials of the Republican Conference "Problems of state, society, family and youth education". Tashkent, " Uzbekistan", 1997, page 20-21.)
7. "Маҳалла ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати" (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами), Тошкент, 1999 йил, 31- бет. ("Legal guarantee of self-government of the neighborhood"(collection of legislative and normative documents), Tashkent, 1999, Page 31)

**12.00.05 ТРУДОВОЕ ПРАВО.
ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ**

Атажанова Динара Салимжановна,

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
E-mail: aramid87@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-7>

**ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ "ОНАЛИКНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ 183-СОНЛИ
КОНВЕНЦИЯСИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ**

Аннотация: Мақолада ХМТнинг "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 183-сонли конвенция умумий таҳлили берилди. Бунда асосий эътибор мазкур конвенция нормаларининг таҳлили ва ратификацияга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Калит сўзлар: аёллар меҳнат ҳуқуқлари, конвенция, камситиш, тавсия, халқаро ҳуқуқий ҳужжат, оналикни муҳофаза қилиш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, фертил ёши.

Атажанова Динара Салимжановна,

доктор философии по юридическим наукам
E-mail: aramid87@mail.ru

**НЕОБХОДИМОСТЬ РАТИФИКАЦИИ КОНВЕНЦИИ
МЕЖДУНАРОДНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ТРУДА № 183 ОБ
ОХРАНЕ МАТЕРИНСТВА**

Аннотация: В статье предлагается общий обзор конвенции МОТ Об охране материнства №183. Особое внимание уделяется анализу норм данной конвенции и подготовке к ратификации.

Ключевые слова: трудовые права женщин, конвенция, дискриминация, рекомендация, международно правовой акт, охрана материнства, листок по временной нетрудоспособности, фертильный возраст.

Atajanova Dinara Salimjanovna,

Doctor of philosophy in Law (PhD)
E-mail: aramid87@mail.ru

**THE NEED FOR RATIFICATION OF MATERNITY PROTECTION
CONVENTION №183 OF INTERNATIONAL LABOR
ORGANIZATION**

Annotation: The article offers a general overview of the ILO Maternity Protection Convention No. 183. Special attention is paid to the analysis of the norms of this convention and the preparation for ratification.

Keywords: women's labor rights, convention, discrimination, recommendation, international legal act, maternity protection, temporary disability certificate, fertile age.

For citation: Atajanova Dinara Salimjanovna. THE NEED FOR RATIFICATION OF MATERNITY PROTECTION CONVENTION №183 OF INTERNATIONAL LABOR ORGANIZATION. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 52-57

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида жаҳон аренасида ўз ўрнига эга. Шу жиҳатдан давлатимиз халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида ҳуқуқий масалаларда у ёки бу халқаро шартномаларга қўшилиш орқали ўз позициясини намоён қилади.

Меҳнат ва машғулотлар соҳаси инсониятни энг кўп қизиқтирадиган жабҳалардан десак муболага бўлмайди. Кишиларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, бунда миллий қонунчилик нормаларни умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалада Халқаро меҳнат ташкилоти (кейинги ўринларда - ХМТ) муҳим ўрин эгаллайди.

ХМТ меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Бирлашган миллатлар Ташкилотининг махсус ваколатли органи бўлиб, у меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича ҳуқуқ ижодкорлигини амалга оширади. У мазкур соҳада конвенция ва тавсиялар ишлаб чиқади. Ҳозирги кунга қадар ХМТнинг 189та конвенциялари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳозиргача ХМТнинг 17 та конвенциясини ратификация қилган. "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси - битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усулларидан) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув [1] ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқаро шартномани ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Қуйидаги халқаро шартномалар ратификация қилинади:
давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича, тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан худудий чегараланиши тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро иттифоқлардаги, халқаро ташкилотлардаги ва бошқа бирлашмалардаги иштироки тўғрисидаги;

бажарилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини талаб этадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган бўлса.

Қайси халқаро шартномаларни тузиш чоғида музокараларда иштирок этувчи томонлар келгусида уларни ратификация қилиш тўғрисида келишиб олган бўлса, ўша халқаро шартномалар худди шундай тарзда ратификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари бошқа халқаро шартномаларни ҳам ратификация қилишга ҳақли.

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисидаги халқаро шартномалар, шунингдек халқаро кафолат шартномалари ратификация қилинмайди ва Ўзбекистон Республикаси учун ахдлашувчи томонлар белгилайдиган тартибда кучга киради.

1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 103-сонли Конвенция (кейинги ўринларда - 103-сонли Конвенция)сига қўшилган. Мазкур конвенция репродуктивлик ва оналик билан боғлиқ асосий конвенциялардан ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар мазкур конвенция 24 та давлатда амалда ҳисобланади. 16 та давлат бирмунча такомиллашган "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 183-сонли Конвенция (кейинги ўринларда - 183-сонли Конвенция)ни ратификация қилиш орқали 103-сонли конвенцияни денонсация қилган.

183-сонли Конвенция бир қанча жиҳатлари билан 103-сонли конвенциядан фарқлидир. Унда оналикни муҳофаза қилишга оид бирмунча такомиллашган нормалар бор. 2018 йил 31 майда Вазирлар Маҳкамасининг "2018 - 2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги 407-сон қарори [2] қабул қилинди. Унда меҳнат тўғрисидаги қонулар, шу жумладан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларига мувофиқлиги юзасидан қайта кўриб чиқиш мақсадида хатлов ўтказиш (3-илова 2-банд), Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятини ўрганиш: Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганда меҳнат қилувчиларга товон тўлаш тўғрисидаги 17-сонли; Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли; Меҳнат қилувчилар - мигрантлар тўғрисидаги 97-сонли (қайта кўриб чиқилган); Қишлоқ ҳўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли; Ҳақ тўланадиган таътилар тўғрисидаги 132-сонли (1970 йилда қайта кўриб чиқилган); Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли; Оилавий мажбуриятлари билан меҳнат қилувчилар тўғрисидаги 156-сонли; Касаначилик тўғрисидаги 177-сонли; Оналикни асраш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги 183-сонли; Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашувчи асослар тўғрисидаги 187-сонли; Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенцияга 2014 йилги қўшимча протокол.* (*Ўрганилиши назарда тутилган конвенциялар рўйхати Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республика идораларо комиссияси қарорига кўра ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин).

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон миллий меҳнат қонунчилигининг аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ кафолатлари 103-сонли Конвенцияда назарда тутилганидан кўпроқ имтиёзларни назарда тутди. Масалан, 103-сонли конвенция 3-моддаси 2-қисмида ҳомиладорлик ва туғиш таътили давомийлиги туғруқдан кейинги мажбурий таътил даврини даврини ўз ичига олувчи камида 12 ҳафтани ўз ичига олади [3]. Миллий меҳнат қонунчилигимизда бу давр 18 ҳафтани ташкил этади [4]. Шунингдек, конвенциянинг 5-моддасида назарда тутилган

болани овқатлантириш билан боғлиқ танафус болани ўз сути билан эмизадиган оналаргагина тааллуқли бўлса, миллий меҳнат қонунчилигимизда мазкур танафусни ишлаётган аёлга тақдим этишда боланинг она сути ёки сунъий бўтқа билан озиқланаётганлигининг аҳамияти йўқ. Жумладан, ҳуқуқшунос М.Исаев 103-сонли Конвенция ҳақида фикр юритиб, миллий қонунчилигимизнинг бир қатор жамоа шартномалари ва келишувларида ҳомиладор ва вояга етмаган болалари бор аёлларга қатор қўшимча қафолатлар назарда тутилиши мумкинлигини келтириб ўтган [5, С.26]. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Конвенциянинг 6-моддасида аёл ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган пайти у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги иш берувчи томонидан имзоланган ёки шу даврда кучга қирадиган буйруқ ҳақиқий саналмайди. Бу ҳолат Ўзбекистон меҳнат қонунчилигидаги нормалар билан бироз номувофиқ саналади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида ҳомиладорлик ва туғиш таътили мобайнида аёл билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишгагина йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг бошқа турлари бундан мустаснодир. Конвенциянинг мазкур моддаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилидаги аёл билан меҳнат шартномасини ҳар қандай асосга кўра бекор қилиб бўлмаслигини тақозо этади.

ХМТнинг "1952 йилдаги "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида"ги 183-Конвенцияси ишлаётган оналарга ҳомиладорлик ва туғиш таътили бўйича анча такомиллашган нормаларни назарда тутди. Масалан, Конвенциянинг 1-моддаси аёл деганда ҳар қандай камситишдан ҳоли бўлган аёл жинсидаги шахсни, "бола" тушунчаси эса ҳар қандай камситишлардан ҳоли бўлган исталган болани англатади [6]. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат конвенция ёлланиш асосида ишлаётган барча аёллар, шунингдек, қарам меҳнатнинг нотипик шаклларида банд бўлган аёлларга қўлланилишини белгилайди. Конвенциянинг 3-моддасида ҳомиладор аёллар ёки эмизикли оналар бажарилажак ишнинг хусусияти она ва боланинг соғлиғига хавф туғдиргани тақдирда иш берувчи уни бу турдаги ишларга қўймаслиги белгиланган. Бу норма илгариги 103-сонли конвенцияда назарда тутилмаган. Шунингдек, 183-сонли Конвенцияда ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг муддати ҳам 103-сонли Конвенциядан фарқли ўлароқ 14 ҳафта деб кўрсатилган. 183-сонли Конвенция аёлларнинг ҳомиладорлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ таътилда бўлган пайтлари ёки ишга қайтганида улар билан ҳомиладорлик ёки фарзанд туғилиши, ёки эмизикли боласи билан боғлиқ асослардан ташқари ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмаслигини белгилаб, бу билан мазкур тоифа аёллар билан меҳнат шартномасини бошқа ҳолларда бекор қилиш мумкинлигига ойдинлик киритади.

183-сонли Конвенциянинг 9-моддасида ҳомиладорлик ва туғруқ бандлик соҳасида дискриминацияга сабаб бўлмаслиги, шунингдек, ҳомиладорликка таҳлил ўтказишни талаб қилиш ёки аёлларнинг ишга жойлашишида ҳомиладорликка таҳлил ўтказилганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилиниши тақиқланиши белгиланган. Миллий қонунчиликда ҳомиладорлар бажариши тақиқланадиган ёки ишни бажариш она ва бола саломатлигига зиён етказиш хавфи бўлган ҳолатлар истисно этилади. Бизнингча, мазкур норма ўринли бўлиб, у ҳомиладор аёллар меҳнат манфаатларига қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4235-сон Қарори (кейинги ўринларда - Қарор) аёллар меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлашдаги муҳим ижобий ҳодиса бўлди. Мазкур қарорда 2019 йил 1 майдан бошлаб бир қатор ўзгаришлар назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 236-моддасида болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳақида нормалар мавжуд бўлиб, унга кўра, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади.

Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади. Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин. Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамoa шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади. 2019 йил 7 мартда эълон қилинган таҳлил этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилиши ифодаланган. Меҳнат қонунчилигида болани овқатлантириш учун қўшимча танаффус аёлларга берилиши белгиланган эди. Эндиликда мазкур танаффус оталарга ҳам берилиши назарда тутилмоқда. Гўдакларни она сути билан озиқлантириш кенг жамоатчилик томонидан доимий равишда тарғиб қилинаётганига қарамадан кўп аёллар боласи икки ёшга тўлгунига қадар ҳам ишга қайтиб, болани қўшимча равишда сунъий бўтқа билан озиқлантирмоқдалар. Мазкур танаффус ҳар уч соатда бир марта ярим соатдан берилишига қарамадан кўп ҳолларда уни иш куни боши ёки охирига кўчириб фойдаланиш қулай бўляпти. Бу эса ўз навбатида танаффуснинг ўз моҳиятига кўра фойдаланилмаётганлигини аңлатади. Яъни, катта шаҳарларда аксар ҳолда иш жойи ва уй манзили ўртасидаги масофа кўп вақтни олишини инобатга олиб аёл мазкур танаффусдан фақат уйга эрта кетиш ёки ишга кечроқ келиш мақсадида фойдаланмоқда. Бола сунъий бўтқа билан озиқлангани тақдирда ва отанинг иш жойи уйга онанинг иш жойидан кўра яқин бўлгани тақдирда, шунингдек кўп ҳолларда оилада автомобилани ота бошқаришини инобатга олиб болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусдан ота фойдаланиши мақсадга мувофиқ саналади. Мазкур танаффусдан ота фойдалангани тақдирда бу кафолат юқоридаги мисолимиздан келиб чиққани ҳолда ўз мақсадига кўра "хизмат қилади", шунингдек, болалар тарбиясидаги ота иштирокининг фаоллашуви натижасида оилалар мустаҳкамланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи асосидаги Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети Параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2699-сон Қарори 23-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4235-сон Қарори нормалари миллий қонунчилигимизнинг 183-сонли Конвенциянинг ратификация қилинишига шайлигини билдиради. Қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, "1952 йилдаги "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида"ги 183-Конвенция ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан бўлиб, у ҳам иш берувчи, ҳам ходим учун қулай кафолатларни назарда тутди. Мазкур конвенцияни ратификация қилиш миллий меҳнат қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларига мувофиқлигини кўрсатибгина қолмай, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг олий қадрият эканлигини ифодалайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. <http://lex.uz/docs/4193761>
2. <http://lex.uz/docs/3760764?query=шуъба>
3. http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/--normes/documents/normativeinstrument/wcms_c103_ru.htm
4. <http://lex.uz/docs/142859>
5. Исаев М. Оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияси ва миллий қонунчилик. Kadrlar masalalari bo'yicha ma'lumotnoma. -№11 (131), 2017. -Б.26 (Isaev M. International Labor Organization Convention and National Legislation on Maternity Protection. Reference on personnel issues. -11 (131), 2017. -P.26)
6. http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/normativeinstrument/wcms_c183_ru.htm

**12.00.07 СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР.
ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.
АДВОКАТУРА**

Дастамов Камолiddин Хусанович,

Тошкент давлат юридик университети
тадқиқотчиси
E-mail: dastamov-0707@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-8>

**СУД ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

Аннотация: Мазкур мақолада суд тизимини такомиллаштириш, судьялар мустақиллигини таъминлашга доир энг илгор мамлакатларнинг хорижий тажрибаси ўрганилган, хусусан, уларни ўқитиш, танлаш ва лавозимига тайинлашда мустақиллиги кафолатлари, судьяни фаолият юритиши муддатлари, мустақил суд ҳамжамиятлари фаолияти масалалари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ёритилган.

Калит сўзлар: Суд, суд ҳокимияти, суд тизими, судья, магистрат судлар, федерал судлар, суд инстанцияси, суд юрисдикцияси.

Дастамов Камолiddин Хусанович,

Ташкентский государственный юридический
университет, соискатель
E-mail: dastamov-0707@mail.ru

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СУДЕБНОЙ СИСТЕМЫ:
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ**

Аннотация: В данной статье рассматривается зарубежный опыт ведущих стран в совершенствовании судебной системы, в частности, обеспечения независимости судей, сравнительно освещены гарантии независимости во время их обучения, отбора и назначения, продолжительности работы судьи и деятельности независимых судебных сообществ.

Ключевые слова: Суд, судебная власть, судебная система, судья, магистрат суды, федеральные суды, судебная инстанция, юрисдикция суда.

Kamoliddin Dastamov Khusanovich,

Tashkent State University of Law, Researcher
E-mail: dastamov-0707@mail.ru

**IMPROVEMENT OF THE JUDICIAL SYSTEM:
FOREIGN EXPERIENCE**

Abstract: In this article, the foreign experience of the most advanced countries has been studied, in particular, on ensuring the independence of judges, the issues of guarantees of independence in their training, selection and appointment, the terms of the activity of the judge, the activity of independent judicial communities are covered in comparative legal terms.

Keywords: Court, judicial authority, judicial system, judge, magistrate courts, federal courts, judicial instance, judicial jurisdiction.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, ҳар бир давлат ўзининг демократик тараққиётини таъминлашда, Конституция ва қонунлар устуворлигига эришишда судлар фаолиятдан самарали фойдаланиб келган.

Судьяларнинг мавқеи уларнинг шахсий таркиби, малака даражаси ва суд фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллашуви, ниҳоят, бу ҳақдаги қонунларимизнинг ҳам мукамаллигига боғлиқ. Шу муносабат билан судларимизнинг ижобий тажрибасини кенг ёйиш тартибга қаторда, ривожланган демократик мамлакатлардаги суд тизимининг ўзига хос жиҳатларини чуқур тадқиқ қилиш жиддий аҳамиятга эга.

Англияда кўп асрлар давомида ривожланиб келган ва ҳозирда амалда бўлган суд тузилиши инглиз давлати ва ҳуқуқининг ривожланиш тарихи билан бевосита боғлиқдир. Англия суд тизимининг мураккаблиги ҳуқуқда айрим ўрта аср институтларининг сақланиб келинаётганлиги билан ҳам изоҳланади [1].

Англиянинг суд тузилиши ягона қонун билан тартибга солинмайди: судларни ташкил қилиш ва уларнинг ваколатлари бир қатор актлар билан белгиланадики, бу актларнинг кўпчилиги юз йиллар муқаддам қабул қилинган. Англия судлари уч поғонали тизимга эгадир. Қуйи поғонада фуқаролик ишларини кўрувчи графлик судлари ва жиноят ишларини кўрувчи магистрат судлари туради. 1971 йилга қадар қуйи судларга тўртлик сессиялар судлари ҳам кирган бўлиб, кейинчалик бу судлар тугатилган.

Буюк Британиядаги барча суд лавозимлари сайланиш натижасида эмас, балки тайинланиш натижасида эгалланади. Юқори турувчи суд судьялари лорд-канцлер тавсияси билан қиролича томонидан, қуйи судлар судьялари эса лорд-канцлер томонидан тайинланади. Олий суд судьялари камида ўн йиллик меҳнат стажига эга бўлган барристерлардан, округ судьялари эса худди шундай стажга эга бўлган барристерлардан ёки шу лавозимни камида уч йил эгаллаб келган рекордёрлардан тайинланади [2].

Хорижий мамлакатлардаги судьялар корпусининг шаклланиши ва фаолиятига оид тажрибаларни кузатар эканмиз, Германия Федератив Республикаси тажрибасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Германия Асосий қонунининг 92-моддасига кўра, одил судловни амалга ошириш судьялар ваколатига киради ва Федерал Конституциявий суд, Асосий қонунда кўзда тутилган федерал судлар ва ерлар судлари орқали амалга оширилади. Германияда шу тариқа, роман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатлардан фарқли, конституциявий адлия одил судловни амалга ошириши лозим бўлган органлар тизимининг бир қисми сифатида кўрилади [3].

ГФР Конституцияси адлиянинг беш асосий соҳасини фарқлайди (умумий, меҳнат, ижтимоий, молиявий ва маъмурий) ҳамда уларга мувофиқ бешта суд тизимини таъсис этади, бу тизимларнинг ҳар бири ўз олий суд органи томонидан бошқарилади. Бунда умумий судларнинг ваколатига маъмурий адлия органларининг ва бошқа ихтисослаштирилган судларнинг ваколатига кирмайдиган барча фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқиш киради. Умумий судларнинг фаолияти Суд кўрилиши тўғрисидаги қонун билан, тегишли қонунлар ва улар тўғрисидаги низомлар билан тартибга солинади [3].

Юқорида санаб ўтилган суд органлари айрим суд тизимларини (умумий, маъмурий ва б.) бошқариб, алоҳида ва бир-биридан мустақил ҳисобланади. Жиддий ҳуқуқий масалалар юзасидан уларнинг нуқтаи-назарлари ўртасида келишмовчилик келиб чиққан ҳолларда, Асосий қонунга кўра (95-м.), Олий федерал судларнинг умумий сенати чақирилади, бу сенат чиқарган қарор барча тизим судлари учун мажбурийдир ва у суд амалиётининг ягоналигини таъминлайди.

Мустақил суд муассасалари сифатида айрим ихтисослаштирилган судлар, жумладан умумфедерал даражада ҳам, фаолият юритади. Буларга, хусусан, фуқаро-хизматчиларнинг ҳукумат хатти-ҳаракатларига келтирган шикоятларини кўриб чиқувчи Федерал интизомий суд ва ерларнинг интизомий судлари, шунингдек, Мюнхенда жойлашган Федерал патент суди киради.

Германиялик судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати асосан 1962 йили кучга кирган "Судьялар тўғрисида"ги Федерал қонун билан тартибга солинган [4]. Унга кўра, судья оддий амалдорлар қаторига кирмайди, балки давлат билан ўзига хос муносабатда бўлади. Бундай ҳуқуқий мақомга эга бўлиш уларнинг мустақиллигини давлат амалдорларининг гайриҳуқуқий таъсиридан муайян даражада ҳимоялайди.

Федерал судларнинг судьялари расман ўз лавозимларига тегишли вазирнинг (Олий федерал судга тайинланишда - Адлия вазири, меҳнат ишлари бўйича Федерал судга тайинланишда - Меҳнат вазири ва ш.к.) қароридан сўнг ГФР Президенти томонидан тайинланадилар. Бундан олдинроқ эса судьяликка номзодлар таркиби ГФР тегишли вазиридан ва ерларнинг тегишли идоралари раҳбарларидан, шунингдек, Бундестаг томонидан сайланган 11 аъзодан иборат махсус комиссия таъсирини таъинлашда ўтишлари лозим. Комиссияларда, улар қоидага кўра, бир неча номзодлар ичидан сайлаб олинади.

Айрим ерлардаги судларда судьялик лавозимини эгаллаш турлича кечади. Баъзи ерларда судьялар бош вазир томонидан тайинланса, бошқаларида - шу ернинг Адлия вазири томонидан тайинланади. Яна баъзиларида эса ер парламенти депутатлардан, судьялардан ва адвокатлардан ташкил топган сайлов комитети - махсус комиссия томонидан номзод сайлангач, судьялик лавозимини эгалланади. Бундан ташқари, кўп ерларда бирор ер судларидаги судьялик лавозимини эгаллаш учун Вазирлар Маҳкамасининг барча аъзолари - барча вазирларнинг розилиги талаб этилади. Барча судьялар ўз лавозимларига умрбод тайинланадилар.

Судьялар ўз лавозимларидан судьялар ва прокурорлар учун Федерал интизомий суд ёхуд ер интизомий суди қарори билангина четлатилишлари мумкин. Интизомий иш ГФР ёки ерларнинг адлия вазири томонидан қўзғатилиши мумкин. Судьяларнинг истеъфога чиқиш ёши 65 ёш (Федерал конституциявий суд аъзолари учун - 68 ёш) [5].

АҚШ давлат тузилиши 1607-1776 йилларда Америкада амалда бўлган инглиз мустамлака тизими даврларидаги ҳуқуқий негизлар ва институтлардан бошланади. АҚШ конституциявий тамойиллари, бундан ташқари, шубҳасиз, Буюк француз буржуа-демократик инқилобидан олдинги давр сиёсий-ҳуқуқий ғоялари таъсирида ҳам шаклланган. Америка ҳуқуқий мактаби анъаналарига мувофиқ, АҚШда амалда бўлган қонун чиқарувчи, ижроия, маъмурий, суд ва бошқа органларнинг улкан, бесўнақай, серқамроқ ва серқамров, ўта мураккаб тизими АҚШ Конституцияси асосида шаклланган ва фаолият юритади, деб ҳисобланади [6].

АҚШда бир вақтнинг ўзида судларнинг ягона федерал тизими ва 50 штатнинг

ҳар бирининг, Колумбия округининг ва тўрт федерал ҳудуднинг мустақил суд тизимлари фаолият юритади.

Федерал суд тизимига АҚШ Олий суди, апелляция ва округ судлари, шунингдек, махсус судлар қиради. Федерал судларнинг бутун тизимига АҚШ Олий суди раҳбарлик қилади ва у бир вақтнинг ўзида олий давлат муассасалари тизимида Конгресс ва Президент билан бир қаторда ўта муҳим мақомга эгадир. АҚШ Олий суди АҚШ Конституциясида тилга олинган ягона суд муассасаси бўлиб, тўққиз судьядан иборатдир, бу судьяларнинг бирини АҚШ Президенти раис этиб тайинлайди. Олий суд аъзолари, шу жумладан раис ҳам, президент томонидан тайинланиб, Сенатда тасдиқланади.

Штатлар суд тизимининг асосий бўғини - умумий юрисдикция судлари бўлиб, улар турлича номланадилар. Масалан, Нью-Йорк штатида улар олий судлар деб, Калифорния штатида - юқори судлар деб, бироқ кўпроқ округ судлари деб аталади. Мазкур судлар ташкил этилиши ва миқдорий таркиби жиҳатидан жиддий фарқланади [7].

Округ судларида ишлар якка судья томонидан ёки присяжный маслаҳатчилар иштирокида судьялар томонидан кўриб чиқилади.

Федерал судларидаги судьялик лавозимларига тайинлаш Сенат розилиги билан АҚШ президенти томонидан амалга оширилади, бунда Сенат президент таклиф қилган номзодни рад этиш ҳуқуқига эга. Федерал судьяликка номзодларга касбий маҳорат жиҳатидан ҳам, ахлоқ жиҳатидан ҳам юқори талаблар қўйилади (адвокат, юристмаслаҳатчи ёки университет профессори сифатида катта иш тажрибасига эга бўлиш, шаънига доғ тегмаганлик ва ш.к.). Федерал судьялар ўз лавозимларига умрбод тайинланадилар, уларни фақат импичментдек мураккаб жараён натижасида лавозимдан четлатиш мумкин.

Штат судларида судьялик лавозимига тайинлаш турли қоидалар асосида ўтказилади. Кўпгина штатларда олий судлар ва апелляция судлари судьялари губернатор томонидан Сенат ёки штатнинг бошқа қонун чиқарувчи органи розилиги билан 6-15 йил муддатга кўпинча такроран тайинланиш ҳуқуқи билан тайинланадилар.

Худди шу тартибда айрим Америка штатларидаги қуйи турувчи суд инстанциялари судьялари ҳам ўз лавозимларини эгаллайдилар. Бироқ штатлардаги кўпчилик судьялар аҳоли томонидан сайлов кампаниялари давомида сайланадилар. Бундай тизим гарчи ташқи томондан халқчил кўринса-да, аслида кўпинча бу ерда номзодларни қўлловчи бир-бирига рақиб сиёсий партияларнинг манфаатлари биринчи ўринга чиқиб қолади, касбий ва шахсий сифатлар эса эътибордан четдан қолади, шу сабабли бу тизим АҚШда ҳақли равишда танқидга учрамоқда.

Францияда амалда бўлган суд ва прокурорлик муассасалари тизимининг асоси Биринчи империя замонидан, яъни XIX аср бошида қўйилган. 1958-1963 йиллардаги ислохотлар натижасида бу тизимда муҳим ўзгаришлар юз бериб, уларнинг асосий мазмуни яраштирувчи судлар институтини тугатиш ва суд инстанцияларининг умумий сонини уларни йириклаштириш ва судлов ваколатини ўзгартириш йўли билан қисқартиришдан иборат бўлди [8].

Президентлик ҳокимиятининг кўпайиши, суд-прокурорлик органларининг тўлалигича президентга бўйсунуши, махсус трибуналлар ва Давлат хавфсизлиги судининг таъсис этилиши, судлар ва трибуналларнинг сиёсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича ваколат доирасини кенгайтириш - замонавий

Франциядаги суд ва прокуратура органларининг тузилиши ва фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари шулардан иборат. Барча судлар умумий ва махсус судларга бўлинади. Умумий судлар тизимида биринчи инстанция судларини, апелляция ва кассация суд инстанцияларини фарқлаш мумкин.

Суд таркибига тайинланиш учун юқори талаблар қўйилган бўлиб, буларга юқори мансаблардаги судьялик лавозимида иш тажрибасига эга бўлиш, университет профессори сифатида ишлаш кабилар киради. Конституция (64-м.) умумий ваколат судьяларининг алмаштирилмаслиги принципини эълон қилган.

Судья ўз вазифасидан фақат жиддий қилмиш содир этганида ёки оғир касалликка йўлиққанида Олий магистратура кенгаши томонидан четлатилиши мумкин. Судья розилигисиз уни бошқа ишга, ҳатто юқорироқ мансабга ҳам ўтказилиши мумкин эмас. Судьялар 65 ёшларида, 1988 йилда ўрнатилган қоидаларга кўра, Кассацион суд судьялари ва унинг биринчи раиси тегишли равишда 66 ва 68 ёшларида истеъфога чиқадилар[9].

Япония суд тизими 1947-1948 йиллардаги постконституцион ислохотлар натижасида яратилди. Бу тизим Олий судни, юқори судларни, ҳудудий, оилавий ва бошланғич судларни ўз ичига олади. Япон суд тизимига раҳбарлик Олий суд томонидан амалга оширилиб, у олий суд инстанцияси сифатида, олий конституциявий назорат органи сифатида ва қўйи турувчи барча судлар устидан раҳбарлик қилувчи орган сифатида кенг ваколатларга эгадир. Олий суд нафақат судларнинг, балки адвокатларнинг иш қоидаларини белгилайди, бу қоидаларга прокурорлар ҳам риоя этишлари лозим. Олий суд Токиода жойлашган бўлиб, раис ва 14 та суд аъзосидан иборат [10].

Раис конституциявий назорат, яъни қонун ҳужжатлари ёки маъмурий актларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш фақат Олий суд томонидан эмас, балки қўйи турувчи судлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин, уларнинг айримлари сўнгги ўн йилликлар ичида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга дахлдор муҳим ҳукумат қарорларини Конституцияга зид деб топиш тўғрисидаги ўта илгор нуқтаи назардаги қарорларни бир неча бор қабул қилганлар.

1947 йилдан Японияда маъмурий адлия тизими мавжуд эмас, шу сабабли маъмурий органларнинг хатти-ҳаракатлари устидан келтирилган шикоятлар биринчи инстанцияда ҳудудий судларда фуқаролик ишларининг бир тури сифатида кўриб чиқилади.

Японияда барча судьялар ўз лавозимларига 10 йил муддатга тайинланадилар. Тайинланиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан, аксарият судларда Олий суд тузган номзодлар рўйхати асосида амалга оширилади (Олий суд раиси император томонидан тайинланади). 10 йил ўтгач, судья ўз лавозимига қайта тайинланиши мумкин, бу жараён қонунда белгиланган истеъфо ёшига (65 ёки 70 ёш) етгунча давом этади. Конституцияда судья нуфузини оширишга қаратилган қатор чоралар кўзда тутилган [11].

Хусусан, Олий суд аъзолигига тайинланишдан олдин Вакиллар палатасига ўтказиладиган навбатдаги сайловлар давомида "халқ кўриги"дан ўтиш лозим. Агар сайловчиларнинг аксарияти бирор-бир судьяни ишдан четлатишни талаб қилса, у ҳолда ўша судья ўз лавозимидан маҳрум бўлади. Бундай процедура ҳар ўн йилда қайтарилади.

Мазкур қоидалар ташқи томондан жуда самарали кўринса-да, кўпчилик япон давлатшунослари бунга жиддий шубҳа билан қарайдилар, чунки сайловчиларнинг

кўпчилиги Олий суд аъзоларини яхши билмайдилар ва овоз беришга жиддий аҳамият бермайдилар. Барча судлар судьялари ўз вазифаларидан ошқора муҳокама қилиш натижасида импичмент жараёнига мувофиқ четлатилишлари мумкин (импичмент жараёни судьяни айблаш парламентнинг махсус органлари томонидан муҳокама қилинишини билдиради) [12].

Судьялик лавозимини эгаллаш учун қатъий танлов қоидалари белгиланган. Кўрсатилган йўналишда ўзини амалий фаолиятга бағишлашни хоҳлаган япон университетлари юридик факультетларининг битирувчилари адлия вазирлиги махсус комиссияси томонидан ҳар йили ўтказиладиган имтиҳонлардан ўтишлари лозим. Бу комиссия кўядиган талаблар шунчалик юқорики, имтиҳон топширувчиларнинг 2-3%гина бу талабларга жавоб бера олади. Японияда профессионал юристлар корпорацияси ўз ҳамкасблари сонини атайлаб чеклайди: 120 млн. аҳолиси бўлган мамлакатда 2000 судья, 2100 прокурор, 12000га яқин адвокат бўлиб, бу бошқа ривожланган Ғарб мамлакатларидан анча камдир. Японияда янги кадрларнинг асосий манбаи бўлмиш адлия ходимларини тайёрлаш курслари галвиридан йилига кўпи билан 500 киши ўтади [13].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси ва одил судлов соҳасидаги халқаро андозаларига мувофиқ судьялар корпусини шакллантиришда судьялар ҳамжамияти органлари муҳим ўрин тутаяди. Бундай органлар ўз ҳуқуқий мақомига кўра судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, судьяликка номзодларни танлаш, лавозимларга тавсия этиш, судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар малакасини ошириш, судьяларни жавобгарликка тортиш масалалари ва шу каби бошқа ташкилий вазифаларни бажаради. Шу билан бирга, мазкур судьялар ҳамжамияти органларида судьялар ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ўзини ўзи мустақил бошқариш принципига мувофиқ профессионал асосида фаолият юритади. Судьялар ҳамжамияти камида 50 фоиз судьялар таркибидан шакллантирилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суд тизимини такомиллаштиришда, шунингдек судьялар мустақиллигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг "Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши гоёя муҳим ва ўз вақтида амалга оширилган қадам бўлмоқда [14]. Бизнингча, қонунда Судьялар олий кенгашининг мақоми, тушунчаси, тизими, асосий вазифалари, ваколатлари ва хусусиятлари, унинг таркибини шакллантириш тартиби ва шартлари ҳамда бошқа муҳим масалалар тартибга солингани бу соҳада судлар мустақиллини янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Апарова Т.В. Суды и судебный процесс Великобритании. Англия, Уэльсы, Шотландия. М.: 1996.; Апарова Т.В. Статус судей в Великобритании. //Журнал Российского права. 1999. №7-8 (Aparova T.V. Courts and litigation in the UK. England, Wales, Scotland. М.: 1996.; Aparova T.V. Status of judges in the UK. // Journal of Russian law. 1999. № 7-8).
2. Поленский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. - М.: Юрид. лит., 1969 (Polensky N.N. Criminal Law and Criminal Court of England. - М.: Jud.lit., 1969).
3. Филимонов Б.А. Основы уголовного процесса Германии. -М.: 1994 (Filimonov B.A. The basics of the criminal process in Germany. -М.: 1994).

-
-
4. Филимонов Б.А. Основы уголовного процесса Германии. -М.: 1994.; Уголовный кодекс ФРГ. -М.: Юрид. колледж МГУ, 1996 (Filimonov B.A. The basics of the criminal process in Germany. -M.: 1994.; The Criminal Code of Germany. -M.: Jurid. College of Moscow State University, 1996).
 5. Судебные системы западных государств. /Отв. ред. Тумаков В. А. - М., 1991 (Judicial systems of the western states. / Ans. ed. Tumakov V.A. - M., 1991).
 6. Николайчик В.М. Уголовный процесс США. - М.: Наука, 1981 (Nikolaychik V.M. US Criminal Procedure. - M.: Science, 1981).
 7. Жидков О.А. Верховный суд США: право и политика. -М.: Наука, 1985.; Даниэл Джон Мидор. Американские суды. Изд-во: Уэст Паблшинг Компани. Сент-Пол. Миннесота. 1991 (Zhidkov O.A. US Supreme Court: Law and Politics. -M.: Science, 1985.; Daniel John Midor. American courts. Publisher: West Publishing Company. Saint Paul. Minnesota. 1991).
 8. Безнасюк А.С., Рустамов Х.У. Судебная власть: Учебник для вузов. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2002.; Абдумаджидов Г.А., Саркисянц Г.П. Правосудие и уголовный процесс Франции., -Т., 1992 (Beznasyuk A.S., Rustamov H.U. Judicial branch: Textbook for high schools. -M.: UNITY-DANA, Law and Law, 2002.; Abdumadzhdov G.A., Sargsyants G.P. Justice and Criminal Procedure of France., -T., 1992).
 9. Боботов С.В. Правосудие во Франции. М.: 1994.; Головки Л.В. Реформа уголовного процесса во Франции // Государство и право, 2001, №8 (Bobotov S.V. Justice in France. M.: 1994.; Golovko L.V. Reform of the criminal process in France // State and Law, 2001, No. 8).
 10. Цунео Инако. Современное право Японии. -М., 1981 (Tsuneo Inako. Modern law of Japan. -M., 1981).
 11. Решетников Ф.М. Правовые системы стран мира (справочник) -М.: Юр. лит. 1993.; Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. -Т.: "Адолат", 1999 (Reshetnikov F.M. Legal systems of the countries of the world (reference) -M.: Yur. lit. 1993.; Saidov A.Kh. Comparative Law. -T.: Adolat, 1999).
 12. Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник /отв. ред. -д. ю. н. проф. А. Сухарев. 2-е изд., изм. и доп. -М.: НОРМА. 2001 (Legal systems of the countries of the world. Encyclopedic reference book. ed. -d. Yu. n prof. A. Sukharev. 2nd ed., Rev. and add. -M.: NORM. 2001).
 13. Цунео Инако. Современное право Японии. -М., 1981.; Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. -Т.: "Адолат", 1999 (Tsuneo Inako. Modern law of Japan. -M., 1981.; Saidov A.Kh. Comparative Law. -T.: Adolat, 1999).
 14. Ўзбекистон Республикасининг "Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонуни (The Law of the Republic of Uzbekistan "On the Supreme Council of Judges") // www.lex.uz.

Даврон Машарипович Бекчанов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Хузуридаги Давлат бошқаруви
Академияси доценти
E-mail: davronmb@gmail.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-9>

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг усуллари, ривожланиш эволюциялари муҳокама этилиб, Япония тажрибаси таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти, тадбиркорлик, тадбиркорликни ривожлантириш, микро, мезо, макро, мета.

Даврон Машарипович Бекчанов,

Доцент Академия Государственного
управления при Президенте
Республики Узбекистан
E-mail: davronmb@gmail.com

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОКАЗАНИЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ СО СТОРОНЫ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ ВЛАСТИ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Аннотация: В данной статье обсуждаются методы и эволюция развития предпринимательства со стороны органов государственной власти на местах, проводится анализ опыта Японии в данной сфере. Так же, в статье даются рекомендации по совершенствованию развития предпринимательства со стороны органов государственной власти на местах.

Ключевые слова: местные органы власти, предпринимательство, развитие предпринимательство, микро, мезо, макро, мета.

Davron Bekchanov Masharipovich,

Associate professor of the Academy
of Public Administration under the President
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: davronmb@gmail.com

THEORETICAL ASPECTS OF THE PROVISION OF PUBLIC SERVICES BY LOCAL AUTHORITIES IN THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP

Annotation: This article discusses the methods and evolution of entrepreneurship development by the local government bodies, analyzes the experience of Japan in this area. Also the article gives recommendations for improving the development of entrepreneurship by local government bodies.

Key words: local authorities, entrepreneurship, development of entrepreneurship, micro, meso, macro, meta.

For citation: Davron Bekchanov Masharipovich. THEORETICAL ASPECTS OF THE PROVISION OF PUBLIC SERVICES BY LOCAL AUTHORITIES IN THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 65-72

Маҳаллий давлат ҳокимияти - муайян ҳудуд бошқарувини амалга оширувчи мамлакат таркибидаги ҳудудий бирлик. Канадалик олим Анвар Шах таърифига кўра, маҳаллий ҳокимият бу - миллий конституция томонидан, штат конституцияси томонидан, марказий ҳокимият томонидан оддий қонун билан, вилоят вакиллик органи томонидан ёки ижро органининг норматив ҳужжати билан ташкил қилинган, нисбатан кичикрок географик ҳудудга муайян хизматларни тарқатувчи махсус бирликдир [1].

Маҳаллий ҳокимиятларнинг тарихий эволюцияси билан танишсак, улар феодализм шароитида бирмунча мустақил бўлиб, ўз ваколати доирасида аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини қондириш борасида фаолият олиб борганини кўрамыз. Капитализм ривожланиши билан жамиятда муайян муаммолар вужудга келиши оқибатида марказий ҳокимият уларнинг бир қанча ваколатларини қисқартириб, ўрнига қўшимча равишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни юклаган. Жамият саноатлашиши билан маҳаллий ҳокимиятнинг вазифалари икки турга бўлинади: биринчиси, ваколат доирасида бажарилиши лозим бўлган бирламчи, асосий вазифалар; иккинчиси, марказий ҳокимият томонидан юклатилган вазифалар[2].

Мамлакатнинг ҳудудий кенглигидан келиб чиқиб, ҳокимият бир қанча бошқарув бўғинларига бўлинади. Масалан, вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва ҳ.к. Баъзи кичик мамлакатларда ҳудудий бошқарув бўғини, яъни маҳаллий ҳокимият бўлмайди; бунда марказий ҳокимият тўғридан-тўғри бошқарувни амалга оширади. Бундай мамлакатлар қаторига асосан кичкина давлатлар кириди (Ватикан, Сингапур, Монако). Баъзи мамлакатларда эса маҳаллий ҳокимият уч бўғиндан ташкил топади (Франция, Португалия, Бельгия). Дунё мамлакатлари орасида асосан икки бўғиндан иборат маҳаллий бошқарув кенг тарқалган.

Япониялик олим Мурамотсу Мичио маҳаллий ҳокимиятларни маълум бир мезонлар асосида сиёсий номарказлашган, бошқаруви номарказлашган ва марказлашган турларга ажратади[3]. Сиёсий номарказлашган маҳаллий ҳокимиятлар, ташқи сиёсат ва ҳарбий кучларни сақлашдан ташқари, мустақил фаолият олиб боради. Бундай турга федератив мамлакатлар таркибидаги штатлар, автоном республикалар, округлар ва шу кабилар кириди. Бошқаруви номарказлашган маҳаллий ҳокимиятлар қисман марказий ҳокимиятга тобе бўлади, лекин бошқарувда муайян мустақилликка эга бўлади. Бунда бир вақтнинг ўзида фуқаролар томонидан сайланадиган ва юқори давлат ҳокимияти томонидан тайинланадиган маҳаллий бошқарувнинг раҳбарият органлари шакллантирилади. Марказлашган турида эса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мустақил фаолият юритиш борасида ваколатлари чекланган бўлиб, ҳудудга тааллуқли кўп масалалар тўғридан тўғри марказий ҳокимият томонидан ҳал қилинади.

Глобализация ҳамда кучли индустриализация таъсирида кейинги пайтларда ривожланган унитар мамлакатлар ҳам маҳаллий бошқарувда номарказлашган тизимни жорий қилишмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлатнинг ижтимоий йўналтирган сиёсатини аҳолига самарали етказиш учун номарказлаштириш сиёсати олиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда.

Дунёнинг баъзи мамлакатларида маҳаллий ҳокимиятларга ўзини ўзи бошқариш мақоми берилган. Масалан, Япония конституциясининг 8-бобида "Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" норма белгиланган. Бу мамлакатларда ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий бошқарув тузилмаси ҳисобланади ҳамда марказий ҳокимиятдан мустақил равишда раҳбарият органларини шакллантиради, унинг зиммасига муайян масалаларда ҳудудни бошқариш ваколати юклатилади.

Тадбиркор ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожда муҳим ўрин тутди. Айнан тадбиркорларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги натижасида янги маҳсулотлар ва хизматлар яратилади, бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини белгилайди. Шу билан бирга, тадбиркорлик жамиятдаги ижтимоий муаммоларнинг ечимида ҳам асосий субъект сифатида намоён бўлади. Шунга кўра, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар ҳукуматларининг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнининг кескин тус олиши ва ҳар бир давлат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб, уни мустаҳкамлаши маҳаллий тадбиркорларнинг ҳатти-ҳаракатига бевосита боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, ҳозирда маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган сиёсатни ишлаб чиқиш нафақат ривожланаётган мамлакатларнинг, балки ривожланган давлатлар ҳукуматларининг ҳам олдида турган муҳим вазифадир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик муҳитни яратишни Майкл Портернинг тизимли рақобатбардошлик таҳлил усулидан фойдаланишни ўринли, деб биламиз (1-расм). Бунда месо даража, тадбиркорликка бевосита хизмат кўрсатадиган ташкилотлар йиғиндиси бўлиб, буларга банклар, коммунал соҳа идоралари, бизнес инкубаторлар, фуқаролик жамияти институтлари, университетлар, илмий тадқиқот марказлари, хом-ашё етказиб берувчилар, транспорт компаниялари, чакана ва улгуржи савдо ташкилотлари, маркетинг ва реклама хизматлари, малака ошириш марказлари ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни киритиш мумкин. Месо даражадаги ташкилот ва тузилмаларнинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларининг кундалик фаолиятини таъминлашда уларга бевосита ёрдам бериш ва хизмат қилишдан иборатдир. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўйидаги ваколатларга эга бўлиши лозим: тадбиркорликни ривожлантиришга ва тадбиркорларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган жамоат бирлашмалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда улар билан ҳамкорлик қилиш; бизнес инкубаторларини ташкил этиш ва улар фаолиятини молиялаштириш; тадбиркорларни ва тадбиркорлик субъектлари учун маълум бир мутахассисларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тузулмалар фаолиятини ташкил этиш; тадбиркорлик субъектлари учун инвесторларни (маҳаллий ва хорижий) топиш; тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар сифатини оширишга қўмаклашиш; тадбиркорлар учун барча инфратузилмани (электроэнергия, газ, сув, коммуникация) яратиш.



1-расм.Тадбиркорлик муҳитига таъсир қилувчи омиллар[4]

Тадбиркорлик муҳитидаги макро даражага тадбиркорларнинг фаолияти давлат томонидан кафолатланиши ва улар мулкнинг дахлсизлиги таъминлангани, ҳар бир тадбиркорга тенг имконият яратилгани, давлатнинг тадбиркорликка қаратилган иқтисодий сиёсати, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи, уни ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий база, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари, фан ва техника-технология соҳасидаги давлат сиёсати, тадбиркорларга бевосита хизмат кўрсатадиган давлат ҳокимияти органлари ва шунга ўхшаш бошқа омилларни киритиш мумкин. Ушбу даража ҳар қандай мамлакатнинг тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ва уни ривожлантиришда асосий ўринни эгаллайди. Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим: ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва уни маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш; тадбиркорликнинг маълум бир тармоқларини ривожлантиришга қаратилган маҳаллий давлат ҳокимияти таркибида махсус ваколатли органлар тузиш; тадбиркорларга солиқ имтиёзлари бериш; тадбиркорлик тузилмалари билан давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ўрнатиш ва уни молиялаштириш имкониятлари; кичик саноат зоналарини ташкил этиш.

Мета даража - бу жамиятдаги мавжуд менталитет, аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, урф-одатлари, қадриятлари, кишилар дунёқарashi йиғиндиси ҳисобланиб, у тадбиркорлик муҳитини ташкил этишда энг муҳим ўринни тутувчи даража ҳисобланади. Бунда нафақат тадбиркорларнинг янгиликка интилиши, ўз устида ишлаши, қонунларни билиши ва уларни ҳурмат қилиши, ижтимоий ва экологик масъулиятининг юқори бўлиши, балки давлат ҳокимияти органлари вакилларининг ҳам тадбиркорликни ривожлантиришни ақлан тушуниб етиши, давлатнинг тадбиркорлик сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда билинадиган масъулият даражалари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ушбу даражага давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларининг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фаолияти самарадорлиги, шунингдек, тадбиркорларнинг манфаат ва мақсадлари нечоғли

уйғунлашгани сингари факторларни ҳам киритиш мумкин. Мазкур даража мамлакатда тадбиркорлик муҳити шаклланишида "ядро" вазифасини бажаради. Бунда маҳаллий давлат ҳокимият органлари қуйидаги ваколатларга эга бўлиши лозим: аҳоли ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида "тадбиркорлик маданиятини" кенг тарғиб қилиш фаолиятини ташкил этиш ва уни молиялаштириш; ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга масъул бўлган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мутасадди ходимлари, жамоат бирлашмалари вакиллари ва тадбиркорларни доимий равишда малакаларини ошириб бориш фаолиятини ташкил этиш.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш шакллари тўртта турга ажратиш мумкин. Булар: маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан махсус тузулмаларни ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри; давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда; бизнес ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда; маҳаллий ҳокимият фақат соф рақобатнинг назоратчиси сифатида.

маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан махсус тузулмаларни ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри тадбиркорликни ривожлантириш. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти тадбиркорликни ривожлантиришга ихтисослашган марказлар ёки бошқа тузулмалар тузиш орқали қуйидаги давлат хизматларини ташкил этиши мумкин: ҳудуднинг рақобат ва қиёсий устунлигидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир маҳсулот ёки хизмат кўрсатишнинг маркетинг тадқиқотларини доимий равишда ўтказиш ҳамда унинг натижаларини эълон қилиб бориш, консалтинг марказлари, ўқув курслари, тадбиркорларга инжиниринг хизматлари, юқори малакали мутахассисларни излаш, янги бозорларни топиш ва тадбиркорларнинг маҳсулотларини сотишга қўмаклашиш, тадбиркорларга имтиёзли ва кафолатсиз кредитлар, субсидиялар каби хизматларни кўрсатиш. Бунда мазкур хизматларни кўрсатадиган тузилма ходимлари давлат хизматчиси мақомига эга бўлади.

Ушбу моделнинг афзаллиги шундаки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорликни ривожлантириш дастурини бевосита ўзи амалга оширади, уни назорат қилиш имконияти юқори бўлади, фаолиятни ташкил этиш ва ижроси бўйича вақт эса тежаллади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни тўғридан-тўғри амалга оширишнинг камчиликлари сифатида эса қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: барча тармоқ тадбиркорлик тузилмаларига бир хил ёндашув, янги ғояларнинг кириб келиш имкониятининг пасайиши, коррупция ва маҳаллийчилик ривожланишига олиб келиш хавфининг юқори бўлиши.

Тадбиркорликни маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан ривожлантиришнинг мазкур шакли ҳудуднинг дастлабки иқтисодий ривожланиш босқичида, яъни жойларда тегишли фуқаролик жамияти институтлари кам ва салоҳияти суст ҳамда тадбиркорлик тузилмалари етарли даражада ривожланмаган шароитда самарали бўлади.

Бундай кўринишдаги тадбиркорликни ривожлантириш шаклининг самарадорлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг номарказлашганлик даражасига, маҳаллий давлат ҳокимияти тузилишига, тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида фаолият олиб бораётган давлат хизматчиларининг савиясига, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг очиқлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Маҳаллий давлат ҳокимиятининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбиркорликни ривожлантириши. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорликни ривожлантиришда уларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатмайди, балки маҳаллий давлат ҳокимиятининг грантлари орқали ННТлар ёрдамида тадбиркорларга хизмат кўрсатилади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг бундай шаклида маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан грантлар эълон қилинади, ННТлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги гоё ва ёндашувлар рақобати вужудга келади, бу эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан энг муносиб лойиҳани танлаб олиш имкониятини яратади.

Ушбу шаклнинг афзалликлари: ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш борасида янги гоё ва ёндашувлар вужудга келиш имконияти юқори бўлади, ҳудуддаги тадбиркорлар эҳтиёжи, уларга айнан қанақа хизмат лозимлиги борасида ҳокимият вакилларига нисбатан ННТлар кўпроқ хабардор бўлади. Шу билан бирга, давлат бюджети самарали ишлатилади, тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сифатли амалга оширилади.

Мазкур шаклнинг камчилиги: маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ННТларнинг тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги фаолиятини назорат қилиш имконияти суст бўлади. Бу эса, ННТлар томонидан грант маблағларини мақсадсиз ишлатиш эҳтимолини кучайтиради.

Шунингдек, бу моделнинг самарали ишлаши учун фуқаролик жамияти институтлари мазкур ҳудудда етарли даражада ривожланган бўлиши лозим. Яъни, иқтисодий ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги жамоат ташкилотларининг сони ҳамда уларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг малакаси муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан ННТларга грант беришнинг шаффоф, ошқора ва самарали механизми жорий этилиши талаб этилади. Мазкур модель маҳаллий давлат хизматчиларининг сони чекланган шароитида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Бизнес ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш шакли, асосан, йирик sanoat соҳаси ривожланган мамлакатларга хос хусусият ҳисобланади. Бунда, бизнес ташкилотларига хом-ашё етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар фаолиятини самарали ташкил этиш учун, ушбу йўналишда фаолият олиб бормоқчи бўлган ва олиб бораётган тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш борасида тегишли чоралар кўрилади. Бу жараёнда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бизнес ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида яқин алоқаларнинг ўрнатилишига кўмак беради ва бунга шароит яратади. Бизнес ташкилотлар грант асосида ННТлар орқали тадбиркорлар ўқувини, менеджмент ва инжиниринг маслаҳатларини, имтиёзли кафилсиз кредит ёки субсидиялар ажратиш каби хизматларни кўрсатади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ушбу шакли анча самарали бўлиб, давлат бюджетини тежашда, ННТлар танлов асосида бизнес тузилмалар томонидан танланиши ҳамда янги гоё ва ёндашувларни кириб келишига имконият яратилади. Шунингдек, ННТларнинг ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга оширишда бевосита ҳомийлик қилган бизнес

тузилмалари назоратида бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг бу борадаги функциясини минимал даражага туширади.

Ўрни билан шуни ҳам эътироф этиш керакки, ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг мазкур шакли фақат битта соҳадаги тадбиркорлик тузилмаларининг ривожланишига туртки бўлиши мумкин.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришнинг бу кўринишдаги шаклини жорий этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мутасадди давлат хизматчилари юқори малакали бўлиши ва фуқаролик жамияти институтлари зарур даражада ривожланганлиги талаб этилади.

Маҳаллий ҳокимият фақат соф рақобатнинг назоратчиси сифатида. Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг бундай шаклида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорликнинг барча тури учун тенг шароит яратади, керакли инфратузилмани таъминлаб беради. Шу билан бирга, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркин фаолият юритишларини таъминлайди. Шу тарзда барча тадбиркорлик тузилмалари ўртасида соф рақобат муҳитини яратади ва уни таъминлайди.

Жойларда тадбиркорликни ривожлантиришнинг мазкур шакли, асосан, тадбиркорлик ривожланган ҳудудларда жорий этилади. Буни самарали жорий этиш учун, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда рақобат муҳитини таъминлай оладиган тизим бўлиши лозим.

Биринчидан, тадбиркорлик маданиятини унинг ривождаги асосий омил сифатида эътироф этишимиз мумкин. Тадбиркорлик маданияти нафақат тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахсларда, балки уларга хизмат кўрсатаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг вакилларида ҳам мавжуд бўлиши лозим. Шу сабабли, ҳудудда тадбиркорлик маданиятини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш доирасида амалга оширилаётган фаолиятнинг таркибий қисмига айланиши талаб этилади.

Иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг ягона модели мавжуд эмас, шундай экан, ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи омилларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг миллий моделини яратади. Моделларнинг ўхшаш ва бир-бирига яқин жиҳатлари мавжуд бўлиши лозим. Шу сабабли, ҳудудда тадбиркорлик маданиятини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш доирасида амалга оширилаётган фаолиятнинг таркибий қисмига айланиши талаб этилади.

Учинчидан, бугунги кунда жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган ёндашувлар биз томонимиздан қуйидагича гуруҳлаштирилди. Булар: маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан махсус давлат органларини ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри; давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигида; бизнес ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда; маҳаллий ҳокимият фақат соф рақобатнинг назоратчиси сифатида. Юқоридагиларнинг ҳар бирини амалда самарали қўллаш маҳаллий давлат ҳокимиятининг фаолият даражасига чамбарчас боғлиқ бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятлар эътиборга олинishi талаб этилади.

Тўртинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти томонидан тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳар қандай моделида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутди. Улар маҳаллий давлат ҳокимиятига тадбиркорликни

ривожлантириш борасида янги ва инновацион ғояларни таклиф этиш, жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим йўналишларда фаолият олиб борадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жойларда фаолияти тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Управление на местном уровне в индустриально развитых странах. Под редакцией Анвара Шаха. - М.: "Весь мир", 2010, с 27-28. (Local government in industrialized countries. Edited by Anwar Shah)
2. Чихладзе Л.Т. Историко-теоретические аспекты развития местного самоуправления и местного управления в государствах Европы (Часть 2), Научно юридический журнал "Право и политика" № 1(73), 2006. (Chikhladze L.T. Historical and theoretical aspects of the development of local self-government and local governance in European countries (Part 2), Journal of Law and Law "Law and Politics")
3. Muramatsu Michio. Local Power in the Japanese State. California, 1997, pp.1-2.
4. Майкл Портернинг тизимли рақобатбардошлик таҳлил усули. (Michael Porter's systematic competitive analysis method).

Нодиржон Исроилович Хайриев,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти профессори,
Юридик фанлар доктори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-10>

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ СУДДА МУҲОКАМА ҚИЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ - БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ МАЖЛИСИНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Аннотация: мазкур мақолада биринчи инстанция суди суд тергови босқичида жиноят иш юригиши интенсификациясининг айрим масалалари илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилган ва бу борада асосланган тартиблар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: судда ишларни юритиш, жиноят ишлари юритуви, суд тергови биринчи инстанция, интенсификация, исбот қилиш, процессуал муддатлар.

Хайриев Нодиржон Исроилович,

Профессор Военно-технического института
Национальной гвардии Республики Узбекистан.
Доктор юридических наук

ВНЕДРЕНИЕ УПРОЩЕННЫХ ПРОЦЕДУР РАССМОТРЕНИЯ УГОЛОВНЫХ ДЕЛ В СУДЕ-ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ИНТЕНСИФИКАЦИИ ЗАСЕДАНИЯ ПЕРВОЙ ИНСТАНЦИИ

Аннотация: в данной статье проанализированы некоторые вопросы дальнейшей интенсификации назначения дела дела к судебному заседанию и производства в суде первой инстанции в целом с теоретико-научной точки зрения и выдвинуты научно обоснованные предложения.

Ключевые слова: судебное разбирательство, уголовное судопроизводство, предварительное следствие, первая инстанция, интенсификация, доказывание, уголовное преследования, процессуальные сроки.

Nodirjon Khayriev Isroilovich,

Doctor of Sciences in Law, Professor
Military Technical Institute of the National
Guard of the Republic of Uzbekistan

THE INTRODUCTION OF SIMPLIFIED PROCEDURES IN CRIMINAL CASES IN COURT IS A PRIORITY THE INTENSIFICATION OF THE MEETING OF THE FIRST INSTANCE

Annotation: In this article some questions of the further intensification of appointment of trial to judicial stage and in court of the first instance as a whole from the theoretical-scientific point of view are analyzed and scientifically well-founded offers are brought.

Key words: trial, criminal procedure, pre-investigation, intensification, proving, criminal action, remedial terms.

For citation: Nodirjon Khayriev Isroilovich. THE INTRODUCTION OF SIMPLIFIED PROCEDURES IN CRIMINAL CASES IN COURT IS A PRIORITY THE INTENSIFICATION OF THE MEETING OF THE FIRST INSTANCE. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 73-80

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари"га бағишланган қисми 2.1. бандида суднинг мустақиллиги ва бегаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш муҳим масала сифатида кўрсатилган. Ушбу мақсадга эришишнинг муҳим йўли эса тарафларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етмаган ҳолда кўриладиган жиноят ишларини соддалаштирилган ҳолда кўриш ҳисобланади. [1]

Судда жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўришнинг муҳим босқичи суд муҳокамасини интенсив тарзда кўриш ҳисобланади.

Суд тергови босқичи жиноят ишини биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун тайинлаш ҳамда суд мажлисининг тайёрлов қисми учун белгиланган ҳаракатлар судья томонидан амалга ошириб бўлингандан сўнг бошланади.

Замонавий жиноят-процессуал қонунчиликларда, шунингдек илмий адабиётларда "ишни судда кўриб чиқиш" тушунчасини қамраб олувчи - "суд муҳокамаси" ҳамда "суд тергови" ибораларидан кенг равишда фойдаланиб келинади. Бироқ, аслида ушбу иборалардан "суд муҳокамаси" ибораси баробар тарзда биринчи, иккинчи ва ишни назорат тартибда юритиш босқичларига тегишли тушунча бўлса, "суд тергови" ибораси остида жиноят процессининг муҳим қисми бўлган суд муҳокамасининг аниқ - суд тергови босқичи назарда тутилади.

Демак, суд муҳокамасининг алоҳида қисми (этапи) бўлган суд тергови жиноят-судлов юритувининг муҳим қисми ҳисобланади. Зеро, айнан суд терговида жиноят процесси аниқ мақсад туфайли ҳаракатга келадиган марказий масала - айбланувчининг (судланувчининг) айбли ёки айбсиз эканлиги ҳақидаги масала ҳал қилинади. Бунда тарафлар жиноят ишида аниқлаган ҳамда улар томонидан суд тергови жараёнида тақдим этилган далиллар текшириб чиқилади.

Суд терговини дастлабки терговдан фақловчи асосий жиҳат шундаки, суд терговининг асосий иштирокчилари суд эмас, балки айнан тарафлардир. Зеро, тарафлар тортишув шароитида гувоҳларни сўроқ қиладилар ва бошқа далилларни текширадилар. Суд тарафларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратиб беради. Фақат одил судлов манфаатларидан келиб чиқиб, суд кўшимча далилларни талаб қилиб олиши мумкин.

Суд тергови босқичининг қуйидаги функциявий жиҳатларини аниқлаш мумкин: суд терговида жиноят иши бўйича шахсга нисбатан тузилган айбловнинг мазмуни илк бор очиқ оммага эълон қилинади; суд терговида суд олди босқичида аниқланган далиллар текширилади[2]; суд терговида дастлабки терговда аниқланган далиллар етарли бўлмаганда ёки уларни текшириш мақсадида тарафлар томонидан тақдим этиш ёхуд суднинг ташаббуси билан талаб қилиб олиш усулида кўшимча маълумотлар тўпланadi; суд терговида жиноят ишида тўпланган,

кейинчалик аниқланган ва текширилган далилларни жиноят ишига алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлиги масалалари юзасидан тарафлар билдирган илтимослар ҳал қилинади; суд терговидида жиноят иши бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашни таъмин этишга йўналтирилган суд ақллари қабул қилинади.

Шундай экан, тарафларнинг фаол фаолияти ҳамда суднинг раҳбарлигида далилларнинг қонуний ва асосли тўпланганлигини текшириш, уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлигини аниқлаш орқали суднинг иш бўйича якуний қарорини қабул қилиш учун ҳуқуқий шароитни яратиш масалалари - суд терговининг бевосита предметини ташкил қилади.

Мазкур босқичнинг предметига хос бўлган процессуал тартиб барқарор мавқега эга бўлиб (унинг барқарорлиги юқорида айтилганидек, суд терговининг оммавий ҳуқуқ наздида исбот қилиш фаолиятидаги юқори чўққи эканлигидир), унда амалга ошириладиган процессуал-ҳуқуқий муносабатлар ҳам анчайин мураккаб, қизиқарли ва хис-ҳаяжонга тўла, ишда иштирок этаётган ҳуқуқшунослар учун эса ўз касб-маҳоратларини, профессионал билим ва салоҳиятларини намоён қиладиган ижтимоий-ҳуқуқий саҳна вазифасини ўтовчи макондир.

Шу боис, ушбу босқичда вужудга келадиган ва кечадиган процессуал муносабатларни жадаллаштириш масаласи суд тергови ташкил этган структуранинг элементларини ҳамда ундаги ҳаракатларни юритувчи фаолиятларга ташқи таъсирга Структуравий жиҳатдан таъсир этиш механизмнинг қуйидаги тўрт йўналишини белгилаб олиш мумкин:

Биринчиси, суд терговининг дастлабки қисмига тааллуқли бўлиб, шу жараёнда эълон қилинган айбловга судланувчининг муносабатини аниқлаш масаласини назарда тутати.

Иккинчиси, суд тергови жараёнининг узвийлигини имкон қадар таъминовчи механизмни такомиллаштириш масаласини назарда тутати.

Учинчиси, суд ҳаракатларини амалга оширувчи ва унинг жараёнига жалб қилинган шахсларнинг тезкор фаолиятини таъминловчи механизмни ишга солиш масаласини назарда тутати.

Тўртинчиси, давлат айбловчисининг айбловдан воз кечиш оқибатларини такомиллаштириш масаласини назарда тутати.

Демак, қайд этилган йўналишларга тўхталадиган бўлсак, шуни айтиш жойизки, жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солиш усулининг тарихий ва замонавий типларидан қатъи назар, барча жиноят процессларида суд тергови айблов тараф томонидан судга тақдим этилган айблов хулосасини эълон қилишдан бошланади. Айблов хулосасини эълон қилиш жиноят-процессуал муносабатларни жадаллаштириш муаммоларига бевосита таъсир кўрсатмайди, зеро бу ҳаракат "жадаллаштириш" масаласига алоқадорликдан кўра, кўпроқ суд муҳокамасининг ажралмас процессуал-ҳуқуқий анъанасига айланиб улгурган. Шу боис, ушбу ўзгармас шаклий анъананинг муҳим бир вазифаси мавжуд бўлиб, айнан суд муҳокамасида айбловчи эълон қилган айблов хулосаси, бир томондан, суд муҳокамасининг асосий масаласига айланса, иккинчи томондан, суд терговининг йўналишини, яъни унинг қайси ҳажмда ва қандай процессуал ресурсларни жалб қилган ҳолда амалга оширилиши ҳақидаги маълумотни беради. Бу маълумотлар мазмунан суд терговидида вужудга келадиган ва кечадиган процессуал муносабатларнинг вақт нуқтаи назаридан қанча давом этиши мумкинлигини прогноزلаш учун асос бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, учинчи томондан, эълон қилинган айблов хулосаси унга нисбатан судланувчининг муносабатини аниқлаш учун жуда муҳим процессуал объект ёки манба ҳисобланади. Унинг жиноят процесси учун муҳимлиги яна шундаки, судланувчининг эълон қилинган айблов хулосасига билдирадиган муносабати суд терговининг мазкур қисмида процессуал муносабатларни жадаллаштириш учун асос бўлиши мумкин. Гап, типик хусусиятлардан қатъи назар кўпгина мамлакатларнинг жиноят процессида белгиланган - судланувчининг ўз айбига иқдор ёки иқдор эмаслиги ҳолатига қараб, суд муҳокамасининг шаклини танлаш имкони билан боғлиқ азалий, яъни тарихий процессуал институт ҳақида бормоқда.

Агар, қайд этилган масалада фақат МДҲга аъзо мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу мамлакатларда суд терговининг тартиби алоҳида бобга ажратилган ҳолда тартибга солинган, шу боис уларнинг мамлакатимиз қонунчилиги билан ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Бироқ масала айблов хулосасига айбланувчининг ёхуд судланувчининг муносабатига боғлиқ экан, унда МДҲга аъзо мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги бу борада ўрнатган тартибни тўрт гуруҳга ажратган ҳолда таснифлаш мумкин.

Биринчи гуруҳга: айбланувчининг ўз айбига иқдор эканлиги ҳолатида ва бошқа ҳолатларда (яъни бундай ҳолатлар сирасига жабрланувчининг келишувга розилигини олиш зарурлигини киритиш мумкин) давлат айбловини қўллаб қувватловчи - прокурор билан келишув битимини[3] тузиши асносида жиноят ишини тезлаштирилган тартибда юритиш қоидаларининг белгиланганлигини киритиш мумкин. Бундай тартиб икки муҳим жиҳатга асосланади. Биринчиси, айбланувчининг (судланувчининг) унга нисбатан эълон қилинган айбловга сўзсиз иқдорлик билдириши ва келишувга рози эканлигини маълум қилиши (шубҳасиз иқдорлик ҳимоячининг иштирокида амалга оширилиши назарда тутилади); иккинчиси, айбланувчи томонидан айбга иқдорлик суд олди, шунингдек суд муҳокамасининг бошланишида амалга оширилиши мумкин. Хусусан, бундай тартиб Грузия (ЖПКнинг 209-218-моддалари) ва Молдова (ЖПКнинг 504-509-моддалари) қонунчиликларида мавжуд;

Иккинчи гуруҳга: ишни суд олди босқичида, дастлабки эшитиш ёхуд жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичларида судланувчи томонидан ўз айбига иқдор эканлигини эълон қилиши - ишни тезлаштирилган шаклда юритиш учун асос бўлишига оид қоидалар тартибини киритиш мумкин. Бу қоидалардаги зарурий жиҳат шундаки, айбга иқдорлик ҳолатининг мақоми, унинг айнан суд муҳокамасининг дастлабки босқичларида билдирилиши билан боғлиқ бўлиб, натижада бу соддалашган тартибда судлов ишини юритиш муносабатларининг вужудга келишига асос бўлади.

Учинчи гуруҳга: жиноят процессининг ҳар қандай босқичида айбланувчининг (судланувчининг) билдирилган айбловга иқдор бўлиши ҳамда жарбланувчи билан ярашиши туфайли жиноят ишини тугатилишини назарда тутувчи қоидалар тартибини киритиш мумкин. Жиноят-судлов ишларини юритишнинг бундай тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эътироф этилган (ЖПКнинг 582-586-моддалари).

Ниҳоят, тўртинчи гуруҳ: суд терговининг бошида эълон қилинган айблов хулосасига судланувчининг муносабати аниқлангандан кейин (жумладан, агар судланувчи ўз айбига иқдор бўлса), жиноят ишини тезлаштирилган тартибда

юритиш механизмининг ишга тушиши билан боғлиқ қоидаларни ўз ичига олади. Масалан, бундай процессуал тартиб - Қозоғистон Республикаси (ЖПКнинг 364-366-моддалари), Беларусь Республикаси (ЖПКнинг 324-326-моддалари), Тожикистон Республикаси (310-моддалари), Туркменистон Республикаси (ЖПКнинг 406-моддаси) қонунларида қўзда тутилган.

Мазкур гуруҳга тааллуқли процессуал тартибнинг хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, зикр этилган тўрт мамлакат қонунчилигидаги процессуал қоидалар бир-биридан кескин фарқ қилмасда, лекин уларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ушбу жиҳатларнинг қуйидаги асосларини эътироф этиш мумкин:

- судланувчининг ўз айбига иқрорлиги сабабли жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритиш фақат суд ва тарафларнинг, яъни давлат айбловчиси, хусусий тартибда айбловни амалга ошираётган шахс, жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг ихтиёрига бўйсундирилган (Беларусь Республикаси ЖПКда (326-модда)[4];

- судланувчининг ўз айбига иқрорлиги сабабли жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритиш давлат айбловчисининг ёки хусусий айбловни амалга ошираётган шахснинг ихтиёрига боғлиқ (Тожикистон Республикаси ЖПКда (310-модда)[5];

- судланувчининг ўз айбига иқрор эканлиги аниқлангандан кейин суд унинг: а) прокурор билан келишув битимини тузиш ихтиёри мавжудлиги ҳақида; б) жабрланувчи билан яярашув битимини тузиш ихтиёри мавжудлиги ҳақида таклифни билдириши шарт (Қозоғистон Республикаси ЖПКда (365-модда)[6];

Шу билан бирга, қайд этилган мамлакатларнинг қонунларида судланувчининг ўз айбига иқрор эканлиги оқибатида соддалаштирилган судлов юритуви муносабатларининг вужудга келиш шартларида ҳам ўзига хос қоидаларни ўрнатилган. Масалан, Тожикистон Республикаси ЖПКда вояга етмаганларнинг, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган шахсларнинг жиноят ишлари, уларнинг ўз айбига иқрорлигидан қатъи назар, соддалаштирилган судлов тартибда юритилиши мумкин эмас. Амалда шундай процессуал қоидани Беларусь Республикаси қонунида ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, юқорида таъкидланган мамлакатларнинг қонунларида судланувчининг ўз айбига иқрорлиги туфайли жиноят ишининг соддалаштирилган тартибда юритилиши унинг кейинчалик суд ҳукмига шикоят билдириш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Таҳлил қилинаётган қонунларда жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритишнинг ҳам ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Чунончи, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 366-моддасида ўрнатилган қоидаларга кўра, соддалаштирилган тартибда амалга ошириладиган суд терговиди гувоҳлар сўроқ қилинмайди.

Беларусь Республикаси (ЖПКнинг 326-моддаси) ва Тожикистон Республикаси (ЖПКнинг 310-моддаси 1-банди) қонунида эса соддалаштирилган тартибда амалга оширилувчи суд муҳокамасида фақат тарафлар илтимос қилган далиллар текширилиши мумкин. Беларусь Республикасининг ЖПКдаги қоидаларга биноан, тарафлар томонидан текширилиши таклиф этилмаган далилларни рўқач қилиб суд ҳукмига шикоят билдириш мумкин эмас (ЖПКнинг 326-моддаси 2-қисми).

Туркменистон Республикаси жиноят-процессуал қонунида ҳам судланувчининг ўз айбига иқрорлиги туфайли вужудга келадиган соддалаштирилган тартибдаги

судлов юритуви гувоҳларнинг иштирокисиз амалга оширилиши ҳақидаги қоидалар кўзда тутилган. ЖПКнинг 406-моддаси 3-қисмига мувофиқ, соддалаштирилган тартибдаги суд терговиди судланувчи ва жабрланувчини сўроқ қилиш билан чекланиши, уларнинг сўроғидан сўнг, суд дарҳол муҳокаманинг тарафлар музокараси қисмига ўтиши лозим[7].

Шунингдек, юқорида таъкидланган мамлакатларнинг қонунларида ўз айбига иқрорликни суд томонидан оқибатсиз қолдириш ёки суд терговини тўлиқ равишда ўтказиш шартлари ва асослари белгилаб қўйилган. Булар қаторига асосан: а) ўз айбига иқрорлик ташқи таъсир остида амалга оширилганлиги; б) тарафлар битимга келиша олмаганликлари; в) жиноят ишини соддалаштирилган тартибда юритиш ман этилган жиноятларни содир этганлиги аниқланганлиги; г) судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш чоғида текширилиши зарур бўлган ҳолатлар аниқланганлиги каби ҳолатларни киритиш мумкин.

Шундай қилиб, таҳлиллар мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунига ҳам шу каби тартибни киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқламоқда. Агар бундай процессуал тартибни жорий этишнинг зарурияти ҳақида гап кетадиган бўлса, ушбу тартибнинг аввал концептуал моделини яратишга оид тавсияларни жамлаш ўринли бўларди. Соддалаштирилган судлов ишларини юритиш тартибининг моделини ишлаб чиқишда унинг предмети нуқтаи назаридан, масалан Қозоғистон Республикаси ЖПКда эътироф этилган қоидаларни асос қилиб олиш мумкин. Мамлакат қонунининг 356-моддасида: эълон қилинган айблов хулосасига судланувчининг муносабатини аниқлаш масаласи тезлаштирилган тартибда суд ишларини юритиш шаклига ўтишнинг бирламчи талаби сифатида эътироф этилади.

Демак, суд тергови босқичида суд ишларини тезлаштирилган тартибда кўриб чиқиш қоидадини белгилашда судланувчининг айблов хулосасига бўлган муносабатини аниқлаш масаласи муҳим ҳисобланади. Зеро, мазкур масалани аниқлаш жиноят ишларини тезлаштириган тартибда юритишнинг икки, яъни:

а) давлат айбловчиси билан иқрорлик битимини тузиш;

б) жабрланувчи билан ярашиш шаклларига бир маромда ўтиш имконини яратади.

Бу борада жиноят-процессуал ҳуқуқ назарияси ҳам муайян ёндошувни ишлаб чиққан. Хусусан Б. Х. Пўлатов амалиётдаги ҳолатларнинг таҳлили натижасида шундай хулосага келганди: "жиноят ишларини судда муҳокама қилиш тартибини соддалаштириш ҳамда унинг муддатларини қисқартириш мақсадида ЖПКнинг 440-моддаси, 2-қисмига "агар судланувчи эълон қилинган айблов хулосасида кўрсатилган айбловга ўз иқрорлигини билдирса, суд судланувчининг ва жабрланувчининг розилиги ҳамда тарафларнинг суд терговини тугатиш ва суд музокараларига ўтиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиши" ҳақидаги кўшимчани киритиш зарур" Зеро, ушбу тартиб воситасида. муаллифнинг фикрича, шахс ҳуқуқларини чеклаб қўймай, суд муҳокамасининг муддатларини қисқартиришга эришиш мумкин[8].

Суд тергови босқичини тезлаштириш тартибининг объектив асосларини, бизнингча Беларусь Республикаси ЖПКда назарда тутилган қоидалар ташкил қилиши ўринлидир. Ушбу мамлакат ЖПКнинг 326-моддаси соддалаштирилган тартибдаги суд муҳокамасининг қуйидаги объектив хусусиятларини назарда тутди:

а) судланувчининг ўз айбига иқрорлик унинг ихтиёри билан амалга оширилганлигини;

б) судланувчининг ўз айбига иқрорлиги судда шубҳа туғдирмаслигини;

в) судланувчининг ўз айбига иқрорлиги тарафлар томонидан эътирозга дучор бўлмаслигини;

Шунингдек, эинойт ишларини тезлаштирилган тартибда юритиш муносабатларининг чегараси белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Негаки, соддалаштирилган тартибда жиноят ишларини юритиш - жиноят процессидаги манфаатдор иштирокчиларнинг ўзаро ихтиёри ила ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятни ечиш шакли бўлиб, унинг чегараси ҳам бевосита "омма" манфаатларини қўриқлаш даражаси билан белгиланиши зарур.

Назаримизда бу масалани ҳал қилишда Беларусь ва Тожикистон республикалари жиноят-процессуал қонунида ўрнатилган процессуал чегараларга эътибор қаратиш жойиз. Хусусан, Беларусь Республикаси қонунида белгиланган қондаларни анча мантқиқий яқунланган деб ҳисоблаш мумкин. Унинг 326-моддаси 2-қисмига кўра, соддалаштирилган тартибда ишларни юритиш қўйидаги ҳолатларда ман этилади: вояга етмаганлар жиноятлари тўғрисидаги ишларни юритиш; содир этилган жиноят учун жиноят қонунида ўн йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш булгиланган жиноят ишларини юритиш; содир этилган жиноят учун жиноят қонунида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш белгиланган жиноят ишларини юритиш; судланувчилардан бири ўз айбига иқрор эмаслигини билдирган ҳамда унга нисбатан жиноят ишини алоҳида юритувга ажратиш имкони бўлмаган ҳолатлар мавжуд бўлганда.

Албатта, бундай чегарани белгилашнинг уч жиҳати мавжуд. Биринчиси, аввал таъкидланганидек, омма манфаатларини қўриқлаш зарурияти билан боғлиқ, яъни ижтимоий хавfli бўлган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар адолатли жазодан қутилиб қолишига йўл қўймаслик назарда тутилади; иккинчиси, вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини қўриқлаш муҳим ижтимоий масала эканлиги билан боғлиқ; учинчиси, судланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам ишнинг барча ҳолатларини тўлиқ текшириш ва далилларни баҳолаш орқали иш бўйича ҳақиқатни аниқлашдек, одил судлов манфаатлари билан боғлиқ.

Шу билан бирга, мазкур норманинг моделида, бир томондан ишни соддалаштирилган тартибда юритиш мунсоабатларининг вужудга келишида судланувчи ва тарафлар ихтиёри; иккинчи томондан, ишларни бундай тартибда юритишни ман этувчи қондаларни ўзаро боғловчи элемент - далилларни текшириш ҳажмига оид мутаносиблик масалалари ҳал қилиниши лозим. Ушбу масала далилларни қайси ҳажмда ва кимнинг илтимосига биноан текширишга йўл қўйилишини назарда тутати. Бизнингча, далилларни текшириш масаласи қўйидаги доирада амалга оширилиши лозим: судланувчини, зарур ҳолларда жабрланувчини сўроқ қилиш; фақат тарафлар кўрсатган далилларни текшириш.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят-процессуал қондаларга риоя қилган ҳолда ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига сабаб бўлмаган тезлаштирилган тартибнинг жорий қилинишига соддалаштирилган тартибни қўллашни мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. UP-4947 " On the strategy for further development of the Republic of Uzbekistan".)

2. Бу ерда "далилларни текшириш" тушунчаси ЖПКнинг 94-моддаси белгиллаган "текшириш - бу қўшимча даллаларни тўплаш"; "қўшимча далиллар - бу текширилаётган далилларнинг хусусиятини аниқловчи восита" каби мазмун касб этмай, балки ишнинг дастлаб ўзида мавжуд бўлган далилларнинг қонуний ва асосли тўпланганлигини текшириш тушунчасини англатади. (Here the term " test evidence "indicated in article 94 of the CCP"; "Verification is the collection of additional evidence"; does not imply that such content as; additional evidence is the means that determines the nature of the evidence; and the fact that it originally is a concept of verification of the legitimacy and validity of the evidence.)

3. "Келишув битими" бир томондан айбланувчининг (судланувчининг) ўзига билдирилган айблов юзасидан баҳс юритмай, унга тўлиқ ёки қисман иқрор бўлиш, шунингдек баъзан айбланувчининг (судланувчининг) қилмишидан чин қўнғилдан пушаймон бўлиш ва етказилган зиённи бартараф этиш эъзига, иккинчи томондан айбловчининг айбланувчи(судланувчи)га енгиллик бериш талабини суд олдига қўйиш орқали ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятни ҳал қилиш шаклини назарда тутди. (The agreement on reconciliation " implies a form of resolution of social and legal conflict, in which the accused (defendant), on the one hand, is expressed in full or partial satisfaction, and on the other hand, in exchange for the accused (defendant) voluntarily regretted the deeds of the accused (defendant)and eliminated the damage caused, and on the other hand, puts before the court a requirement for mitigation of the accused (defendant).)

4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. Текст кодекса с изменениями и дополнениями на 20 марта 2013 года. <http://pravo.levonevsky.org/kodeksby/upk/> (Criminal procedure code of the Republic of Belarus. Text of the code as amended on March 20, 2013. <http://pravo.levonevsky.org/kodeksby/upk/>)

5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30692 (Criminal procedure code of the Republic of Tajikistan. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30692)

6. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. - Астана: 2014. <http://yvision.kz/post/419640> (Criminal procedure code of the Republic of Kazakhstan. - Astana: 2014. <http://yvision.kz/post/419640>)

7. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистан, от 18 апреля 2009 года (В редакции Законов Туркменистана от 31.03.2012 г. №292-IV, 22.12.2012 г. №359-IV, 01.03.2014 г., 03.05.2014 г.) http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=27706 (Criminal procedure code of Turkmenistan, dated April 18, 2009 (as amended By the laws of Turkmenistan dated 31.03.2012 № 292-IV, 22.12.2012 № 359-IV, 01.03.2014, 03.05.2014)) http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=27706

8. Пулатов Б. Х. Теоретические и практические проблемы и пути совершенствования законодательного регулирования участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах: Т., Академия МВД Республики Узбекистан, 2002. -С.14. (Pulatov B. H. Theoretical and practical problems and ways to improve the legislative regulation of the participation of the Prosecutor in the consideration of criminal cases in the courts: T., Academy of the Ministry of internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2002. - P. 14.)

**12.00.04 ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО.
ХОЗЯЙСТВЕННО ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ
ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ**

Салимова Ирода Мамаюсуфовна,

Тошкент давлат юридик университети
"Фуқаролик-процессуал ва иқтисодий-процессуал
хуқуқи" кафедраси докторанти.
E-mail: helloiroda@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-11>

**ЎЗАРО БОЎЛИҚ ТАЛАБЛАРГА НИСБАТАН ТААЛЛУҚЛИЛИК
ҚОИДАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ**

Аннотация: Мақолада ўзаро боғлиқ талабларга нисбатан тааллуқлилик қоидаларини қўллаш муаммолари ўрганилган, шунингдек, ягона суд тизими негизда ўзаро боғлиқ талабларга нисбатан "тааллуқлилик институти" ўрнига "судловлилик институти" қоидаларини қўллаш таклиф қилинган. Шу муносабат билан муаллиф томонидан процессуал қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суд тизими, тааллуқлилик, судловлилик, ўзаро боғлиқ талаблар, фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, маъмурий суд.

Салимова Ирода Мамаюсуфовна,

Докторант кафедрa Гражданского процессуального
и экономического процессуального права
Ташкентского государственного
юридического университета.
E-mail: helloiroda@mail.ru

**ПРОБЛЕМЫ ПРИМЕНЕНИЯ ПРАВИЛ
ПОДВЕДОМСТВЕННОСТИ В ОТНОШЕНИИ СВЯЗАННЫХ
МЕЖДУ СОБОЙ ТРЕБОВАНИЙ**

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы применения правил подведомственности в отношении связанных между собой требований, а также предлагается в рамках единой судебной системы применение положения "института подсудности" вместо "института подведомственности" в отношении связанных между собой требований. В связи с этим автором разработаны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию процессуального законодательства.

Ключевые слова: судебная система, подведомственность, подсудность, связанные между собой требования, суд по гражданским делам, экономический суд, административный суд.

PROBLEMS OF APPLICATION OF THE RULES OF SUBORDINATION REGARDING TO THE RELATED REQUIREMENTS

Annotation: The article discusses the problems of applying the rules of jurisdiction to related requirements, and also proposes, within the framework of a single judicial system, the application of the rules of "institution of jurisdiction" instead of "institution of subordination" to related requirements. In this regard, the author has developed relevant proposals and recommendations for improving procedural legislation.

Key words: judicial system, subordination, jurisdiction, related requirements, civil court, economic court, administrative court.

For citation: Salimova Iroda Mamayusufovna. PROBLEMS OF APPLICATION OF THE RULES OF SUBORDINATION REGARDING TO THE RELATED REQUIREMENTS. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 81-88

Мамаклатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан таомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4966-сон Фармони билан 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судини бирлаштирилиб, фуқаролик, жинойий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Авваломбор бу ислоҳот суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, уларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бироқ, суд тизимидаги бу туб ўзгариш процессуал ҳуқуқ институтларидан бири бўлган тааллуқлилик институти ва уни қўллаш қоидаларини ҳам ўзгартиришни тақозо этади.

Фикримизча, эндиликда: биринчидан, ягона суд тизими ўртасида арз қилинган талабларнинг айнан қайси суд ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда; иккинчидан, бир вақтнинг ўзида бир нечта суд ваколатига тегишли бўлган ўзаро боғлиқ бўлган талабларга нисбатан "тааллуқлилик" институтини қўллай олмаймиз. Чунки, кенг маънода тааллуқлилик деганда низоларни кўриб чиқиш муайян давлат бошқаруви органи ёки суд ёхуд бошқа ваколатли органнинг ваколатига тегишли эканлиги тушунилади. Тор маънода эса, тааллуқлилик бевосита суд ҳокимияти тизимида ишларнинг у ёки бу турдаги судлар ваколатига берилганлигини англатади[1]. Шундай экан, ушбу институт суд ҳокимиятининг икки мустақил олий органи Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди фаолият юритган даврда ушбу суд тизимлари органлари ўртасида арз қилинган талабларнинг қайси судга, шунингдек ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабларнинг умумий юрисдикция ёхуд иқтисодий судларга тааллуқлилигини белгилаб берган. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жинойий, маъмурий

ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, ягона суд тизими ҳақида гап кетар экан, арз қилинаётган талабнинг тааллуқли эмаслигини асос қилиб муайян суд томонидан аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, ЎзР Конституцияси 44-моддасига асосан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун билан берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда компетентли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларни самарали тиклаш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган.

Шундай экан, бизнингча ягона суд тизимига кирувчи судлар ўртасида арз қилинган талабларни айнан қайси суд ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда "тааллуқлилик институти"ни эмас балким, "судловлилик институти" ва "судловлилик қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари"ни қўллаш, шунингдек бир вақтнинг ўзида турли судлар ваколатига тегишли бўлган ўзаро боғлиқ талабларнинг "тааллуқлилиги"га нисбатан ҳам "судловлилик" терминини қўллаш ва алоҳида "Ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талабларнинг судловлилиги" номли нормани процессуал қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ. Шундагина судлар томонидан арз қилинаётган талабларнинг бошқа судларга тааллуқлилиги асос қилиниб аризани қабул қилиш рад этилмайди ёки иш қўзғатилгандан сўнг тааллуқли эмаслиги асос қилиниб иш юритиш тугатилмайди. Суд ушбу ҳолатда судловлилик қоидаларини қўллайди, яъни судловга тегишлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда ўз иш юритувига қабул қилиб олган ишни, гарчи кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тегишли бўлиб қолса ҳам, мазмунан ҳал қилади. Аксинча, иш мазкур судда кўрилатганда, у судловга тегишлилик қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги аниқланган ҳолларда ишни кўриш учун бошқа судга ўтказилади. Ўз навбатида арз қилинган талабларнинг суд ва бошқа органлар ўртасида айнан қайси орган ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда эса тааллуқлилик институти қўлланилаверади. Бу фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўзининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоясини сўраб судма-суд ортиқча сарсон бўлиб юришларини олдини олади ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш имкониятини яратади. Чунки, суд амалиёти материаллари шуни кўрсатадики, сўнги йилларда судлар томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг арз қилган талабларини тааллуқли эмаслигини асос қилиб суддан судга сарсон қилиш ҳоллари кўп учрамоқда. Хусусан, 2019 йил январь ойида ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинишига сабаб бўлган суд амалиёти материаллари ҳам бунга тасдиқлайди[2]. Аризачи 2014 йилнинг октябрь ойига қадар Ички ишлар Қоровул қўшинлари Бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда контракт асосида ишлаб келган. 2014 йил 25 август куни ўтказилган хизмат текшируви асосида Ички ишлар Қоровул қўшинлари Қўмондонининг 2014 йил 2 октябрдаги шахсий таркиб бўйича 53-сонли Буйруғига асосан ишдан бўшатишган. Аризачи хизмат текшируви хулосаси хизмат текшируви ўтказилгандан сўнг 15 кун мuddат ўтгандан сўнг тузилганлигини, 37-кун ходимнинг меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги вaж қилиб 2018 йил 21 декабрда Тошкент Ҳарбий судига Ички ишлар Қоровул қўшинлари Қўмондонининг 2014 йил 2 октябрдаги шахсий таркиб бўйича 53-сонли Буйруғини ҳақиқий эмас деб топишни ва ҳарбий хизматга

қайта тиклашни сўраб ариза билан мурожаат қилган. 2018 йил 28 декабрда Тошкент Ҳарбий суди "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддаси, "Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" низомининг 4-қисми б-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судлари ҳарбий қисмлар, кўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни кўриши лозимлигини асос қилиб, аризачининг ушбу талаби маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши лозимлигини кўрсатиб аризани қабул қилишни рад этган.

Шундан сўнг, аризачи Тошкент шаҳар Миробод туман маъмурий судига мурожаат қилиб Ички ишлар Қоровул қўшинлари Қўмондонининг 2014 йил 2 октябрдаги шахсий таркиб бўйича 53-сонли Буйруғи билан биргаликда 7534-сонли ҳарбий қисм командирининг 2014 йил 3 октябрдаги 233-сонли буйруғи ва шахсий таркиб бўйича 63-сонли буйруқларининг унга оид ҳарбий хизматдан қуролли кучлар резервига бўшатиш, қисм шахсий таркиб рўйхати ва барча таъминот турларидан чиқариш ҳақидаги буйруқларни бекор қилиш, ҳамда 7534-сонли ҳарбий қисм 6-ўқчи батальон жанговар гуруҳи командири лавозимига тиклаш, шунингдек фойдасига мажбурий прогул вақти учун ҳақ ундириб беришни сўраган. Бироқ, маъмурий суд томонидан ҳам ариза Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси 133-моддаси 1-бандига асосан (иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса) иш юритишга қабул қилиш рад этилган. Ажримда аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш асоси сифатида:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 26-моддаси 1-қисми биринчи бандига асосан фуқаролик судларига фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар тааллуқлилиги;

- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекси 26-моддасига асосан маъмурий судларга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлилиги;

- ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судга кўрилиши лозимлиги;

- мажбурий прогул вақти учун ҳақ ундириб бериш талаби фуқаролик судларига тааллуқлилиги кўрсатилган.

Ажримнинг ҳулоса қисмида аризачига фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган.

Шундан сўнг аризачи фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судига мурожаат қилган. Бироқ фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро суди ҳам арз қилинган талабларнинг фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли эмаслигини қайд этиб, аризани иш юритишга қабул қилишни рад этган. Аризачига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 февралдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида хизмат ўташ тўғрисидаги вақтинчалик низоми"га асосан ички ишлар органлари ходимларини ишдан бўшатган

ва четлатган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан юқори турувчи инстанцияларга кўрилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда аризачининг талаби дастлаб юқори турувчи орган томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги қайд этилган. Аризачига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликка ишга тиклаш бўйича муурожаатига нисбатан берилган жавобдан норози бўлган тақдирда ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида маъмурий судга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Кўриб турганимиздек арз қилинган талабларнинг тааллуқлилигини белгилашда ҳарбий суд маъмурий судга, маъмурий суд эса фуқаролик ишлари бўйича судга, фуқаролик ишлари бўйича суд бўлса мазкур талаблар дастлаб юқори турувчи орган томонидан кўриб чиқилгандан сўнггина маъмурий судга тааллуқли бўлиши мумкинлиги тўғрисида қарорга келган ва аризачининг даъво талаблари ҳар уччала суд томонидан асосиз равишда рад этилишига, унинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг бузилишига олиб келган.

Бундан ташқари, бу борада суд тизими ягона Олий судга бирлаштирилган хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ўзига хос процессуал хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туришини кўришимиз мумкин. Жумладан, 2014 йил 5 февралда қабул қилинган Россия Федерацияси Конституциясига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги "Россия Федерацияси Олий суди ва Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида"ги Қонуни билан Россия Федерациясида РФ Олий Арбитраж суди тугатилиб, ягона РФ Олий суди ташкил қилинди. 2018 йил 28 ноябрда процессуал соҳани такомиллаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи "Россия Федерациясининг алоҳида қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги 451-сонли Федерал қонуни қабул қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу федерал қонун билан Россия Федерация процессуал қонунчилигида илк бор "тааллуқлилиқ" термини фойдаланишдан чиқарилиб, ўрнига "компетенция" терминини қўллаш назарда тутилди. Бу ислоҳот аввало, умумий юрисдикция ва арбитраж судлари ягона тизимга бирлаштирилганда, судлар томонидан юқорида қайд этилганидек, тааллуқлилиқ институтини қўллаш билан вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш мақсадида амалга оширилди. Бироқ, бизнинг фикримизча бундай қарор масалага ҳуқуқий ечим бўла олмайди. Чунки, компетенция термини орқали судларнинг муайян ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга ваколати бор ёки йўқлиги ифодалаш мумкин, лекин тааллуқлилиқка хос бўлган ҳуқуқий оқибатлар сақланиб қолаверади. Мисол учун, муайян ишни кўриш ва ҳал этиш иқтисодий суд компетенцияси доирасига кирмасдан фуқаролик суди ёхуд маъмурий суд ваколатига кирса, аризани қабул қилиш рад этилади ёки тугатилади. Яъни, айтишимиз жоизки, умумий юрисдикция ва иқтисодий судлар ягона тизимга бирлаштирилган экан, ҳақиқатдан ҳам тааллуқлилиқ институтини қўллашимиз процессуал жиҳатдан нотўғри. Ушбу вазиятда қонун чиқарувчи (Россия Федерацияси мисолида) компетенция терминини қўллаш орқали вазиятдан чиқмоқда, бироқ, тааллуқлилиқ институти соф маънода ўзининг ҳуқуқий табиатини сақлаб қолмоқда. Қайд этишимиз лозимки, ушбу вазиятда процессуал қонунчиликка умумий юрисдикция ва иқтисодий судлар учун ягона олий органнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам кирита олмаймиз. Чунки, низоли ва низосиз талаблар нафақат суд ҳокимияти

органлари томонидан, балким ижро ҳоқимияти(солиқ, божхона органлари) ёки бошқа органлар (ҳакамлик судлари, халқаро арбитраж судлари) ёхуд медиация орқали ҳал этилиши мумкин. Демак, арз қилинаётган талаблар суд ҳоқимиятидан ташқари, бошқа органлар томонидан кўриб ҳал қилиниши мумкинлиги: биринчидан, тааллуқлилик институтининг долзарб эканлигини тасдиқлайди; иккинчидан, ушбу процессуал институтдан бутунлай воз кечиш нотўғри деган ҳулосага келишимиз учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига асосан, Қозоғистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноят ва бошқа ишлар бўйича олий суд органи бўлиб ҳисобланади[3]. Иқтисодий низолар туманлараро махсус иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Қозоғистон Республикаси процессуал қонунчилигида ўзаро боғлиқ бўлган талабларнинг бир вақтнинг ўзида суд ва бошқа органларга тааллуқли бўлган тақдирда, шунингдек, талабларнинг тааллуқлилиги бўйича зиддиятлар келиб чиққан ҳолларда устунлик суд органларига берилишини назарда тутувчи процессуал норма белгиланган. Жумладан ҚР ФПКнинг 25-моддасига мувофиқ, айримлари судга, бошқалари эса суд бўлмаган органларга тааллуқли бўлган ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаблар бирлаштирилган тақдирда барча талаблар судга кўрилиши лозим. Қонунларда муайян низони тааллуқлилигига оид зиддиятлар мавжуд бўлганда ёки талқин қилишда шубҳа уйғонганда низо суд томонидан кўрилади. Яъни, ҚР процессуал қонунчилиги судлар ўртасида ўзаро боғлиқ бўлган талабларнинг вужудга келиши мумкинлигини истисно қилади ва фақатгина ушбу талаблар суд ва бошқа органлар ўртасида вужудга келган ҳолларда айнан қайси орган томонидан кўриб чиқилиши мумкинлигини белгилаб беради.

Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 30-моддасига асосан, айримлари судга, бошқалари маъмурий, иқтисодий судларга тааллуқли бўлган ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаблар бирлаштирилган тақдирда барча талаблар суд томонидан кўрилиши лозимлиги белгиланган. Бу ерда суд деганда умумий юрисдикция судлари назарда тутилмоқда.

Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига асосан, суд ҳоқимияти конституциявий, фуқаролик, жиноят, маъмурий ва суд ишларини юритишнинг бошқа шаклларида амалга оширилади. Қирғизистон Республикаси суд тизими Конституция ва қонунлар билан белгиланади, Олий суд ва маҳаллий судлардан иборат[4]. Шунинг учун ҳам Қирғизистон Республикаси ФПКнинг 25-моддасида айримлари фуқаролик суд ишларини юритиш тартибиде, бошқалари эса иқтисодий ишлар бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибиде кўрилиши лозим бўлган ўзаро боғлиқ бир нечта талаблар бирлаштирилган тақдирда, уларни ажратишнинг имкони бўлмаса барча талаблар иқтисодий ишлар бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича кўриб чиқилиши белгиланган. Биринчи инстанция суди томонидан суд муҳокамаси вақтида ишнинг иқтисодий ишлар бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибиде кўрилиши лозимлиги аниқланса, суд томонидан ишни иқтисодий ишлар бўйича фуқаролик суд ишларини юритиш тартибиде кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Молдова Республикасининг 2012 йил 5 июлдаги "Молдова Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 155-сон Қонуни[5] билан МР ФПК[6] "Умумий тааллуқлилик" деб номланган 3-боби ўз кучини йўқотган. Тааллуқлилик институтига хос бўлган айрим қоидалар

судловлилик институти билан уйғунлаштирилиб "Ишларнинг суд инстанцияларига судловлилиги" номли 4-бобида ўз аксини топган. Жумладан, МР ФПКнинг 371-моддасига асосан, даъво аризасида айримлари умумий юрисдикция суд инстанциялари компетенциясига тегишли бўлган, бошқалари эса ихтисослаштирилган суд инстанциялари компетенциясига тегишли бўлган ўзаро боғлиқ бўлган талаблар арз қилинган бўлса, барча талаблар умумий юрисдикция суд инстанцияси томонидан кўриб чиқирилиши лозимлиги белгиланган. Ўзаро боғлиқ талаблар бир вақтнинг ўзида бир нечта судлар томонидан кўриб чиқирилатганлиги аниқланган ҳолларда, ушбу талаблар ариза асосида ажрим билан бирлаштирилиши ва биринчи бўлиб ариза тақдим қилинган суд томонидан кўриб чиқирилиши лозим. Бунда бирлаштириши тўғрисида аризани қабул қилган суд(судлар) томонидан талаблар биринчи марта ариза тақдим этилган судга кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин бўлган ажрим асосида ўтказилади.

Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 35-моддасига асосан, икки ва ундан ортиқ бўлган халқ судлари судловига тегишли бўлган даъволар, даъвогар томонидан шу халқ судларидан бирига тақдим этилиши мумкин. Агар даъвогар икки ва ундан ортиқ халқ судига даъво тақдим қилган тақдирда, ушбу даъво биринчи бўлиб фуқаролик иши қўзғатилган халқ суди судловига тегишли бўлади[7].

Япония ФПК[8] нинг 7-моддасига асосан, агар даъвода икки ва ундан ортиқ талаблар арз қилинган бўлиб, ушбу талабларнинг фақат биттаси Япония судлари судловига тегишли бўлиб бошқа талаблар билан узвий боғлиқ бўлган тақдирда, даъво Япония судига тақдим қилиниши мумкин. Бироқ ушбу қоида икки ва ундан ортиқ даъвогарлар томонидан ёки икки ва ундан ортиқ жавобгарларга нисбатан даъво тақдим қилинган ҳолларга тadbик этилмайди. Ушбу мазмундаги норма Жанубий Корея ФПК 25-моддасида мустаҳкамланган.

Айрим давлатларда, хусусан Беларус Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида, Тожикистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида, шунингдек Эстония Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида бир вақтнинг ўзида турли судлар ваколатига тегишли бўлган ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талабларнинг тааллуқчилигига оид процессуал нормалар назарда тутилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, бир нечта судлар ваколатига тегишли ўзаро боғлиқ бўлган талабларни бирлаштириш қоидалари суд амалиётида деярли ишламаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу уни қўллашнинг процессуал механизмлари шакллантирилмаганлиги билан изоҳланади. Жумладан, процессуал қонунчилигимизда ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши кераклиги мустаҳкамланган. Бироқ уни амалга оширишнинг процессуал механизми, яъни ушбу ҳолатда иқтисодий суд томонидан ўзаро боғлиқ талабларнинг фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқирилиши учун айнан қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириши, қолаверса ушбу талаблар бирлаштирилган тақдирда айнан қайси процессуал қонунчилик нормалари асосида кўриб чиқирилиши белгиланмаган. Бизнингча, юқорида ўзаро боғлиқ талабларга нисбатан "судловлилик" қоидаларини қўллаш тўғрисидаги фикрдан келиб чиқар эканмиз, суд ушбу ҳолатда судловлилик қоидаларини қўллаб ишни бир суддан иккинчи судга ўтказиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳулосаларга келинди:

биринчидан, ягона суд тизими ўртасида арз қилинган талабларнинг айнан қайси суд ваколатига тегишли эканлигини аниқлашда, шунингдек бир вақтнинг ўзида бир нечта суд ваколатига тегишли бўлган ўзаро боғлиқ бўлган талабларга нисбатан "тааллуқлилиқ" институтини эмас, балким "судловлилиқ институти" ва унинг ҳуқуқий оқибатларини қўллаш лозим. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга "ўзаро боғлиқ бир нечта талабнинг судловлилиги" қоидаларини белгилаб берувчи нормани киритиш таклиф этилади.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 39-моддасига "фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим бўлган ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талаблар аниқланган ҳолларда" иқтисодий суд томонидан иш фуқаролик ишлари бўйича судга ўтказилиши лозимлиги тўғрисидаги нормани киритиш, шунингдек, процессуал қонунчиликда ушбу талабларнинг ҳар бири тегишли процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ кўриб чиқилишини алоҳида мустақамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Гражданский процесс : учебник / отв. ред. В.В. Ярков. - 9-е изд., перераб. и доп. - М.: Инфотропик Медиа, 2014. - С 143.; Чудиновских К.А. Подведомственность в системе гражданского и арбитражного процессуального права. Монография. - СПб.: Юридический центр-Пресс, 2004. - С.4.; И.И.Стрелкова. Подведомственность арбитражному суду дел по экономическим спорам и иных дел : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.15 : Екатеринбург, 2002. - С.14.; Подведомственность дел арбитражным судам: монография / И.Л.Бурова; Дальневосточный государственный технический университет. - Владивосток:Изд-во ДВГТУ, 2008. - С.6-7. (Civil process: textbook / exec. ed. V.V. Yarkov. - 9th ed., Revised. and add. - M.: Infotropic Media, 2014. -- p. 143. ; Chudinovskikh K.A. Jurisdiction in the system of civil and arbitration procedural law. Monograph. - SPb. : Legal Center-Press, 2004. - P. 4. ; I.I. Strelkova. Jurisdiction of the arbitration court of cases of economic disputes and other cases: Dis. ... cand. legal Sciences: 12.00.15: Yekaterinburg, 2002. - P.14. ; Jurisdiction of cases to arbitration courts: monograph / I.L.Burova; Far Eastern State Technical University. - Vladivostok: DVG TU Publishing House, 2008. - P.6-7.)

2. Баҳмедов. "Менинг ишимни қайси суд кўради ўзи?". Фуқаро судма-суд сарсон // 09.01.2019. <https://kun.uz/63296013> (B.Akhmedov. Which court to review my case? A citizen staggers in court. <https://kun.uz/63296013>)

3. Конституция Республики Казахстан (принята на республиканском референдуме 30 августа 1995 года) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.03.2017 г.) <https://online.zakon.kz>. (The Constitution of the Republic of Kazakhstan (adopted at the republican referendum on August 30, 1995) (as amended and supplemented as of March 10, 2017) <https://online.zakon.kz>)

4. Конституция Кыргызской Республики, от 27 июня 2010 года. Централизованный банк данных правовой информации Кыргызской Республики. <http://cbd.minjust.gov.kg>. (Constitution of the Kyrgyz Republic, dated June 27, 2010. Centralized database of legal information of the Kyrgyz Republic. <http://cbd.minjust.gov.kg>)

5. Официальный монитор Республики Молдова, от 31 августа 2012 года №185 статья №:622. <https://base.spinform.ru>. (The official monitor of the Republic of Moldova, dated August 31, 2012 №185, Article №622. <https://base.spinform.ru>)

6. Официальный монитор Республики Молдова, №111-115, 12 июня 2003 года, Ст.451. <https://base.spinform.ru>. (The official monitor of the Republic of Moldova, №111-115, June 12, 2003, Art.451. <https://base.spinform.ru>)

7. Civil Procedure Law of the People's Republic of China (Adopted on April 9, 1991 and promulgated by Order N 44 of the President of the People's Republic of China on April 9, 1991 <http://www.china.org.cn>)

8. Code of Civil Procedure (Act №109 of June 26, 1996). <http://www.japaneselawtranslation.go.jp.com>

Юсупов Сардорбек Баходирович,

Тошкент давлат юридик университети
Бизнес ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
E-mail: s.yusupov020@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-12>

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Анотация: Ушбу мақолада давлат бошқарувида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг ўрни ва аҳамияти, мазкур соҳага оид илмий-назария, шунингдек, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига реал ҳиссани кўпайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва унинг моддий фаровонлигини ўстириш мақсадида 2019 йил 14 май куни қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг мазмун-моҳияти ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: Норматив ҳужжат, мурожаатлар институти, жисмоний ва юридик шахс, давлат ва жамият бошқаруви, давлат органлари ва мансабдор шахслар, тадбиркорлик субъектлари, чет эллик инвестор, видеоконференцалоқа, сайёр қабул, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатлар.

Юсупов Сардорбек Баходирович,

Преподаватель кафедры Бизнес право
Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: s.yusupov020@mail.ru

ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕХАНИЗМ РАБОТЫ С ОБРАЩЕНИЯМИ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Анотация: В данной статье рассматриваются роль и значение обращений физических и юридических лиц в государственном управлении, научная теория в данной сфере, а также соответствующие реформы, проводимые в стране, в том числе сущность и содержание Указа "О мерах по коренному совершенствованию системы поддержки и защиты предпринимательской деятельности", принятого 14 мая 2019 года в целях повышения качества и эффективности работы с обращениями, а также обеспечения открытого и прямого общения по ним, практического и эффективного выполнения их законных требований и решения проблемных вопросов, роста реального вклада в социально-экономическое развитие регионов, повышение занятости населения и повышения его материального благосостояния.

Ключевые слова: Нормативный акт, институт обращений, физические и юридические лица, органы общественного и государственного управления, государственные органы и должностные лица, предпринимательские субъекты, иностранные инвесторы, видеоконференцсвязь, выездной прием, выдача кредитов, разрешительные документы.

EFFECTIVE MECHANISM FOR DEALING WITH APPEALS OF BUSINESS ENTITIES

Annotation: This article examines the role and importance of appeals of individuals and legal entities in public administration, scientific theory in this area, as well as relevant reforms carried out in the country, including the essence and content of the Decree "On measures to fundamentally improve the system of support and protection of entrepreneurial activity", Adopted on May 14, 2019 in order to improve the quality and efficiency of work with appeals, as well as to ensure open and direct communication on them, practical and effective implementation of their legitimate requirements and solutions to problematic issues, the growth of the real contribution to the socio-economic development of regions, increasing employment and improving its material well-being.

Keywords: Normative act, institute of appeals, individuals and legal entities, public and state authorities, government bodies and officials, business entities, foreign investors, video conferencing, on-site reception, credit issuance, permits.

For citation: Yusupov Sardorbek Bakhodirovich. EFFECTIVE MECHANISM FOR DEALING WITH APPEALS OF BUSINESS ENTITIES. 2019, 11 vol., issue 1, pp. 89-94

Хозирги кунда жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бирор бир давлатнинг бошқарув шаклида демократик принципларга қай даражада шароит яратилганлиги, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, моддий ёки маънавий манфаатларининг ҳимояланиши унинг нечоғли инсонпарвар ва демократиялашуви даражасини белгилайди. Бундай кўрсаткичлар якка индивид манфаати билан бирга жамоалар, сиёсий институтлар, жамиятнинг муҳим бир бўлаги бўлган давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларининг жамият бошқарувидаги иштирокигача бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Бу борада давлат ўзининг бош ислохотчилиги, амалга оширилаётган ишларнинг тартибга солишга қаратилган функционал вазифаларидан келиб чиқиб, ҳуқуқ ижодкорлиги билан бирга уни тадбиқ этиш, натижаларни таҳлил этиш баробарида янгидан-янги норматив ҳужжатларни амалиётга жорий этиш вазифасини бажариб келади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий давлатчилигимиз васуверенитетимизни мустаҳкамлашда, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим пойдевор вазифасини бажарган кенг кўламли ислохотларамалгаоширилди. Бироқ мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилар эканмиз, давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ваамалгаошириш зарурати юзага келганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ҳамда мазкур Фармон билан Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга

оширишга оид Давлат дастурининг[1, С.120], қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадини кўзда тутати.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояси жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижтимоий институтларни модернизация қилиш, демократиянинг шакл ва инструментларини янада мустақамлашда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муҳим ўрин тутати.

Кейинги икки йилда мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига бўлган эътибор, нафақат унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, балки, амалиёт самардорлигини ошириш, ҳақиқий маънода мурожаат қилувчиларнинг талаб ва истакларини рўёбга чиқариш, мурожаатлар билан ишлаш ваколатига эга бўлган шахслар ва давлат органларининг масъулигини ошириш, мурожаатлар билан ишлашнинг энг оптимал усул ва воситаларини яратиш, бу борада илм-фан техника ютуқларини амалиётга кенгроқ жорий этиш, мурожаат қилувчиларнинг ҳар соҳада манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сансалорликлардан ҳимоялаш мақсадида ҳар бир мурожаатда кўрсатилган масалаларни бевосита ҳал этиш ваколатига эга бўлган органлар билан мурожаат қилувчи ўртасида яқин кўприк ташкил этиш юзасидан янги ва самарали механизмлар яратилмоқда. Жумладан, давлат органлари (маҳаллий давлат бошқарув органлари, вилоят ва туман сектор раҳбарлари) томонидан мурожаатларни бевосита ўз жойига чиқиб ўрганиш, ҳар бир давлат органида мурожаатларни қабул қилиб олиш у билан бевосита ишлаш вазифаси юклатилган штат бирликларнинг ташкил этилганлиги бу борадаги муносабатларни тартибга солишда ва ижобий натижага эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Россиялик тадқиқотчи Д.А.Сергеева мурожаатларнинг давлат бошқарувида туган ўрни масаласига дўхталиб ўтиб қуйидагиларни билдириб ўтган, "Мурожаатлар институти жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини билвосита таъминлайди, уларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган қарорларга бўлган муносабатини ифодалайди, керак бўлса халқнинг хоҳиш ва истакларини ёзма равишда олий бошқарув органларига етказиб, ислохотлар стратегиясини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди [2, С.6], ".

Ўртбошимиз томонидан ўз маърузаларида бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек мурожаатлар билан ишлаш тизмининг йиллар давомида юзаки йўлга қўйилганлиги ва натижасизлиги оқибатида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатлари борасида мурожаат қилиш фоизларининг ўсиш даражасида ҳеч қандай ўзгаришлар сезилмас эди ва бу бу борадаги муносабатлар юзасидан ҳуқуқ ижодкорлиги масаласида ҳам ўз исботини топганди. Кейинги икки йил давомида бу соҳадаги тонг маънодаги янгиланишлар (мурожаатлар сонининг ортганлиги, мурожаатлар мазмунининг кенгайиб бориши, мурожаат қилувчиларнинг давлат органларига бўлган ишончининг ортиши, даврий нашрлар

ва ОАВлари орқали берилган маълумотлар ва мурожаатларни йўллаш шакли ва тартибига оид маълумотлар) мазкур соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Эндиликда жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан бирга юридик шахслар аynиқса тадбиркорлик субъектларининг давлат органларига аynиқса олий ижро органи бўлган Вазирлар Маҳкамасигача бўлган мурожаатларнинг сон жиҳатдан ортиб бориши мазкур соҳада янгича механизмларни жорий қилиш заруратини вужудга келтирди.

Эндиликда фуқароларимиз мурожаат қилиш имконияти кенгайганлиги ва шароитларнинг яратилганлиги сабабли мурожаат йўллашда умумий натижа ва компетентни инobatга олиб давлат органларига мурожаат йўлламоқдалар. Бу борада А.Алексеев ва Н.Рибаковлар ўзларининг "Как правильно написать обращение в орган власти: Пособия для граждан" номли қўлланмасида қуйидагича "Аввало давлат органи ёки мансабдор шахсга мурожаат қилишдан олдин шуни аниқлаб олиш зарурки, сиз қандай натижага эришмоқчисиз? Бунинг учун биринчи навбатда ушбу мурожаатни кўриб чиқиш ваколати кимга тегишли эканлигини аниқлаб олишингиз ва бу борадаги норматив ҳужжатлар билан танишиб чиқишингиз зарур [3, С.36]," дея кўрсатма бериб ўтадилар.

Мурожаатлар билан ишлаш механизмларининг такомиллашуви ўз навбатида фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Бугунги кунга келиб ҳар бир шахс мавжуд муаммосини ҳал қилиш ваколатига эга орган ва мансабдор шахсларни тўғри танлаш ва аниқлаш имкониятига эгадир.

Тадқиқотчи олим Н.Н.Парыгина тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари томонидан муҳофазаланиши масаласида мурожаатларнинг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтиб, қуйидагиларни "Тадбиркорлик субъектларини ҳар бир демократик давлатда қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан муҳофазалаш белгиланган бўлиб, бу борада нодавлат жамоатчилик тузилмалари, ОАВлари ва судлар муҳим ўрин тутаети, бироқ тадбиркорлик фаолиятида шундай ҳолатлар кузатиладики, унинг фаолияти таваккалчиликка асосланганлиги боис, муҳим қарорлар қабул қилиши билан бирга айрим масалаларни тез ва самарали усуллар воситасида ечишига тўғри келаети, бу борада ушбу масала маҳалий давлат органлари билан боғлиқ бўлган ҳолларда суд орқали ушбу масалага қонуний ечим топишга нисбатан юқори турувчи маҳалий давлат органига мурожаат қилиш масаланинг ечимини тезлатишга хизмат қилаети, тўғри бу ўринда мансабдор шахснинг қонун ҳужжатларини ҳурмат қилиш ва унга итоат қилиш маданияти ҳам таъсир кўрсатади [4, С.105], "

Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш учун қулай шароит яратиш ва аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш тартиби сезиларли даражада содаллаштирилди. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширишлар ҳам қисқартирилди.

Тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, уларнинг қонуний талабларини

амалий ва самарали рўёбга чиқариш ва муаммоли масалаларни ҳал этиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига реал ҳиссани кўпайтириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва унинг моддий фаровонлигини ўстириш мақсадида 2019 йил 14 май куни қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги[5], фармони ва унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилиши тадбиркорлик субъектларини ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиш, шу жумладан, видеоконференцалоқа ҳамда сайёр қабулларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олишдаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Мазкур фармонга мувофиқ, қабулхоналар иши уч босқичда олиб борилади. Аввало, қабулхонада тасдиқланган кунлик жадвал асосида ҳокимликлар, Савдо-саноат палатасининг тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, инвестициялар ва савдо, адлия, солиқ инспекцияси, қурилиш, давлат кадастри органлари, банк ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий вакиллари тадбиркорларни қабул қилади. Туман ва шаҳар даражасида ўз ечимини топмаган муурожаатлар Бош вазирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига юборилади. Республика даражасида ҳал этилиши керак бўлган тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг муурожаатлари Вазирлар Маҳкамасининг котибиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ваколатли идоралар вакиллари иштирокида кўрилади. Муурожаатлар шунда ҳам ўз ечимини топмаса, тадбиркорларни Бош вазирнинг шахсан ўзи қабул қилади. Хорижий инвесторларга кўмаклашиш Бош вазир қабулхоналарининг асосий вазибаларидан бири бўлади. Шу боис уларга хорижий тилларни биладиган ва инвесторлар билан ишлаш салоҳиятига эга кадрлар ишга олинади. Тадбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолияти натижалари ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг раислигида алоҳида йиғилишларда, шу жумладан, видеоконференц-алоқа орқали кўриб чиқилади. Шунингдек, Бош вазир қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари (кейинги ўринларда - секторлар), давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини аниқлаб, ҳал этилишини таъминлайди. Бу борадаги ишлар халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиниб, масъул ташкилот раҳбарларининг ҳисоботи тингланади.

Ушбу фармоннинг аҳамияти шундаки, эндиликда тадбиркорлик субъектларининг муурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ортиши билан бирга уларнинг қимматли вақтлари тежалиши ва ортиқча сансалорликларни олди олинади. Бу ўз навбатида фуқароларнинг мамлакат тараққиёти ва келажагига бўлган дахлдорлик хиссини ортишига хизмат қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 N UP-4947 "On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan" // "Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan", February 13, 2017, № 6, article 70).

2. Сергеева Д.А. Институт обращений граждан в России: конституционно-правовое исследование. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Белгород-2017 (Sergeeva D.A. Institute of Citizens' Appeals in Russia: Constitutional and Legal Research. The dissertation for the degree of candidate of legal sciences. Belgorod-2017. 6 sec).

3. Алексеев А., Рибак Н. Как правильно написать обращение в орган власти: Пособия для граждан. -СПб.: "Беллона", 2015 (Alekseev A., Ribakov N. How to correctly write an appeal to the authority: Benefits for citizens.-SPb.: "Bellona", 2015).

4. Парыгина Н.Н. Защита права на деловую репутацию юридических лиц и индивидуальных предпринимателей по гражданскому законодательству Российской Федерации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Омск-2017 (Parygina NN Protection of the right to business reputation of legal entities and individual entrepreneurs under the civil law of the Russian Federation. The dissertation for the degree of candidate of legal sciences. Omsk-2017).

5. <http://uza.uz/oz/documents/tadbirkorlik-faoliyatini-llab-uvvatlash-va-imoya-ilish-tizim-15-05-2019>

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЯ/CONTENTS

1. Abdusattarov Akmal Mirzaakbarovich. SOME ISSUES RELATED TO THE APPLICATION AND IMPROVEMENT OF THE LEGAL FRAMEWORK AND LEGAL APPLICATION PRACTICE OF LOCAL GOVERNMENT BODIES IN THE FIELD OF ENVIRONMENTAL PROTECTION.....	4
2. Bahadirov Murat Mahmudovich, Maratova Khurliman Bakhtiyar qizi. FEATURES OF FORMING SOFT POWER OF CHINA.....	11
3. Khayitov Khushvakt Saparbayevich. ANTI-CORRUPTION MEASURES – ACTUAL TASK OF THE STATE.....	18
4. Niholbek Ganiyev. THE ROLE OF TELCOMMUNICATION SERVICES IN THE SERVICE DELIVERY SYSTEM.....	26
5. Davletov Utkirbek Matmuratovich. JUDICIAL ACTIVITY IN THE CONSIDERATION OF MILITARY-LEGAL ISSUES AND DISPUTES.....	36
6. Aqida Dadasheva Abdujabborovna. THE ROLE OF LOCAL EXECUTIVE AUTHORITIES IN THE SYSTEM OF STATE AND PUBLIC ADMINISTRATION IN UZBEKISTAN.....	41
7. Atajanova Dinara Salimjanovna. THE NEED FOR RATIFICATION OF MATERNITY PROTECTION CONVENTION №183 OF INTERNATIONAL LABOR ORGANIZATION.....	52
8. Kamoliddin Dastamov Khusanovich. IMPROVEMENT OF THE JUDICIAL SYSTEM: FOREIGN EXPERIENCE.....	58
9. Davron Bekchanov Masharipovich. THEORETICAL ASPECTS OF THE PROVISION OF PUBLIC SERVICES BY LOCAL AUTHORITIES IN THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP.....	65
10. Nodirjon Khayriev Isroilovich. THE INTRODUCTION OF SIMPLIFIED PROCEDURES IN CRIMINAL CASES IN COURT IS A PRIORITY THE INTENSIFICATION OF THE MEETING OF THE FIRST INSTANCE.....	73
11. Salimova Iroda Mamayusufovna. PROBLEMS OF APPLICATION OF THE RULES OF SUBORDINATION REGARDING TO THE RELATED REQUIREMENTS.....	81
12. Yusupov Sardorbek Bakhodirovich. EFFECTIVE MECHANISM FOR DEALING WITH APPEALS OF BUSINESS ENTITIES.....	89

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**

JOURNAL OF LAW RESEARCH

2019 №11



Масъул муҳаррир: Шохруд Файзиев

Мусахҳиҳ: Сураё Раҳмонова

Техник муҳаррир: Акбар Юлдашев

**Контакт Редакция журнала "Правовые исследования":
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**